

**Алишер НАВОИЙ**

**“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ДАГИ  
НАЪТ ҒАЗАЛЛАР**

“Noshirlik yog`dusi” нашриёти  
Тошкент — 2010

*Тўплаб нашрга тайёрловчи:*  
**Орифа Сафарова,**  
**Бухоро давлат университети тадқиқотчиси**

*Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:*  
**Сайфиддин Сайфуллоҳ,**  
**филология фанлари номзоди**

*Тақризчи:*  
**Қодиржон Эргашев,**  
**филология фанлари номзоди**

*Буюк тафаккур соҳиби Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ҳукмингизга ҳавола этилаётган бу дурдона газаллари ниҳоятда теран мушоҳадалар маҳсулидир. Зеро, Алишер Навоий наът газалларни ҳам энг юксак савияга олиб чиқди. Пайғамбар алай-ҳиссаломнинг фақат ўзигагина хос сифатлари, гўзал ахлоқлари ва ибратли ҳаётлари ҳадис ва оятлар билан далилланган ҳолда санъаткорона ифода этилди.*

*Ушбу китобда ана шу газалларнинг бир қанча намуналари жамланган.*

© “Noshirlik yog‘dusi” нашриёти, 2010 й.

© Орифа Сафарова.



## НАЪТ ҒАЗАЛЛАР МОҲИЯТИ

Бедилинг хайли русул, сенсен аларға дилрабо,  
Ё набий, руҳий фидок, аҳлан ва саҳлан марҳабо!

\* \* \*

Эй Навоий, чораи дардингни қилгай, улки бор,  
Ҳам расулу, ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.

*Алишер Навоий.*

Илк ёзма ёдгорликлардан тортиб, бугунги кун шеърияти-мизга қадар шоирлар девонларида ҳамд ғазаллардан сўнг наът ғазаллар ёзиб келганлар.

Деярли ўн асрга яқин шоирлар томонидан ёзилган наът ғазалларни диққат билан ўқисак, ҳазрат Пайғамбаримиз бани башарнинг энг улуғ ва энг комил инсони сифатида таъриф-тавсиф қилинган. Шоирлар наът ғазалларда пайғамбар алай-ҳиссаломни оддий мақташ йўлидан бормай, юксак ахлоқ ғояларини ҳам тарғиб қилганлар. Яъни муборак сурат билан бирга илоҳий сийрат мадҳ этилган ва улардан ибрат олишга даъват этилган.

Дарҳақиқат, ғазалларда Расули акрамнинг энг буюк пайғамбар ва энг улуғ хулқ соҳиби экани, хайру саховати, жасорат ва шижоати, етимларга шафқат қилгани, умматини севгани, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар орқали мадҳ этилади. Қиссадан ҳисса сифатида ҳар бир китобхондан “макорим ул-ахлоқ”дан ибрат олишга ва ҳазрат пайғамбар алайҳиссаломни севишга, унга мутобаат этишга тарғиб ва ташвиқ этилади.

Шунингдек, “Нури Муҳаммадий”, “Лавлок”, “Раҳматан лил-олабийн” каби хос сифатларнинг шеърлардан шеърларга

кўчганлиги, аммо ҳар бир шоир унга ўз дулёқараши ва илми даражасида муносабат билдиргани кўзга ташланади.

Наът ғазалларни ўқир экансиз, бир нарсага амин бўласизки, ҳазрат пайғамбаримизни севиш ва гўзал ахлоқидан ибрат олишга фақат муфассир ва муҳаллислар ёки дин уламолари эмас, айни пайтда шоирлар ҳам катта ҳисса қўшишган. “Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор” ҳадисига мувофиқ наът ғазалларнинг айримлари фавқулодда ўқувчининг қалбига, фикр ва туйғуларига таъсир этиш даражасида битилгани сезилиб туради.

Адабиётимизда шеърятни энг юқори чўққига кўтарган Алишер Навоий наът ғазалларни ҳам энг юксак савияга олиб чиқди ва ҳазрат пайғамбаримизни ҳар жиҳатдан маромига етказиб, айрича бир санъаткорлик билан таърифу тавсиф этди. “Ҳазойин ул-маъоний”да бундай ғазалларнинг ўнлаб гўзал намуналари учрайди.

Алишер Навоийнинг наът ғазалларини шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги ғазалларда бево-сита ҳазрат пайғамбаримиз билан алоқадор: “Кунту набий-ян...”, “Ана афсаҳ...”, “Шаққул қамар”, “Ваш-шамс”, “Ваззуҳо”, “Мо зоғал-басар”, “Қоба қавсайн”, “Сидрат ул-мунтаҳо”, “Буроқ” каби оят, ҳадис ва меърож воқеасига далолат қиладиган иқтибосларнинг иштирок этганини кўрамыз. Бундай ғазалларнинг наът руҳида эканини пайқаш қийин эмас. Ва яна шундай ғазаллар борки, улардаги имо-ишоралардан, комил инсонга хос бўлган сифатлардан пайғамбар алайҳиссаломга бағишлангани маълум бўлади. Бундай ғазалларнинг руҳини сезмаган китобхонлар эса уни кўнгилга яқин инсоннинг таърифига бағишланган деб тушунишлари мумкин. Сир эмас, шу боисдан ҳам ҳамд ва наът ғазалларни илгаш ва тўғри талқин қилиш учун мумтоз адабиёт сарчашмаларидан, дин ва тасаввуф таълимотидан яхши хабардор бўлиш лозим.

Яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, айрим ғазалларда кўтарилган бош мавзу атрофида баҳс юритилар экан, Расули акрам пайғамбаримизнинг ахлоқлари ва руҳиятларидан ибрат олишга чақирилади. Бундай ғазалларни бир жиҳатдан

наът гуруҳига қўшиш мумкин. Иккигчи тарафдан қўшмаслик ҳам мумкин. Масалан, нафс ва руҳдан баҳс этган шоир бир байтида руҳнинг “раҳмоний” нафснинг эса “шайтоний” сифатлари ҳақида ёзиб, уларнинг бир-бирига зид ва бир-бирига қўшмаслик кераклигини айтади ва шундай қиёс келтиради:

*Рухға даъб Ҳабибуллоҳ иши ойини,  
Нафс Бужаҳлиқ асбобини айлаб мабсут<sup>1</sup>.*

Демак, Ҳабибуллоҳ – Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ ва эзгу ишлари тоза руҳдан содир бўлган. Фитна-фасод билан машҳур бўлган, Аллоҳ расулининг душмани – Абу Жаҳлнинг ишлари эса нафснинг жирканч кутқуларидан иборат.

Ушбу китобга Навоийнинг форсча “Ситтаи зарурия” қасидалари таркибидан жой олган “Айн ул-ҳаёт фи наъти расул алайҳис-салавот” (Расул алайҳис-салавот наъти ҳақида “Айнул-ҳаёт”) қасиласи ҳам илова қилинган. Бу қасида ҳам қайсидир маънода наът ғазаллардаги ғоя ва мақсадни тўлдиришга, ҳазрат пайғамбарга алоқадор бетакрор маънолар ва бадиий тасвир ифодаларини англашга хизмат қилади. Шунингдек, китоб сўнгида нашрга тайёрловчи томонидан матнларда учрайдиган оят ва ҳадислар ҳамда луғат ва изоҳларнинг берилиши ҳам айни муддао бўлган.

Хуллас, ҳазрат Навоийнинг наът руҳидаги шеърларини ўқиш ва ўрганиш Пайғамбар алайҳиссаломни хос сифатлари билан танишга ва у кишининг гўзал хулқларидан ибрат олишга ҳамда улуғ шоирнинг дунёқарашини ва санъаткорлигини янада теранроқ англашга яқиндан ёрдам беради.

**Сайфиддин Сайфуллоҳ,  
филология фаилари номзоди**

---

1. “Фавойид ул-кибар”. 280-ғазал.

\* \* \*

Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро,  
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Юз энигинг туфроғига сурта олғайменму деб,  
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,  
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Не учун киймиш қаро ҳарён солиб жайбиға чок,  
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро.

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асраминш,  
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.

Машғале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,  
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Қум эмас Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин,  
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила,  
Мақдаминг то стмади ул водийи хуррам аро.

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки,  
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 6-ғазал.*

⋮

\* \* \*

Зиҳе жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно”\*,  
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.

Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб андин  
Малак раъноларининг жабҳасиға чарх сандалсо.

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,  
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак қолиб буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,  
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб,  
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,  
Хирад пайкига ҳам аввал қаламда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида худхуд,  
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипехросо.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,  
Тилаб саргашта ушшоқига ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,  
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 7-ғазал.*

---

\*Қуръони карим. “Нажм” сураси, 9-оят.

\* \* \*

Зиҳе висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,  
Муҳаббатидин отишгни ҳабиб атаб маҳлуб.

Уружунг ақшоми бўлмай тўқуз сипеҳр ҳижоб,  
Юзунг хижолатидин меҳр ўлуб вале маҳжуб.

Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек  
Кишики, ишқинг ўтиға ўзин қилиб мансуб.

Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,  
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.

Қитобат этмаганингдин қаламда нол эрмас  
Қи, тушти кўнгли аро тоб уйлаким мактуб.

Либоси мотам аро қолди то абад соя  
Ки, меҳридин нега ёнингда бўлмади масҳуб.

Мутиъи амринг агар подишоҳ, агар сойил,  
Гадои хонинг агар хушманд, агар мажзуб.

Ажаб йўқ олса кўнгул хушин ул ики гесу,  
Бу бўлса силсила, кўп телбани қилур мағлуб.

Тиласа равзани зоҳид, Навоийю кўюнг,  
Ки, ҳар киши ани истарки, бор анга марғуб.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 40-ғазал.*



\* \* \*

Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис,  
Хавосе шарбати “юҳйил-изом”\* қилди ҳадис.

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,  
Магар бизинг маҳи улвий хиром қилди ҳадис.

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё  
Нуқтани дона, хутутини дом қилди ҳадис.

Лабидин айру тушуб сўт учун китобатдин,  
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Чибинни шаҳд нечукким йиғар, такаллумдин  
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Зиҳе такаллуми муъжизнизомким, келгач,  
Араб фасиҳлариға ҳаром қилди ҳадис.

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,  
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 89-ғазал.*

---

\*Қуръони карим. “Ёсин” сураси, 78-оят

\* \* \*

Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,  
Жавҳар олмоқға ғаний қилган кеби динор харж.

Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқким, бўлур  
Кечкурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.

Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар  
Сен кеби маҳбуби васлин, айлагай ночор харж .

Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос ,  
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.

Баҳри раҳматдинки, топтинг, халқ уза бир қатра бас,  
Гарчи тенг авлодур этмак даҳл ила изҳор харж.

Мағфират ганжи санга тамлик эрур, монизъ эмас,  
Айласанг исёни кўп умматқа ҳар миқдор харж .

Сен киму наътин демак, тил асрағил кўп нуктадин,  
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 94-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳе тилинг “ана афсаҳ”\* тақаллумида фасиҳ,  
Сен амлаҳ ўлдунг, агар дилраболар ўлди малиҳ.

Тулуъи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,  
Зиҳе камоли сабоҳат, зиҳе жамоли сабиҳ.

Хаамири мояйи жисмингдин ортқанни қазо,  
Ики баданда қилиб руҳ атади Хизру Масиҳ.

Фалакни чок қилиб ўтганингда гар баъзи  
Таваҳҳум айлади, “шаққул-қамар”да бўлди сариҳ.

Қадам қуёш уза қўйдунг уруж шоми не тонг,  
Кафингни гар яди байзоға қилсалар таржиҳ.

Эрур каломеким, анда ҳуруфи иллат йўқ,  
Қаю ҳадиски, сендин баёнға келди саҳиҳ.

Эмас Навоёю мадҳинг демакка ҳад, басдур  
Анга бу қадрки, модихларингға бўлса мадиҳ.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 101-ғазал.*

---

\*Мен энг фасиҳ сўзловчиман ( ҳадис)

\* \* \*

Одамки, банар насли силкига эрур пайванд,  
Сувратда санга волид, маънода санга фарзаид.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,  
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,  
Билгачки, топар дининг, жон топги бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул  
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз нарқанд.

Шаҳларға гадо андоққим келди букун муҳтож,  
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,  
Мажнунунг эрур жонлар қил силсила бирлан банд.

Шаққарга узубатда нутқунг не ажаб кулса,  
Ким, эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаққарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча,  
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ пожанд.

Не келса Навойиға сендин юз эвурмаским,  
Ул зарра дурур, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 114-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳе азалда қарам айлабон санга Халлоқ,  
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ.

Сипеҳр гунбадини равшан эткали зотинг,  
Чароғ ўлуб, анга қандил арсайи офоқ.

Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутуб,  
Гаҳски сскритибон чарх соҳатида Буроқ.

Рикобинг ўпмагининг орзусида ою кун  
Бериб Буроқинг учун ўзларига шакли чаноқ.

Ҳилолу меҳру шиҳоб ўлди наълу доғу алиф,  
Фалакка бўлғали сендин насиб дарди фироқ.

Сипеҳр ҳар кеча юз минг кўзин недин юммас,  
Висолингга яна бир кеча гар эмас муштоқ.

Мақоминга етайин деб Навоий айлар сайр,  
Гаҳе Ажам била Нерез, гаҳе Ҳижозу Ироқ.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 309-ғазал.*

\* \* \*

Эй, деб сифатингда аҳли идрок,  
Лав лока ламо халақтул-афлок\*.

Афлок нечукки хоки роҳинг  
Ул йўлдаки, ожиз ўлди идрок.

Десам афлок эрур туфайлинг  
Басдур гуваҳим ҳадиси “лав лок”.

Тубий била шоҳи сидра келди,  
Қадринг чаманида икки хошок.

Ким тутса шафоатинг умиди,  
Бебоклигининг анга не бок.

Чун шоми уруж қайтнинг бот,  
Субҳ этти ёқани гуссадин чок.

Васфингда не айтқай Навоий,  
Жуз ажз ила узри мо арафнок\*\*.

*“Ғаройиб ус – сиғар”, 322 – ғазал.*

---

\*Агар сен бўлмасанг фалакларни яратмас эдим. (ҳадис)

\*\*Биз сени ҳаққи ила танимадик (ҳадисига ишора)

\* \* \*

Эй тўқуз торами, ахзар бўлубон жилвагаҳинг,  
Хайли агжум сипаҳинг, нури губори сияҳинг.

Муждаи васл ила топмай даме ором, магар  
Мақсади сидқ бўлуб бир нафас оромгаҳинг.

Чарх юз минг кўзи гўё ёруди, тортилибон  
Сурмагун тун ичида сурмасифат гарди раҳинг.

Суфийи олами қудсий сену асҳоб русул,  
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.

Таҳ - батаҳ бу тўқуз афлокидин ўтганда эди  
Юқори Холиқ ўлуб, махалақаллоҳ таҳинг.

Эл кўзин нури шафоат била ёрутқаниншта  
Тортқан сурмайи мозоғ икки кўздур гуваҳинг.

Эй Навоий, чу шафиъинг ул эрур, бўлди гуноҳ  
Ул малакларгаки, ёзмоқ тилагайлар гунаҳинг.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 339 – ғазал.*

\* \* \*

Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи Илоҳ,  
Не юздурур бу, не кўз ло илоҳа иллаллоҳ.

Жамолинг ойна “Ваш-шамс”\* кўзгуси нозил,  
Кўзунг қаросиға “мо зоға”\*\* сурмаси ҳамроҳ.

Тилинг ҳамеша ладуний улумиға нотик,  
Мудом кўнглунг илоҳий румузидин огоҳ.

Қамар ҳар ой боши муъжизнамой илгингдин,  
Қочиб бошини ўғурларки бўлур ийла дутоҳ.

Чу сен синеҳрдин ўтгунг шиҳобу ҳалқаи бадр  
Эмаски чарх чекар кеча ҳасратингдин оҳ.

Сенинг шафоатинг уммиди чун эрур мумкин,  
Гуноҳкор бировдурки, йуқтур анга гуноҳ.

Навоий гулшанининг наргиси нужум ўлғай,  
Кўз учидин анга қилсанг ҳисоб вақти нигоҳ.

*“Ғаройиб ус-сиғар”, 521 – ғазал.*

---

\*Қуръони карим. “Шамс” сураси, 1-оят.

\*\*Қуръони карим. “Нажм” сураси, 17-оят.



\* \* \*

Зиҳе буроқинг изи меҳру сайри барқосо,  
Бу барқ сайри била пўяси фалакфарсо.

Бурун қадам бу макондин чу ломакон қўйдунг,  
Не навъ дейки, анинг гоми эрди гардунсо.

Висол субҳи дейин, йўқ уруж оқшомиким,  
Сабоҳдек эди ул барқ нури бирла масо.

Қўлин бу барқ ёрутти, дамин бу эл очди,  
Агар сипеҳр уза Мусо эди ва гар Ййсо.

Чу қолди сайрида руху-л-амин, не тонг, ул ҳам  
Гар ўлмади сафарингнинг ниҳоятига расо.

Малойик ўлмадилар ул ҳарам аро маҳрам,  
Рижол хилвати давридин ул сифатки нисо.

Навойй асру бузулмиш, боқиб иноят ила  
Анинг бузуғлиғини бир қўз учи бирла ясо.

*“Наводир уш – шабоб”, 6-ғазал.*

\* \* \*

Бедилинг хайлу русул, сенсен аларга дилрабо,  
“Ё набий, руҳий фидок аҳлан ва саҳлан марҳабо”\*.

Гоҳ давлатлиқ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,  
Гаҳ фалакрав маркабингга етмайин пайки сабо.

Шоми васлинг топмаганга субҳи содиқ ҳар саҳар,  
Панжайи хуршид ила пироханин айлар қабо.

Туфроғ ўлмиш, мен қўяй деб остонбўсунгга юз,  
Ҳолима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.

Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлғай ит  
Ким, эшигинг итларин топқай ўзига ақрабо.

Бўлмағай эрди муяссар “Ҳамса”, яъни панж ганж,  
Қилмаса эрди мадад ҳолимга беш оли або.

Эй Навоий, чорайи дардингни қилғай улки бор  
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.

*“Наводир уш-шабоб”, 7 – ғазал.*

---

*\*Руҳий фидока – Жоним Сенга фидо бўлсин. (арабий ибора)*

\* \* \*

Зиҳе бошпиг уза “Ваш-шамс”\* зеваридин тож,  
Сочинг саводида тафсири лайлат ул-меърож.

Нужум жавҳаридин тожи жоҳинга тарсиъ,  
Сипехр атласидин тахти рифъатингга дувож.

Саҳар яшил аламидин ливонг уза шукқа,  
Малак қалин ҳашаридин сипоҳингга афвож.

Беҳишг сори киши тийра гўрдин бормас,  
Шафоатинг алифи тутмайин йўлига сирож.

Ҳидоятинг қўлидин шарбати шифо топибон,  
Аники иллати куфр айлабон заифмизож.

Салоти хамсани адёнға айладинг носих,  
Бу панжа бирла малакнинг юзига урдунг кож.

Навоий ўлди чу муҳтожинг, айла раҳм ангаким,  
Ганий карим эса ибромға эмас муҳтож.

*“Наводир уш-шабоб”, 92-ғазал.*

---

*\*Қуръони карим. “Шамс” сураси, 1-оят.*

\* \* \*

Шаҳсуворим тавсани айларму оё пўя тез,  
Ё қуёш турки фалак раҳшин қилиптур гармхез.

Ул шиҳоб эрмаски майдони аро гўй ўлғали,  
Саъд кавкаблар тушар ерга қилиб кўктин гурез.

Гардлиғ чавгон хамида ахтар ўлган уйлаким,  
Гўйи ғабғаб даврида чавгон зулфи мушкбз.

Маркаби тер қатраси бирлаки ҳарён сочилур,  
Бир саҳоби дурфишондур ер юзига қатрарез.

Гўйи чавгон зарбидин тутмоқ била ҳар дам ҳаво  
Бийм эрурким шишайи гардунни қилғай рез — рез.

Соҳиё, май берки бу даврон аро гўй урди ул  
Ким, фалак чавгони бирла қилмади мардум ситез.

Гўй учун инди кавокиб гардидин ер тутти авж,  
Эй Навоий, воқиф ўл гўёки бўлди рустахез.

*“Наводир уш-шабоб”, 201- ғазал.*

\* \* \*

Жамоли нурини чеккан тарозу ою куёш,  
Магар бу бирида нур эрди, ул бирисида тош.

Гар ойда тош эмас эрди, куёшда нуридин  
Кудурат ичра қолиб ой, мунаввар ўлди куёш.

Куёшқа нурки юқмиш ҳануз эрур ул нур,  
Ҳануз ой ичра ҳамул тош эрурки, бўлмиш фош.

Уруж ақшоми тегрангда ою кавкаблар,  
Масиҳ гирдида андоқки, бир неча хаффош.

Юзи тубон тушубон маркабинг изиға малак,  
Ер узра қурсни қилғон кеби гадой талош.

Чу қурб қофиға еттинг, етишмади Жибрил,  
Не навъ худхуд Семурғ ила бўлур йўлдош.

Аёғиға чу малойик бошин қўя олмас,  
Навоиё, қўя кўр итлари аёғиға бош.

*“Наводир уш-шабоб”, 242-ғазал.*

\* \* \*

Ҳусн оятики келди юзунг қиссасида нас,  
Тонг йўқ, десамки шаъидадур аҳсан ул-қисас.

Мусҳафни ўртадим дединг ўтлуқ узор ила,  
Кўнглум қабул қилди каломинг начукки нас.

Кўнглум қушини тиғи ғаминг қилди чок – чок,  
Билман кўнгулни қушмудурур эмди ё қафас.

Лаълинг нигини шарҳидадур гўйиё фусус,  
Ҳар жузвида нишонаи вақф айлади бу фас.

Ўлдумки, қатлинга нега ушшоқ бўлди хос,  
Тиргузди буки ёна мени айладинг ахас.

Тақвии ишқ аро чу азимат тилар кўнгул ,  
Аввал керакки, бир тараф этсанг бори рухас.

*“Наводир уш-шабоб” , 272- ғазал.*

\* \* \*

Не нутқи дилкаш эрур, ваҳ, не дилрабо алфоз,  
Масиҳ нутқида йўқ бўйла жонфизо алфоз.

Эрур хужаста сўзунг файз мавжининг тенгизи,  
Тенгизда ҳар сариғи дурри бебаҳо алфоз.

Сўзунгда лафзин эшиткач араб фасиҳлари,  
Бириси қилмадилар сўзга ибтидо алфоз.

Сўзунгда пири хирад топмайин ғалат аҳком,  
Тилингда саҳв ила ҳам ўтмайин хато алфоз.

Санга надим ўлубон Жабраил ҳам кетуруб,  
Бир ошно қошидин барча ошно алфоз.

Силеҳр жавфида дарё вужудунг ичра сўзунг,  
Бу баҳр ичинда жавоҳир сўзунг аро алфоз.

Навоий айлади наътингни, вирд бўлса, не тонг,  
Анга каломи равонбахшу мунтаҳо алфоз.

*“Наводир уш-шабоб”, 284-ғазал.*

\* \* \*

Зихи буроқинг изидин қамар узорида доғ,  
Муайян икки қароғингга сурмай “мо зоғ”\*.

Чу ёрутуб юзунг ўти фалак шабистонин,  
Уётидин ўчуруб ҳар тараф нужум чароғ.

Шамимким сочибон зулфи анбарафшонинг,  
Бўлуб савомиъ қудси элига атри димоғ.

Ўтуб чу қадду узоринг сипеҳри ахзардин,  
Бу навъ сарв ила гул топмайин яна ул боғ.

Улусқа зулмати куфр ичра изтироб эрди,  
Юзунг қуёши фуруғидин ўлди мунча фароғ.

Китобинг ўзга кутубдинки бордурур аблағ,  
Балоғатингга муносиб Ҳақ айламиш иблоғ.

Бу баски айни иноят била кўзунг тушса,  
Тамуғ ўтига Навоийни судраб элтур чоғ.

*“Наводир уш-шабоб”, 295-ғазал.*

---

*\*Қуръони карим. “Нажм” сураси, 17-оят.*



\* \* \*

Юсуф эрмас чу малоҳатда жамолингга шабиҳ,  
Ҳуснулгга ани малиҳ ўлмағай этсам ташбиҳ.

Олам асрорининг ижмолини қилдинг тафсил,  
Мундин эркинки дединг “Ал-Валаду сирру абиҳ”\*.

Чун берур боғ гулу шўра тикон, сен очибон,  
Лутфдин гул нечаким хори жафо урса сафиҳ.

Восил ўлди нафасинг руҳини англаб ориф,  
Шаръ тузди, чу анинг зоҳирини билди фақиҳ.

Андаким сен чекибон иззу назоҳат этагин,  
Йўқ жанобингда малойикка маҳалли танзиҳ.

Ҳам қамар шаққин ишорат била айлаб зоҳир,  
Ҳам шажар машшин иродат била айлаб танбиҳ.

Кимки сендин эвуруб чеҳра қора топиб ваҳж,  
Ким, ҳадисингга қилиб таън дебон бетавжиҳ.

Ой тулуь этса бўлур меҳри жамолинг зоҳир,  
Ким, бўлур фаҳм жамил олиғаким келди қариҳ.

Гар Навоий сари маҳшарда назар айламасанг,  
Сақару нордек ўлғай анга хулду мофиҳ.

*“Наводир уш — шабоб”, 521 — ғазал.*

---

\*Фарзанд отанинг ўхшашидир ( сирридир)”. (Ҳадис)

\* \* \*

Эй гулшани рухсоринг ўлуб даҳрға оро,  
Рухсор уза сочинг гул уза анбари соро.

Гунг этти Масиҳонию тор этти қуёшни,  
Ул нутқи дилором ила ул ҳусни дилоро.

Гесуву юзунг сунбулию барги гулидин,  
Девона мену шифта “лайлан ва наҳоро”.

Ул ердаки рахшинг қилибон жилваи парвоз,  
Учмоққа фалак қушлариға анда не ёро.

Заҳм элдин ўлуб зоҳиру сендин бори марҳам,  
Эл унф аён айлабу сен барча мадоро.

Лаълингға етиб хора агарчи ушатибдур,  
Чун анда етиб лаъл бўлуб қадрда хоро.

Билди чу ҳадисингни Саҳиҳ эмди Навоий,  
Маскан чу тилар бўлса не Батҳо, не Бухоро.

*“Бадоеъ ул-васат”, 6-ғазал.*

---

*\*Лайлан ва наҳоро – кеча-ю кундуз. Оят.*

\* \* \*

Эй, санга муқтадолик ики кавн аро,  
“Алгга хайр ул-башар, алгга хайр ул-варо”.

Кимки фавқус сурайё эди манзили,  
Тобёнинг бўлмагач кирди таҳтас-саро.

Зотинга фахр этиб етмиш икки фарик,  
Оразинг шамъидин ёруб икки саро.

Нафсинга раҳмати Ҳақ била иқтирон,  
Муъжиз отингга сиҳру фусун ифтиро.

Ҳашрға тегру меърожинг афсонаси,  
Хайли хайл малоийк аро можаро.

Ҳам рифъатингга арши баринда макон,  
Ҳам Буроқингга худдибаринда чаро.

Ким касофат била қўйди юз наъгингга,  
Гар қуёш эрдиким, бўлди юзи қаро.

Ё набийаллоҳ, аҳволима қил назар,  
Журму исёну ожизлигим мотаро.

То анинг бирла бўлғай, Навоий, сенинг  
Наъту ҳамдинг баёнига дoston саро.

*“Бадоеъ ул-васат”, 7-ғазал.*

\* \* \*

Ҳақ ўзин қилди муҳиб, сен ойни маҳбуб, эй ҳабиб,  
Ул муҳибқа сен кеби маҳбуб эрур ҳўб, эй ҳабиб.

Роғиб эрдинг ул муҳиб васлиға, чун шоми уруж,  
Топгинг, улким хотирингга эрди марғуб, эй ҳабиб.

Бир саримў олам аҳли бўғзидин парвойи йўқ,  
Айлаган ўзни сенинг ҳуббунгга мансуб, эй ҳабиб.

Бўлсалар аҳли муҳаббат ҳар кишининг толиби,  
Бизга сендурсен ики оламда матлуб, эй ҳабиб.

Ҳар киши аҳобинг ичраким ўзин айлар ҳисоб ,  
Бермайин жон ул муҳибқа, қайда маҳсуб, эй ҳабиб.

Чун шафоат дафтари сендин тутармен кўз, не ғам,  
Ҳар қўлумға берсалар маҳшарда мактуб, эй ҳабиб

Чун муҳаббат аҳлиға тоат ҳунардур, раҳм қил  
Ким, Навоий келди ул хайл ичра маъуб, эй ҳабиб

*“Бадоеъ ул-васат” ,40-ғазал.*

\* \* \*

Эй жаҳон мулки хирожи санга бир гавҳари тож,  
Мулklar шоҳи қўюб дарғаҳинга тожу хирож.

Тузубон адл, қўнгул мулкани обод эттинг,  
Мулк маъмур бўлур, адлга шаҳ берса ривож.

Тенгрига гавҳари зотинг эди кулли мақсуд,  
Сунъ дарёсин азал субҳи қилурдин маввож.

Эҳтиёж айлабон изҳор қуёш раъйингга,  
Халқ андоққи қуёш нурига бўлғай муҳтож.

Пайкаринг туфроғига хайли малойик ҳомил,  
Тахти иззу шарафинга тўқуз афлок даввож.

Чун чиқиб тахти хилофат уза Ҳақдин, бўлубон  
Ҳукми гарданкашига мулкдин амри ихрож.

Буйла мардуд ҳадисин нега қилдинг мақбул  
Ким, таназулға бадал бўлди санга ул меърож.

Не тағофул эдиким, уйла адув макр била,  
Хоксор этти сени, мулкунга солиб торож.

Рўзгоринг қорариб зулмати исён ичра,  
Зор эдинг, афв илки тутмаса оллингга сирож.

Эътироз этма, Навоию фузул ўлмаки, Ҳақ  
Халқ этиб севди, яна дард бериб қилди илож .

Эл не билсун не эди Ҳаққа бу ишда ҳикмат ,  
Меҳр нурин не билур шапшараки тийра мизож.

*“Бадоеъ ул-васат”, 92-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳи тақалдумунг одамга бас ҳадиси саҳиҳ,  
Бу пукта “Кунгу набияг”\* ишоратида сариҳ.

Азалда васлингу ҳажринг магар насиб ўлди  
Ки, жон топарин Хизир олди, жон берурни Масиҳ.

Сўзунгни хони нубувватқа Тенгри туз ясади,  
Зиҳи камоли малоҳат , зиҳи каломи малиҳ.

Чу сен чекиб “ана афсаҳ”\*\* таронасин қочириб,  
Аларки даъво ила суз осиб , деб ўзин фасиҳ.

Демак шариати байзони меҳрга рожиҳ,  
Куёшни зарраға қилган кебилурур таржиҳ.

Юзунг сабуҳи азал бодасидин андоққим,  
Не субҳға бу сабоҳат, не меҳр мунча сабиҳ.

Навоий ўлди ниҳон ишқинг ичра , тиргуз ани,  
Неча ниҳон тутайин, айладим ўлуб тасриҳ.

*“Бадоеъ ул-васат”, 100-ғазал.*

---

\*Мен пайғамбар эдим... (ҳадис)

\*\*Мен энг фасиҳ сўзловчиман ( ҳадис)

\* \* \*

Қани сенинг кеби оқибат маҳмуд  
Ки, зилли отифатинг бўлсун эл уза мамдуд.

Жамол аро мутажалли юзунгда партави зот,  
Камол аро муталоло ўзунгда нуру жуд.

Вужудунг икки жаҳон хилқатидин ўлди мурод,  
Начукки зотинг ўлуб икки кавдин мақсуд.

Не жуд эрур, не вужуд элга зотинг оллинда,  
Санга чу келди мусаллам вужуд бирлан жуд.

Нубувват авжида кўп толеъ ўлди кавкаби саъд,  
Бари сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд.

Чу сен мушоҳада шоми шухуд қозғондек,  
Киши не билдики, шоҳид ким эрди — ким машхуд.

Навоий, ўлса гунаҳ дуди бирла нома сиёҳ,  
Ғами йўқ, ўттин эрур чун шафоатинг мавъуд.

*“Бадоеъ ул-васат”, 114-ғазал.*

\* \* \*

Борму ул икки ўрулгон гесуйи анбар шамим,  
Ё этак солмиш Муҳаммадда ёзилган икки “мим”.

Ҳамд ваҳҳида бири сарчашмаи оби ҳаёт,  
Ҳадди лутф ичра бири сарҳалқаи аҳли наъим .

Ул биридин руҳпарвар топти анфоси Масих,  
Бу бирисидин асосин аждаҳо кўрди калим.

Жаҳд аро ўлган кўнгулларга дами Исо бўлуб ,  
Чун эсиб танлар қубурига риёзингдин насим.

Кўрмаган бўлсанг ато, маъни анга бу бўлдиким,  
Сен кеби чиқмай нубувват баҳридин дурри ятим.

Турфа бу ким, Бул башар келди атоларга ато,  
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бийм.

Қидмат ичра барчадин бўлдунг муқаддамроқ , валеқ,  
Улки сендиндур муқаддамроқ , эрур ҳайи қадим.

Ё набияллоҳ саломатдин бўлуб мен мулҳариф,  
Бир иноят бирла аҳволимни қилғил мустақим.

Тонг эмастур , гар наво бўстонида топқай мақом,  
Чун Навоий ўзни наътинг кўйида қилди муқим.

“Бадоеъ ул-васат”, 393-ғазал.



\* \* \*

Эй, келиб минбаринг уч поя била сидрагасен ,  
Сен чу анда тутуб ором, бўлуб сидранишин.

Ул сафар ичраки сен сидра сари айлаб азм ,  
Маркабинг руҳи равон, пайкинг ўлуб руҳул - амин.

Сидрани минбар этиб, нукта лесанг эрди, русул  
Жамъи бўлган эди эшиткали оёти мубин.

Уйлаким, сидра кеби минбар уза гоҳи ҳадис,  
Йиғилур ҳар сари асҳоби рисолат ойин.

Дарғаҳинг аршдурур, анда малоийик, не ажаб,  
Зикру тасбеҳ дебон суртса ҳар сари жабин.

Сен чу арш узра чиқиб, чарх нисорингга ясаб  
Бу тўкуз хон ичида анжум ила дурри самин.

Журму исён кўпидин бўлди Навоий бехуд,  
Бир назар айла анинг сарики, бор асру ҳазин.

*“Бадоеъ ул-васат”, 438-ғазал.*

\* \* \*

Бу навъ ўлдум жамолинг мусхафининг сирридин огаҳ  
Ки, фикрастида келди икки қошнинг икки бисмиллаҳ.

Жамолинг буки мусхафдур, ҳадисинг Ҳақ каломи ҳам,  
Дей олур мусхафи нотиқ сени ҳар ким эрур огаҳ.

Ҳадиси поку нутқи жонфизоингдин топиб Исо,  
Ки, анфоси қилиб ибро, агар абрас гар акмаҳ.

Гар ўлса тахти жоҳинг аршу фарш узра русул хайли,  
Тонг эрмаским, алар бори мулозим келдилар, сен шаҳ.

Ҳазиси арз агар бўлди маконинг, фақр эди боис,  
Агарчи ломакон авжи эди раҳшингга жавлонгаҳ.

Русулдин ҳеч раҳрав ҳамраҳинг бўлмоқ эмас мумкин,  
Малойиктин чу сайрингда не раҳрав келди, не ҳамраҳ.

Қошнингга “қоба қавсайн”\* оятининг йўқ нима аляқ,  
Сочингга йўқ саводи лайлат ул-меърождин ашбаҳ.

Занаҳдон чоҳию гесу каманди гар бу янглиғдур,  
Эрур васфиға берсам тул Юсуф қиссаси кўтаҳ.

Сенинг ишқинг Навоийға ики олам аро бастур,  
Ҳабибуллоға ошиқлик анга гарчи ҳал эрмас, ваҳ.

*“Бадоеъ ул-васат”, 52-ғазал.*

---

\*Қуръони карим. “Нажм” сураси, 9-оят.

\* \* \*

Зиҳи, тожинга гавҳари кибриё,  
Бу гавҳардин офоқ топиб зиё.

Қуёш чиққач, андоқки итқай нужум  
Кўрунмай, сен ўлғач аён, анбиё .

Уружунгда айнул яқин аҳлининг  
Кўзига ғуборинг бўлиб тўтиё.

Қуёшнинг шиои хутутин Масиҳ,  
Тўқуй олмайин ҳужранга бўрё.

Сенинг миллатингдин чу топиб шараф ,  
Саодат либоси кийиб ашқиё.

Қилиб тошу туфроғни олгунки, бор  
Сенинг коргоҳингда бу кимё .

Санга уммат ўлмағни истаб русул,  
Вале биз сарафроз ўлуб ҳолиё.

Келиб сидқинг олида сиддиқлар ,  
Анингдекки, сиддиқу аҳли риё.

Навоий нетар қоба қавсайн,\* агар  
Топа олса қошинг кеби икки ё.

*“Фавоийид ул-кибар”, 6-ғазал.*

---

\*Қуръони карим. “Нажм” сураси, 9-оят.

\* \* \*

Зиҳи, ҳилолинг ўлуб ой бошига тиги бало,  
Бир олмасиз икки ёрғон сену қуёш масало.

Тутуб санга чу майи лутф соқийи раҳмат,  
Шафоатинг уруб икки жаҳон элига сало.

Рисолатинг дамидин шаръ кўзгусига жило,  
Сиёсатинг ўтидин қуфр роҳибига жало.

Ҳам аҳли равзаға фирдавс сенсизин чаҳи вайл,  
Ҳам аҳли вайл иши ҳажринг ўтида вовайло.

Хумор дофии бўлғайму соқийи кавсар,  
Бу дайр ичинда майи ишқ ичмаганга тўло.

Тилимда зикрингу кўнглумдадур хаёлинг, шукр  
Ки, бори сенсиз эмас суҳбатим халоу мало.

Навойй ўлди, баса хору паст хас янглиғ,  
Сенинг йўлуида эса, бас, анга бу иззу аю.

*“Фавойид ул-кибар”, 7-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳи анда макон топибки, йўқ мумкин макон анда,  
Етиб андаки, етмас ақлу фаҳми хурдадон анда.

Киши бу навъ хилватни начук қилгай тааққулким,  
Ҳақ анда мизбон бўлгай, ҳабиби меҳмон анда.

Бу хилват розиға номаҳрам ўлмағлиқ тариқинда,  
Малак бўлгай ҳамон анда, башар бўлгай ҳамон анда.

Йироқгин анбиё арвоҳи сойир посбон янглиғ,  
Чу шаҳ матлуб ила булгай, не маҳрам посбон анда.

Начукким, меҳмонга тухфа чекмак расми давр, бўлгай  
Улусқа раҳмати жовиди осори аён анда.

Макон бирла замондин сўрмаким, йўқлуқда бор эрди  
Замон янглиғ макон анда, макон янглиғ замон анда.

Нишон, эйким, тиларсен ақлдин мундоқ нишонларни,  
Нишон ким айтқай, ақл ўлса бепому нишон анда.

Тоғиб мақсуд шабгарди самовий бу уружидин,  
Еридин зарра бориб, қайтибон хуршидсон анда.

Илоҳий, ул шафиъ ўлганда эл журминки, афв эткунг,  
Навойни доғи новмид қилма ногаҳон анда.

*“Фавойид ул-кибар”, 39-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳи, кўк бошига гардун хиромингнинг изидин тож,  
Висолинг хилватида бир шабистон лайлатул меърож .

Шабистонинг аро сабуҳийлардин юз туман товус,  
Гулистонинг аро қуддуслардин юз туман дуррож .

Юзунг хуршидидин ул тун топиб хайли кавокиб нур,  
Сочингнинг зулмати ул кеча тун рангини айлаб дож.

Рикобингда малойик хайлидин ҳар сори юз минг саф ,  
Солиб ҳар саф шаётин мулкига яғмо била торож.

Йўлунгда анбиё руҳи мушарраф айлабон ўзни  
Ва лекин илтифотингга бири муштоқ, ўни муҳтож.

Буроқинг суръатидин хатти нуронийки расм айлаб ,  
Аён айлаб бу сайринда пубувват аҳлига мишқоҳ.

Ўзин ўзликдину кавнайн мулкидин қилиб хориж,  
Қаю кавнайн мулки, ломакондин ҳам тошиб ихрож.

Ҳарими қурб аро матлуб васлидин бўлуб маҳзуз,  
Йуқ андоққим, ҳарими Каъба ичра зумраи ҳужож.

Тилаб уммат гуноҳин ҳар неким истаб топиб бахшиш,  
Зиҳи сойил, зиҳи бозил, зиҳи рифъат, зиҳи меърож .

Зиҳи шоҳеки, тун-кун жавҳаридин сонийи ҳикмат,  
Сенинг зотинг учун тузди бу тахти обнусу ож.

Игирди ришгаи наътинг Навоий кўз учи бирла ,  
Агар боқсанг, мутий ўлғай анга нассож ила саррож.

*“Фавойид ул-кибар”, 92-ғазал.*

\* \* \*

Салқанг бўлубон урмоқ бу гунбади ахзар чарх,  
Қасрингга давр урғондек бир сабз кабутар чарх.

Сен шамъ, вале гардун фонуси хаёл эрди,  
Урғанда малак хайли тегрангда саросар чарх .

Чун юқори майл этти нуру азминг бўлди,  
Ҳам нурда чарх ахтар, ҳам азмда ахтар чарх.

Шамъингга лаган бўлғач афлок малоийқдин,  
Парвоналар урдилар тегрангда мукаррар чарх .

Кўк ҳулласидин ёйиб атлас йўлунга анжум,  
Анжум дуридин сочиб бошинг уза гавҳар чарх.

Йўлунг изидин ўзни равшан қилибон кавкаб ,  
Рахшинг нуридин кўзни ҳар дам қилиб анвар чарх.

Кўйунгда Навоийга чарх урмоқ агар етса,  
Бир доираи мақсуд ўлғуси анга ҳар чарх.

*“Фавойид ул-кибар”, 107-ғазал.*

\* \* \*

Не ҳадки айлагамен ёр дастбўси ҳавас,  
Муяссар ўлса итининг аёғин ўпмак – бас.

Табиб бермади муҳлик ҳароратимға суқун,  
Ки, тез ўлур бу ўт, ар худ Масиҳ урса нафас.

Кўзуиғ кўнгулни кабоб этти, маст агар этмас,  
Танурдин киши қушқа бўлурму, қилса қафас.

Ҳаваси лабинг шакаридур чибиндек этса ҳаво,  
Кўнгулдин ўлмади кам ҳеч бу ҳавою ҳавас.

Фироқ ашкидин эл гофил ўлмасунки, қилур  
Кўзим орасида ҳар қатра қилмағанни Арас.

Насими ҳусн ёрутти чу шавқ шуъласини,  
Эрур тенг ўртамакида хитойию чаркас.

Навойй ўлмади ровий ҳадисидин хушқол  
Ки, бу ҳабибу анис айтур ул ҳабибу Анас.

*“Фавойид ул-кибар”, 224-ғазал.*



\* \* \*

Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбут,  
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.

Руҳ ул нурдурурким, Ҳақ анга бермиш авж,  
Нафс зулматқа қолиб, қилмиш анга поя ҳубут.

Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний,  
Иккисин бир – бирига қўшмақ эмастур машрут.

Руҳға шева Калимуллоҳ ишин қилмоқ фош,  
Нафс фиръавнлик асбобини айлаб марбут.

Руҳға даъб Ҳабибуллоҳ иши ойини,  
Нафс Бужаҳлиқ асбобини айлаб мабсут.

Ё Раб, эт бизни ҳабибинг сифатиға росих,  
Айла Бужаҳл тариқин ичимиздин масқут.

Қил Навоийни ҳамул хат била, ё Раб, озим  
Ким, бирор ёнидин айрилди ўтуз олти хутут.

*“Фавоийд ул-кибар”, 280-ғазал.*

\* \* \*

Кўзум ёшарди, аёп бўлгач ул жамоли бадеъ ,  
Булутқа су тўлар ул дамки, бўлди фасли рабеъ.

Тасаввур этса қошинг тоқини кўнгул титрар,  
Қазо муҳандиси баским чекибтур ани рафеъ .

Недин аёгинга тушкай бошингга эврулубон,  
Қуёш гар ўлмаса ҳусн ичра қулуғунгга мутеъ.

Қошинг хаёли ториқмай кўнгулда эврулсун,  
Эрур чу қибланамо пўясиға ҳуққа васеъ.

Не навъ барқни дейким, буроқи янглиғ эрур  
Ким, ул батийдуру музлим, бу бир муниру сареъ.

Навоий, уйла тирилким, уятдин ўлмагасен,  
Агар Расул алайҳис-салом бўлса шафеъ .

Қилурни айла риоят демақда асра адаб  
Ки, дўст феълишу қавлинггадур басиру самеъ.

*“Фавойид ул - кибар”, 293-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳи секрибон чарх узра раҳнавардинг,  
Назар топмайин тўтиёлиққа гардинг.

Кўрунуб кавокиб риёҳини шабнам,  
Чу кўк гулшаниға етиб тоза вардинг.

Ўчуб етти дўзах ўти, чунки уммат,  
Гуноҳин тиларда чиқиб оҳи сардинг.

Изингдин қуёш чеҳра ёрутмагандин,  
Қилиб заъфарон кун узорини зардинг.

Раёҳин аро сарви озод янглиғ,  
Кўрунуб русул хайлида зоти фардинг.

Русул сурмади ломакон узра маркаб,  
Сен эрдинг бу майдондаким от чиқардинг.

Навоий, набий наътидин жамъ қилғил,  
Паришон эса хотири ҳарзагардинг.

*“Фавойид ул-кибар”, 338-ғазал.*

\* \* \*

Юзуиҗким тозароқдур барги гулдин,  
Учар кўздин вале чиқмас кўнгулдин.

Куюб ҳажрингда кул бўлдим ва лекин  
Ёруқтур ишқ мирёти бу кулдин.

Ажаб фархунда зоте сенки, Одам  
Мубоҳот айлағай сендек ўғулдин.

Кулимен ишқингким, танламайдур  
Муҳаббат шевасида шаҳни қулдин.

Сироти мустақим ўлди шарият  
Ки, жаннат топмоғунг ўтмай бу пулдин.

Бағоят ҳийлағардур золи гардун,  
Агар эрсен, ҳазар қилғил бу тулдин.

Тариқи ишқ ила борғил, Навоий  
Ки, озди ҳар кишиким, чиқти йўлдин.

*“Фавойид ул-кибар”, 440-ғазал.*

\* \* \*

Ул кони малоҳатда демон бор эди бир он,  
“Лав танзур фи ҳусниҳи-л-он камо кон”.

Ин ихтарақа жисмий мин нори ҳавойиҳ,  
Куймаслиги хаснинг чокин етканда не имкон.

Ўлгум сусабон ҳажр биёбонида, раҳм эт,  
“Конат шафаҳак айн ул-ҳаёт ана атшон”.

“Ё қуррата айни жиъ варҳам бидумуъи”,  
Ким қилди бу селоб кўзум уйини вайрон.

Эй қонки, кўзумдин оқасен раҳмки, ўлгум,  
“Мин жайри дамил-айни лано ҳосилу ийқон”.

“Лав лам яқунир-ройиҳати-л-манзили салмо”,  
Юз қатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Ҳар ваҳж ила гар ўлса Навоий не ажабким,  
“Мин кулли вужуҳин суфи ваҳҳика” ҳайрон.

*“Фавойид ул-кибар”, 443-ғазал.*

\* \* \*

Эй юзунг устида тер гулбарги узра шабнаме,  
Лек ҳар бир қатрадин бўлуб гулистон оламе.

Қатрадин олам гулистон бўлмағи тонг йўқки, бор  
Баҳри раҳмат оразинг боғиға тушкан шабнаме.

Гул недин ер тутти эл бошида солу меҳрдек,  
Топмамиш бўлса риёзингнинг шамимидин шаме.

Кўкка чун элтиб малак раҳшинг ғуборин топмайин,  
Зухра андоқ сурмаи, Кайвон анингдек парчаме.

Йўқ ажаб, отингга гар муҳри нубувват бўлса хатм,  
Ким, нубувват ҳалқасида йўқ сенингдек хота ме.

Сочқай эрди чашмаи хуршиддин ҳайвон суйи,  
Ҳамдаминг бўлса эди Исои рухуллоҳ даме.

Чун Навоий наътинг айтурға тилар бўлғай илм,  
Не ажаб гар бўлса бот олимлар ичра аъламе.

*“Фавойид ул-кибар”, 575-ғазал.*

\* \* \*

Зиҳи йўлунгда бир афтода одами хокий,  
Ҳавойи ишқингда сарғанга меҳри афлокий.

Уруж номи чу бот қайтгинг бу армондин  
Магарки, ҳар тонг ўлур субҳ жайбининг чоки.

Фалак навардинга ҳам шоҳи сидра, ҳам тубо,  
Бу бир аёғида хас, ул йўлинда хошоки.

Мадинанг аҳлига ҳар йилки, азм этар ҳужжож,  
“Катабу қиссата шавқию мадмаъи бокий”.

Не бўлди Ясрибу Батҳо аро ўкусамким,  
“Аё мапозилу салмо фаайна салмоки”.

Сенинг мадойиҳи наътингда, ё Расулаллоҳ,  
Тамом бўлди Навоий такалуми поки.

Бу тўрт дафтариди ҳамду наът аро халали,  
Гар этмиш ўлса аён табъу килки бебоки.

Вале шафоатинг имкони кўнглига киргач,  
Умид ила севунур яна табъи ғамноки.

Етур анга караминг баҳридин паёнай файз  
Ки, наътинг ичра дурафшонлиғ этсун идроки.

*“Фавойид ул-кибар”, 650-ғазал.*

**“АЙНУЛ - ҲАЁТ”**  
**ДАР НАЪТИ РАСУЛ АЛАЙҲИС-САЛАВОТ**

1. Ҳочибони шаб чу шодурвони савдо афгананд,  
Чилва дар хайли бутони моҳсимо афгананд.
2. Сад ҳазорон кирми шабтоб аз шабистони сипехр,  
Ламъаҳо бар пардаи шабгуни ғабро афгананд.
3. Ҳар замон сад гуна ашколи бадеъ аз килки сунъ,  
Нақшбандони қадар бар тоқи хазро афгананд.
4. Ашкрезон наъш бар дӯши банот аз сӯти меҳр,  
Чумла бар сарҳо паранди анбаросо афгананд.
5. Кутб чун пири батамкин в-ахтару анҷум самоъ,  
Чун муридон гирди пир пой барҷо афгананд.
6. Симбар туркони қотил аз мичарра баста саф,  
То ба мулки офият дар даҳр яғмо афгананд.
7. Булаҷаб туркон, ки ҳар дам ҳиндуосо аз шаҳоб,  
Ҳарбаҳои симгун ҳар сӯй амдо афгананд.
8. Дар чунин ҳарб аз барои туъма насрайни фалак,  
Гоҳ бикшоянду гоҳе болҳоро афгананд.
9. Рафта бедоранд дурчи дур зи шоҳи гови ганҷ,  
Дида ононе, ки бар Савру Сурайё афгананд.
10. Насри воқъ дар дил ояд-шон зи рӯи эътибор,  
Чашм агар бар нуқтаҳои шини Шеъро афгананд,



11. Моҳи нав бошад миёни хайли атфоли нучум,  
Устухоне к-аш ба бозй шаб ба сахро афгананд.
12. Гирди шамъи моҳ хуффонони симини нучум,  
Хешро парвонаосо зеру боло афгананд.
13. Зухраро бар чамбари даф пӯст аз шакли қамар,  
Мутрибони чарх баҳри лаҳн хунё афгананд.
14. Тири раммоле ки баҳри ғайбати меҳр ахтарон,  
Бар бисоташ музди раммоли дирамқо афгананд.
15. Меҳрро ёбанд гоҳе ҷониби шарқаш хабар,  
Шаш раванда чун суроғашро ба ҳар ҷо афгананд.
16. Чобуки гардун ба нӯти найза бирбоянд агар,  
Ҳалқаи даври ҷадӣ бар дашти ҳайҷо афгананд.
17. Зоҳиди афлокро сачҷодаи нуру сафо,  
Дар шабе 3-инсон аҷаб аз баҳри эҳё афгананд.
18. Кӯтволи ҳисни гардун чун намояд расми пос,  
Аз машоил равшани дар чархи воло афгананд.
19. Бар чунин ҳангома хайли лӯъбатони собитот,  
Чашм аз ҳаштум ғураф баҳри тамошо афгананд.
20. Хайли анҷум 3-ихтиёри чархи аъзам дам ба дам,  
Хешро аз пояи аъло ба адно афгананд.
21. Чарх бо он чашмбозӣ, анҷумаш бо он сипеҳр,  
Руқъаҳои чашмбандӣ сӯи дунё афгананд.
22. Ахтарон аз айни беҳобию ноосудаги,  
Хоби осоиш ба чашми пиру барно афгананд.

23. Ғайри ушшоқи балокаш к-аз ғаи ҳичрон чу ман,  
Наъраи «во ҳасрато!» бар чархи мино афгананд.
24. Халқи беиниқу вафо монда ба хоб, аммо сагон  
Дар вафои ошиқон то субҳ ғавфо афгананд.
25. Эй, хуш ононе, ки карда хобро бар худ ҳаром,  
Дар чунин шаб бар фалак оҳи шабосо афгананд.
26. 3-оби чашми ҳасрат аввал дода зоҳирро вузу,  
Оташ аз ботин ба ҷони ношиксбо афгананд.
27. Хешро бар гӯшаи меҳроби тақво афгананд,  
Сар ба хоки дарғаҳи Эзид таоло афгананд.
28. 3-оҳи ҳасрат парда бар рухсораи ахтар кашанд,  
3-ашки маҳҷури халал дар тоқи хазро афгананд.
29. Чун ба тавфи равзаи хилватғаҳи дил рӯ ниҳанд,  
Бурқаи номаҳрама бар рӯи ҳавро афгананд.
30. Бар бисоти қурби васл ар лаҳзае сокин шаванд,  
Дида бар хайли малоик аз мувосо афгананд.
31. Бар сипеҳри иззу тамкин гар даме манзил кунанд,  
Аз тазалзул раъша гардунро бар аъзо афгананд.
32. Гар сӯи нузҳатғаҳи ҷамъи вусул оранд рӯи,  
Хоки нисён бар сари дунёву уқбо афгананд.
33. Ҳаст уммеди Фоня ин давлат, ки гардад хоки роҳ,  
Ҳар кучо ин раҳравони гармрав по афгананд.
34. Нисфи ин водии зулматро чу навбат бигзарад,  
Навбатдорони шаҳ дар кӯс ово афгананд.

35. Аз ғиреви кӯсу бонги ною ғавғои нафир,  
Растахез андар хама тоқи муалло афгананд.
36. Чанам нақнояд зи ғафлат мурлагони хобро,  
Гарчи сӯри ҳашр аз фарёди сурно афгананд.
37. Боз баҳри бутпарастидан пағаҳхезони куфр,  
Нолаи ноқусро дар дайри тарсо афгананд.
38. Роҳибони масти мусхафсӯзи ин дайри куҳан,  
Дар миён оини зуннору чалипо афгананд.
39. Комилони куфри лои лоту лои ло илоҳ,  
Тавъамон дида дар илмаллоҳ муҳоко афгананд.
40. Муъзинони субҳ «Субҳоналлоҳ», аз ғайратзанон,  
Гулгули «Аллоҳу акбар» бе муҳобо афгананд.
41. Боз риндои хароботи муғон қоми сабуҳ,  
Дар миён оранду тарҳи даври саҳбо афгананд.
42. Вақти хушқоли зи бода ошиқони покбоз,  
Дида пинҳон гаҳ-гаҳе бар ёри зебо афгананд.
43. Гулруҳон чун гул ғиребон чоку чун мурғони боғ,  
Ошиқони беҳуд аз мастӣ алоло афгананд.
44. Тоқи меъморони гардун қасри чархи тираро,  
Фарши сим аз партави субҳи зарандо афгананд.
45. Шомро чун қатъ дар зулфи сумансо афгананд,  
Дар суманбӯёни субҳ оини ғавғо афгананд.
46. Равшани дар арсаи олам ки аз шаб тира буд,  
Аз талолоҳи субҳи оламоро афгананд.

47. Тайласони сӯфии рӯз аз таҳи шабгун лиҳоф,  
Карда беруи бар сари дӯшаш ба паҳно афгананд.
48. Ҷолаи анҷум, ки бошад дар шабистони силеҳр,  
Дар гудоз аз маъғали сӯзони байзо афгананд.
49. Гар судоъи бошад аз савдои шаб офоқро,  
Саъдали нешонияш аз абри ҳамро афгананд.
50. Хоста партав зи шамъи Юсуфи Мисри ҷамол,  
Нур дар зиндони Шоми ваҳшатафзо афгананд.
51. Офтоби пардагиро ҷониби рӯз оваранд,  
Юсуфи гумгашгаро сӯи Зулайхо афгананд.
52. Сарбасар аз хоби ғафлат чашм бикшоиянд халқ,  
Чун қиёмат мучдаи эҳё ба мавто афгананд.
53. Очизони шаҳвату тарломани бо сад шитоб,  
Хешро дар об аз қисват муарро афгананд.
54. Ҳақнарастон камтар аз таҳқиқу аз тақлид беш,  
Сӯи масҷид рафта худро бар мусалло афгананд.
55. Аҳли қилу қол ҳар сӯ аз паи илзоми хасм,  
Чашмро аз хоб ношуста бар аҷзо афгананд.
56. Девмардум, яъне аҳли байъ баҳри раҳзани,  
Ҳар яке худро ба сӯқ андар ба маъво афгананд.
57. Дар замони байъ чун туғён кунад инсофанон,  
Бурёро туҳмати зарбафғоло афгананд.
58. Кофирони дарғаҳи қозӣ паи як ҳабба сим,  
Хонумони сад мусулмонро ба фатво афгананд.

59. Золимони соҳиби девон ба нути килки тез,  
Қофро аз айн агар ёбанд аз по афгананд.
60. Беҳамиятван забунон хелро аз ҳирси нум,  
Бар дари ҳамчун худя баҳри таманно афгананд.
61. Аз ҳиял тифлони мактабро ба дилҳо изтироб,  
Нукта бе тақриб ронда дида ҳар ҷо афгананд.
62. Пойбандони аёл аз баҳри касби ризқашон,  
По ба шаҳру кӯй ҳар сӯ ошкоро афгананд.
63. Борбандони сафаркарда сӯи манзил хиром,  
Бор накшода марокибро ба маръо афгананд.
64. Ҷонгудозон оташ андар ҷони шайдо афгананд,  
Барқсон хулро фарози хору хоро афгананд.
65. Бо ниёзу аҷз аз реги биёбон бештар,  
Рӯди сайли ашк сӯи реги Батҳо афгананд.
66. Нақди ҷон бар дасту сими ашк бар ораз фишон,  
Сар ба хоки қиблагоҳи дину дунё афгананд.
67. Хоҷаи кавнайну фаҳри анбиё к-асҳоби ӯ,  
Соя бар хуршед, бал Арши муалло афгананд.
68. Гарди роҳан ахтарон дар дидаи равшан кашанд,  
Хоки пояш равшанон дар чашми бино афгананд.
69. Мулдао бошад биҳинг оин даранро рӯфтан,  
Ҳуриён бар чеҳра чун зулфи мутарро афгананд.
70. Қасдашон ҷуз соя афгандан набошад дар раҳаш,  
Хулдиён дар чилва чун қадҳои раъно афгананд.

71. Дар шаби меъроҷ пояндози рахнаш аҳли Арш,  
Аз дури ахтар мукаллат сабз дебо афгананд.
72. Чун фалакпаймо Буроқ андар рикоби ӯ кашанд,  
Ғошия аз меҳр баста, зин зи ҷавзо афгананд.
73. Қабли чандин сол бинанд офтобаш зери абр,  
Чун ҳарифон бор дар дайри Бухайро афгананд.
74. Нақшбандони қазо тарҳи ҳазорон офтоб,  
Гоҳ пӯя бар замин аз пой Қусво афгананд.
75. Ҳам рисолат, ҳам нубувват буда хоси зоти ӯ,  
Пеш аз он к-овозаи ирсолу анбо афгананд.
76. Аз раҳи иззат шутурмурғони барри баҳри ту,  
Бар малоик сояи рифқу мадуро афгананд.
77. Мусҳафатро дӯҳга аз ҳуллаи ҷашиат гилюф,  
Тугмаҳо аз ҷавзаҳар бар раҳли ҷавзо афгананд.
78. Ҳоҷибони дарғаҳи қудратғаҳи қурби вусул,  
Бар дари борат асо дар неши Мусо афгананд.
79. Нуҳ фалак ёбанд рокиъ навбати хамси туро,  
Дидаро гар бар ҳисоби ҳарфи “Тоҳо” афгананд.
80. Ҳам баробар дон батар зӣ чордаҳ маъсумро,  
3-онки дар исмат халал дар кори Яҳё афгананд.
81. Ҳаст манҷур ин, ки Начмиддинвашиони умматат,  
Ҷазба баҳшанд аз яқин бар сағ назар то афгананд.
82. Остонатро сагон бошанд к-андар як назар,  
Сад халал дар кори Начмиддини Кубро афгананд.

83. Зери тобути шаҳиди теги шавқат хешро,  
Ҳар нафас баҳри шараф сад чун Масиҳо афгананд.
84. Кӯдакони новакандозии қазои ҳикматат,  
Сад камонча дар буии реши атиббо афгананд.
85. Насру фатҳи эзиди бошад қарини чайши ту,  
Бар сафаш гар чашм чун сатри «Изоҷо» афгананд.
86. Раъяти чайши ту чун дӯзанд хайётони сунъ,  
Шукқаашро зийнати «Инно фатаҳно» афгананд.
87. Аз ғубори тираи хайлат думоғу чашмро,  
Аршиён ҳам тӯтиё, ҳам мушки соро афгананд.
88. Н-ояд аз кӯҳи бало он к-ояд аз як мушти хок,  
К-аш зафарҷӯёни теғат сӯи аъдо афгананд.
89. Ҳаст то домони ҳашрат мулк дар тавқеъи дин,  
Муншиёни сунъ чун домони тугро афгананд.
90. Аз аҳодисат саҳиҳиро равог андар рақам,  
Бору боб аз ҳалди Батҳо то Бухоро афгананд.
91. Донаи Одам бувад бедоми Шайтон ҳар яке,  
Устухонҳое, ки худдомат зи хурмо афгананд.
92. Арипарвозон бияндозанд худро дар раҳат,  
Ҳамчу мурғоне, ки худро пешни Анқо афгананд.
93. Ё расулаллоҳ, ба ҳолам бин, ки меҳру моҳи нур  
Ҳам бар адно афгананд, арчи бар аъло афгананд.
94. Подшоҳон дида рӯзи чашм бар шерони нар,  
Афгананду бар сагон-т дил ҳамоно афгананд.

95. То ба кай хайли шаётин дамбадам сад васваса,  
Дар дили ошуфтаам пинҳону пайдо афгананд.
96. Исо анфосон ачаб набвад ки чапми марҳамат,  
Гаҳ-гаҳе бар ҳоли тарсоёли марзо афгананд.
97. Лек маълулам чунон к-имкон набошад зистан,  
Сад Масеҳ ар сояам баҳри мудово афгананд.
98. Ҳам магар рашҳе зи шарбатхонаи эҳсони ту,  
Дар гулӯи ин алили нотавано афгананд.
99. В-он замон ҳар дам ду сад мурда зи нутқи Исавӣ,  
Руҳи худ дар ноям аз баҳри тавалло афгананд.
100. То бадон анфос наътатро сароям ончунон,  
К-аш малоик руҳисораш зи боло афгананд.
101. Ҳарфе аз наътат, ки бишвисам малоик пуқтааш,  
Аз саводи дидаҳои навмфарсо афгананд.
102. Аз зилоли инчунин наъте агар лабташнагон,  
Қатрае бар ҳалқи хушки ранҷпаймо афгананд.
103. Баъдазон амвот ҷон ёбанд агар оби даҳан,  
Бар фаромӯш гаштағони хоки ғабро афгананд.
104. Гар ниҳам «Айн ул-ҳаёт» — ани ном шояд з-он ки халқ,  
Аз насимаш ҷони нав дар ҷисми мавто афгананд.
105. Дар адад ёбанд байташ тавъами оби бақо,  
Дар ҳисоби ӯ назар гар сӯи имло афгананд.
106. Ё Раб, он рӯзам шафоат аз ҳабиби худ расон,  
К-аҳли исёнро ба дӯзах бе муҳобо афгананд.



## “АЙНУЛ-ҲАЁТ” ( ҲАЁТ БУЛОҒИ ) ҚАСИДАСИ

1. Тун пардадорлари қора чодирларини ёйган чоғларида ой юзли бутлар тўдаси (юлдузлар)га жилва қиладилар.

2. Осмон зулматидан юз минглаб ялтироқ қуртлар (юлдузлар) ернинг қоп-қора пардасига шуълалар сочадилар.

3. Тақдир паққошлари қудрат қалами билан ҳар лаҳза яшил осмон тоқига юз хил ажойиб шакллар чизадилар.

4. Куёшга мотам тутиб, наъш<sup>1</sup> (юлдузлари) банот<sup>2</sup> (юлдузлари)нинг елкасида кўз ёш тўкади, барчаси бошига анбарли ҳарир рўмол тапплаб олган.

5. Кутб юлдузи ўртада шири комилдек турар, унинг атрофида ахтару юлдузлар самоъ қилиб, муридлар қаби оёқларини ҳаракатлантирадилар.

6. Кумушранг қотил турклар (юлдузлар тўдаси) “қаҳқашон” (сомон йўли)дан саф тортиб, дунёнинг офият (тинчлик) мамлакатига яғмо соладилар.

7. Булар ажойиб турклардурки, ҳиндуларга ўхшаб ҳар дам шиҳоб (метеор, учар юлдуз)дан ясалган қуролларини қасдан чор атрофга отадилар.

8. Бундай уруш пайтида фалак насрайни<sup>3</sup> учун гоҳ қанотларини очиб, гоҳ ёпадилар.

9. Савр (ҳўкиз буржи) ва Сурайё (Ҳулкар) юлдузига кўз тикканлар, ҳўкиз буржининг шох ва хазиначаридан тўлган дур қутичаларининг (само) дўконларида тизилиб турганини кўрадилар.

---

1 *Наъш* – ҳайвон шаклидаги тўрт юлдуз.

2 *Банот* – наъш юлдузларининг шимоли-шарқ тарафи яқинида жойлашган уч юлдуз. *Наъш* ва *Банот* юлдузлари шимолий кутб атрофида айланадилар. Бу юлдузлар туркуми илми нужумда *Банотуннаъш* аталиб, халқ орасида “етти оғайни” ҳам дейилади.

3 *Насрайн* – қарғас шаклидаги икки ёруғ юлдуз. *Илми нужумда* *Насри Тоир* ва *Насри Воқий* деб аталган (*Таржимон*).

10. Агар шеър<sup>4</sup> юлдузининг нуқталарига назар ташласалар, эътиборни тортиб, Насри Воқийни ёдга солдилар.

11. Янги ой юлдуз болаларининг орасида тунда ўйнаш учун саҳрога ташланган суяк кабидир.

12. Ой шамъининг атрофида юлдузларнинг кумун кўрпа-палаклари парвошалар каби ўзларини юқорига, пастга урадилар.

13. Чарх созандаларининг куйлаб, ашула айтишлари учун Зуҳра (юлдузи) қўлидаги доира чамбараги терисини ой шаклида ясаб олган.

14. Тир (Аторуд) юлдузи бир раммол (фолбин) дурки, қуёшнинг ғойиб бўлганига мотам тутиб фол очади, юлдузлар (унинг) бисоти (тўшакчиси)га фолбинлик ҳақи учун тангалар ташлайдилар.

15. Олти кезувчи (Зуҳал, Мушгарий, Зуҳра, Миррих, Аторуд, Ой) баъзан қуёшни шарқ томондан дараклаб, ҳар томонга хабар юборадилар.

16. Чаққон фалак Жадй буржининг ҳалқасини найзаси учи-га илиб (олиб) жанг даштига отиб юборди.

17. Фалак зоҳиди (Мушгарий юлдузи)нинг соф нурдан ажойиб жойнамози бўлиб, тунни ибодат билан бедор ўтказиш учун уни тўшаб олади.

18. Осмон қалъасининг соқчиси (Зуҳал юлдузи) вазифасини бажаришга киришгач, мангълалар ёқиб, юқори оламни равшан қилади.

19. Шундай бир хангомада ўйинчоқ (қўғирчоқ) собит юлдузлар томоша қилиш учун саккизинчи фалак болохоналаридан ўзларини пастга отадилар.

20. Бир гуруҳ (тўда) юлдузлар азамат чарх хоҳини билан ўзларини юқори поядан қўйи пояга ташлаб юборадилар.

21. Чарх найрангбозлиги, осмон эса юлдузлари билан дунё томонга ҳийлагар мактублар жўнатадилар.

---

*4 Шеърo – икки ёруғ юлдуз. Бири Шом Шеърoси – Проциен, иккинчиси Яман Шеърoси – Сириус (бу иккаласи Сухайл юлдузининг укалари деб ҳам юритилган).*

22. Юлдузлар кексаю ёшнинг бедор ва беором кўзларига фароғат уйқусини келтирадилар.

23. Мен каби ҳижрон (айрилиқ) балосига мубтало бўлганлар мовий осмонга қараб “во ҳасрато!” дея наъра тортадилар.

24. Ишқсиз, вафосиз кишилар уйқуга чўминади, аммо итлар ошиқларга вафо кўрсатиб, тонггача гавго қиладилар.

25. Қандай бахтли инсонларки, ўзларига уйқуни ҳаром қилиб, бундай кеъада тун каби “оҳ” тортадилар.

26. Аввал ҳасратли кўз ёнларидан зоҳирларини таҳорат қилдириб (поклаб), (сўнгра) ботиндаги сабрсиз жонларига оташ соладилар.

27. Улар ўзларини тақво меҳроби гўшасига ташлаб, Тангри таоло даргоҳи тупроғига бошларини (саждага) қўядилар.

28. Оҳу ҳасратдан юлдузларнинг юзларига нарда тортиб, айрилиқ кўз ёшидан фалак тоқига зарар етказадилар.

29. Дил хилваттоҳи боғини тавоф қилишга киришганларида гўзал маъшуқа юзига номаҳрамлик пардасини ёпадилар...

30. Висол қурби (яқинлиги) бисотида бир лаҳза сокин бўлсалар, фаришталар тоифасига мурса учун нигоҳ ташлаб қўядилар.

31. Иззату тамкин (виқор, ҳайбат) осмонида бир дам манзил қурсалар, титроқдан фалак аъзосига ҳаяжонлар соладилар.

32. Агар висол жамъи ишраттоҳига юзлансалар, дунё ва уқбо (охират) бошига унутиш тупроғини сочадилар.

33. Солик йўлчилар қайси жойгаки қадам боссалар Фоний (Навоий) улар йўлида тупроқ бўлиш давлатини орзу қиладди.

34. Бу зулмат водийси ярмининг навбати ўтди, қудратли подшоҳлар гали келганда, катта ноғораларда овоз чиқарадилар.

35. Улкан ноғоранинг шовқин-суронию карнай бонги, нолаю фарёдлардан юксак фалак тоқининг хамига қиёмат гавғосини соладилар.

36. Сурнай фарёидан қиёмат сурининг гавғоси турса

(кўпса) ҳам ўликдек уйқуга чўмгашиар гафлатдан кўзларини очолмайдилар.

37. Бутга чўқиниш учун эрта турувчи кофирлар нокус (катта кўнғироқ) ноласини тарсоларнинг ибодатхонасида жаранглатадилар.

38. Бу кўҳга дупёнини Қуръонни куйдирувчи маст роҳиблари белларига зуннор боғлаб, бўйниларига хоч тақадилар.

39. “Лот” деган бутни ва «Аллоҳ йўқ» деган сўзни инкор қилувчи комил инсонлар “илло” ва “Аллоҳ” сўзларини (ёнимаён) кўйиб “иллаллоҳ”, яъни, “...фақат ёлғиз Аллоҳ бор”-лигидан гап-сўз қиладилар<sup>5</sup>.

40. Субҳоналлоҳ! Тонгда азон айтувчилар ғайрат билан “Аллоҳу акбар” (Аллоҳ улўғдир!) такбирини шуқуҳ ва баралла айтадилар.

41. Яна муғлар хароботининг риндлари тонгги шароб жомини ўртага қўйиб, май ичиш вақтининг режасини тузадилар.

42. Садоқатли ошиқлар майдан хушқол бўлган вақтларида, гоҳ-гоҳида кўзларини пинҳона ёр томонга ташлаб қўядилар.

43. Гул юзлиларнинг гул каби ёқалари чоку ошиқлар боғ қушларидек беҳуд бўлиб, мастликдан шовқин-сурон кўтарадилар.

44. Фалак меъморлари чархнинг тийра (қоронғу) қасрини ёригиш учун зар сочувчи тонг нуридан тўшамалар тўшайдилар.

45. Шом қоралигига барҳам беришни гўзал қора зулфларга ҳавола қиладилар, тонгнинг хушбўй эгаларига ғавго қилиш олатини топтирадилар.

46. Тун қоронғулигидан хира бўлган дунё саҳнасига равшанлик бериш учун оламни мунаввар қилувчи тонгдан ҳайқириклар соладилар.

47. Кундуз сўфийсининг ридоси тун остидан кўрпа сингари елкаларига чиқиб, кенгликларга ёйилиб кетади.

---

*5 Агар байтдаги “ло лота”, “ло ло илоҳ”, “иллаллоҳ” сўзларининг ёзилиш шакллари, ҳарфий хусусиятларини ҳам ибодатга олсак, байтнинг янада кенгроқ маъноларда таҳлил қилиш мумкин (Таржимон).*

48. Тун зулмагидаги юлдузлар дўли иссиқ машғалдан эриб, ёруғликлар сочадилар.

49. Тун қоронғулигидан уфқларнинг боши оғриган бўлса, пешонасига сандал<sup>6</sup> дек шифобахш қизғиш булутларни босадилар.

50. Юсуфи мисрий жамолининг шамъидан ёруғлик истаб (олиб), Шомнинг ваҳшатли зиндонига нур сочадилар.

51. Яширинган (тўсилган) офтобни кун томонга, йўқолган (ғойиб бўлган) Юсуфни Зулайхо тарафга келтирадилар.

52. Халқ тамоман ғафлат уйқусилан уйғонса, қиёматлагидек (маънан) ўлганларга тирилганлик муждасини етказадилар.

53. Орзу-ҳавас қули бўлган ахлоқсиз фосиқлар, юз хил шошилигч билан либосларини ечиб, ўзларини сувга отади-лар.

54. Камроқ ҳақиқий, кўпроқ тақлидчи бўлган ҳақпарастлар масжидга бориб, ўзларини жойнамозга ташлайдилар.

55. Қилу қол аҳли (зоҳирий билим эгалари) рақибларини мулзам қилиш учун ҳар томонга югурадилар, уйқудан уйғониб, кўзларини ювмасданоқ китоб жузларига қарайдилар.

56. Одамларнинг шайтонлари, яъни (диёнатсиз) савдо аҳлининг ҳар бири босмачилик қилиш учун бозорнинг рас-таю дўконларига ўзларини урадилар.

57. Савдо пайтида агар инсофлари ошиб-тошиб кетса, бўйрага зардан тўқилган деб тўхмат киладилар.

58. Қози даргоҳидаги кофирлар ушоққина кумуш учун юзлаб мусулмонларнинг хонумонларини барбод қилувчи фатво-лар берадилар.

59. Девон соҳиблари (сарой мирзолари) бўлган золимлар қаламининг ўткир учи билан агар “айн” (ҳарфи)да “қоф” (ҳарфи)ни кўрсалар (“айн”ни) оёғидан чаладилар<sup>7</sup>.

60. Ҳамиятсиз пасткашлар шум ҳирслари туфайли орзула-

---

*6 Сандал – ёғочи қора сариқ рангли хушбўй шифобахш дарахт (Тар-жимон).*

*7 Байтда арабча “айн” ҳарфининг пастки қисмидан “қоф” ҳарфи яса-лишига ишора қилинмоқда. Агар “айн”нинг тилло, мол-дунё, қофнинг тоқ каби маъноларини назарда тутсак, байтни шундай таҳлил қилиш мум-кин: золим сарой мирзолари қоф тоғида мол-дунё кўрсалар, қаламлари-нинг учи билан уни поясидан емиришига киришадилар (Таржимон).*

рипинг ушалиши учун ўзларини одамларнинг эшигига ташлайдилар.

61. Ҳийлалардан мактаб болаларининг кўнгилларида изтироб бор, улар келишмаган сўзлар айтиб кўзларини ҳар томонга гилдиллатадилар.

62. Аёлманч муҳтожлар касбу ризқ ахтариб, ошкор ҳар томонда: шаҳру қишлоқларда, дарбадар кезадилар.

63. Сафар юкини боғлаганлар манзиллари томон юриш қилиб, юklarини туширмасдан оту уловларини ўтлоққа қўйиб юборадилар.

64. Жонини қийновчи (ошиқ)лар шайдо жонларига ўт соладилар, яшиндек ўзларини тошу тиканлар устига ташлайдилар.

65. Ожизлик билан биёбон қумларидан ортиқ кўз ёш тўкишганда, сел дарёси Макка водийсининг қумлоқларига-ча етиб боради.

66. Жонларини қўлларида тутиб, юзларига қумушдек ёшлар сочиб, бошларини дину дунё қиблагоҳи (Макка) тупроғига қўядилар.

67. Икки жаҳон хожаси, пайғамбарлар фахри (Муҳаммад алайҳиссалом)нинг саҳобалари (мартабаларининг улуғлигидан) куёшга, балки юксак Аршга соя соладилар.

68. (Пайғамбар) йўлидан чиққан ғубор (чанг)ни юлдузлар порловчи кўзларига суртадилар, изининг тупроғини нур таратувчи ўткир кўзларига жойлайдилар.

69. Муддао (Пайғамбарнинг) жаннатмонанд эшигини супуриш бўлса, ҳурлар (супуришга тайёрлаб) юзларига таралган, тоза зулфларини ташлаб қўядилар.

70. Жаннатдагиларнинг ниятлари (пайғамбарнинг) йўлига фақат соя солиб туриш эмас, балки (ифтихор билан) раъно қадларини жилвалантириб (нозланиб) турадилар.

71. Арш аҳли Меърож кечаси тулпор (бурок)ининг пойига юлдуз дурлари билан безанган яшил ҳарир (нафис) матоли пояндоз тўнайдилар.

72. Фалаклардан ошиб ўтувчи Буроқига узанги боғлаганларида, эгар ёпинчиғи (жули)ни куёшдану, эгарини Жавзо буржидан олганлар.

73. Агар душманлар юкларини Бухайро<sup>8</sup> ибодатхонасига туширсалар, бир неча йиллар олдин унинг (пайғамбарлик) куёшини булутлар ортидан ҳам кўрадилар.

74. Қазо наққошлари (тақдир меъморлари) минглаб куёшлар тарҳини чизсалар ҳам, гоҳ заминга қалам қўйсалар, юришши пайғамбар туясининг изидан бошлайдилар...

75. Пайғамбарлик овозаси ёйилишидан олдин рисолат (элчилик) ҳам, нубувват (пайғамбарлик) ҳам унинг зотига хос эди.

76. Дала-данг туяқушлари сени иззатинг учун фаринглар (боши)га лутф ва меҳрибонлик соясини соладилар.

77. Мусҳаф (Куръон)нинг филофини жаннат матосидан тикиб, думли юлдузлардан тугмалар қадаб, уни Жавзо буржининг лавҳига<sup>9</sup> қўядилар.

78. Дарборингдаги висолга эришган қудратли даргоҳнинг эшик қоровуллари Мусо (алайҳиссалом) олдига асо ташлайдилар.

79. Агар “Тоҳо” (оятининг абжад)<sup>10</sup> ҳисобига назар солсалар, беш вақт намозинг пайтида тўққиз фалакнинг рукуъ қилганини кўрадилар.

80. Бу ўн тўрт маъсумнинг барига бир хил улуғлик либослари кийдирилган, шунинг учун ҳам улар покликда ҳатто Яҳё (пайғамбар) ишига ҳалал етказадилар...

81. Шу маълумки, умматингни Нажмиддин (Кубро) сифат авлиёлари агар итга назар қилсалар, шубҳасиз унга жазба бағишлайдилар.

82. Остонангни шундай итлари борки, бир назар билан Нажмиддин Кубронинг ишига юз раҳна соладилар.

83. Шавқинг тиғидан шаҳид бўлганлар тобути остига шараф учун ҳар нафас юзлаб Масиҳо (Ҳазрати Исо)дек кишилар ўзларини ташлайдилар.

84. Ҳикматли амрингни бажариб, ўқ-ёй отувчи болалар

---

*8 Бухайро — Пайғамбар алайҳиссаломни ёшлик пайтидаёқ Шом йўлида кўриб, унга имон келтирган роҳиб.*

*9 Лавҳ — ўқиш пайтида китоб қўйиши учун ясалган махсус курси мослама.*

*10 “Тоҳо” оятининг абжад ҳисоби ўн тўртга тенгдир.*

табиблар (даволайдиган) жароҳатнинг илдизига юзлаб (шифобахш) ўқ-сй отадилар.

85. Лашкаринг сафидаги “изо жоа”<sup>11</sup> (оятлари) сатрига кўзлари тушганда, уларга илоҳий фатҳу нусратнинг яқинлигини кўрадилар.

86. Қудрат тикувчилари қўшининг байроғини тиксалар, учига боғланадиган парчасига “инно фатаҳю”<sup>12</sup> (албатта биз фатҳу зафар бердик...) оятини ёзиб, зийнат берадилар.

87. Отингни хира чангини Арш (фаришталари) димоғу кўзларига ҳам хунбўй мушк, ҳам тўтиё қиладилар.

88. Юксак тоғлардан етадиган офат, тигингдан зафар истовчиларнинг душманга отган бир мушг тупроғидан етган офатчалик бўлмайди.

89. Қудрат котиблари нома битиб, сарлавҳа чеккасида туғро (махсус қайди ёзув) қўйганларидек дин (ислом) ҳақидаги илоҳий фармонда унинг қиёматга қадар ҳукмронлиги махсус қайд этилган (тасдиқланган)дир.

90. Ровийлар саҳиҳ (тўғри, ишончли) ҳадисларингни Макка сарҳадларидан Бухорога қадар қайта-қайта, бобма-боб ёзиб чиқадилар.

91. Ходимларинг хурмо суякларидан тасбиҳ доналари қилиб олсалар, одам доналарининг ҳар бири Шайтон тузоғидан эмин бўладилар.

92. Қушлар ўзларини Анқо (қуши)нинг олдига ташлаганидек, Аршга парвоз қилувчилар ҳам ўзларини сенинг йўлиңга (фидо этиб) ташлайдилар.

93. Эй Аллоҳнинг расули! Ҳолимга назар қил, ахир, ою куёш фақат юксакларга эмас, пастликларга ҳам нур таратади.

94. Подшоҳлар байрам кунлари арслонларга (томоша қилиб) кўз тикадилар, лекин итларинг (ошиқларинг)ни кўрганда ўша лаҳза кўнгил тикадилар (кўнгил берадилар).

95. Қачонгача шайтонлар тўдаси ошғуфта (паришон) кўнглимга дам-бадам юз хил васвасалар солади?

---

11 Қуръони карим. “Наср” сураси 1-оят.



96. Исонафаслар баъзи-баъзида насроний хаста (бетоб)лар ҳолига марҳамат кўзи билан боқсалар ажаб эмас.

97. Аммо шу қадар хастаманки, юзлаб Масих (исонафаслар) менга илтифот қилиб, даволасалар ҳам яшашимнинг имкони йўқ.

98. Лекин (эй пайгамбар), агар сенинг эҳсон шарбатхонангдан бир томчи бу нотавон хастанинг оғзига томизсалар

99. Ўша он исонафас нутқдан икки юз ўлик тирилиб, ўз руҳларини оёғим остига тавалло қилини учун таплайдилар.

100. Ўша нафас билан наътинг (мадҳинг)ни шу қадар таърифлайки, юқори (осмон)даги малаклар (эшитиб) руҳларидан кечиб юборсинлар.

101. Наътинг ҳақида бир ҳарф ёзсам, фаришталар уйқуни ҳаром қилган кўзлар қорачиғидан сиёҳ қилиб нуқтасини кўядилар.

102. Агар лабгашна (чанқоқ)ларнинг қуриган, ранж тортган ҳалқуми (томоғи)га бундай наътинг зилол (сув)идан бир қатрасини томизсалар,

103. Сўнгра уларнинг оғиз сувини ер остида унутилган жасадларнинг хокларига суртсалар, улар қайта тириладилар.

104. Агар (бу наът – қасидани) “Айн ул-ҳаёт” деб атасам арзийди, чунки ҳалқ унинг насими (шабадаси)дан ўлган жисмларга тоза жон (руҳ) бағишлайди.

105. Қасида байтларини аниқлашда “Оби бақо” (ибораси)нинг имлоси (абжад ҳисоби)га назар солсалар, байтлар сонининг унга тенглигини кўрадилар.

106. Ё Раб! Гуноҳкорларни аямай дўзахга соладиган у кун (қиёмат)да Ҳабибинг (Муҳаммад алайҳиссалом) дан менга шафоат етказ, (насиб эт).

**Форс тилидан Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси**

## НАЪТ ҒАЗАЛЛАРДА КЕЛГАН ОЯТ ВА ҲАДИСЛАР

1. “Ав адно” – Фа кана қоба қавсайни ав адно.  
“Бас, (Муҳаммалга) икки камон оралигидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди”. (“Нажм” сураси, 9-оят)
2. “Юҳйил изом” – Қола ман юҳйил изома ва ҳия ромим.  
“У Бизга: “Чириб кетган суякларни ким ҳам тирилтира олур?” - деб ” (“Ёсин” сураси, 78-оят).
3. “Қоба қавсайн”- Фа кана қоба қавсайни ав адно.  
“Бас, (Муҳаммадга) икки камон оралигидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлади”. (“Нажм” сураси, 9-оят)
4. “Ваш-шамс” – Ваш-шамси ва зуҳаҳа.  
Қасамёд этаман Куёш ва унинг зиёси билан (“Шамс” сураси, 1-оят) .
5. “Мо зоғ” – Ма зоғал басару ва ма тоғо.  
Пайғамбарнинг кўзи (четга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳалдидан ошгани ҳам йўқ). (“Нажм” сураси, 17-оят)
6. “Ана афсаҳ” – Ана афсаҳу Қурайшин куллаҳо ва афсаҳуҳа баъдий Аббон ибн Саид ибн Осс.  
Мен Қурайшнинг энг фасиҳ сўзловчисиман, сўнгра саҳобаларимдан Аббон ибн Саид ибн Оссдир. (Ҳадис)
7. “Макорими ахлоқ” – Буъисту ли угаммима макорим ал-ахлоқ. Мен гўзал хулқларни мукаммаллаштириш учун юборилдим.
8. “Лав лок” – Лав лока лама холақт ул-афлок.  
Агар сен бўлмасанг фалакларни яратмас эдим.
9. “Мо арафнак” – Субҳонака, ма арафнака ҳаққо маърифатика.  
“Эй, Аллоҳим, биз сени ҳақиқий маърифат ила таний олмадик. (Бу дуони Пайғамбар алайҳиссалом айтганлар.)
10. “Кунту набийян” – “Мата кунта набийян? Қола: “Ва Адаму байнар-руҳи вал жасад”.  
“Қачондан Пайғамбар бўлдингиз! Одам алайҳиссалом жасад ва руҳ оралигида бўлганида, мен пайғамбар эдим”.
11. “Алвалаладу сирру абиҳ” – “Фарзанд отанинг ўхшашидир (сирридир)”.

## ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

### А

ААЗЗ – Энг азиз, энг иззатли.

АБАД – Абадий, доимий.

АБАС – Бехуда, бефойда.

АБД – Кул, банда.

АБЛАҒ – Энг балоғатли, энг равшан ифодали.

АБО – Дарвеш ва қалаңдарлар киядиган, жун матодан тикилган, калпа, енгил чакмон.

АБР – Булут.

АБРАС – Баданига оқ тушган.

АБТАҲ – Маккада бир маҳалла номи.

АБТАҲИЙ – Абтаҳга мансуб.

АВВАЛГИ – Биринчи, дастлабки.

АВЖ – Ҳар бир нарсанинг юқори нуқтаси; чўққи; умуман баландлик, осмон; АВЖИ РИФЪАТ – баландлик чўққиси, юқори даража.

АВЛИ, АВЛО – Яхшироқ, тузукроқ, энг яхши.

АВЛИЁУЛЛОҲ – Аллоҳнинг дўстлари, яқинлари.

АВЛОД – Ўғиллар, болалар; ўғил-қизлар; насл.

АВСАТ – Ўрта, ўртача.

АВСОФ – Сифатлар, таърифлар, мақтовлар.

АДЁН – Динлар.

АДЛ – Адолат тўғрилиқ, инсоф.

АДНО – Тубан, энг паст, арзимаган, озгина; Адно мақом – Энг паст ўрин.

АДО – 1. Баён, ифодаланг; 2. Ўташ, тўлаш, бажариш.

АДЪИЯ – Дуолар.

АЁҒ – 1. Оёқ; 2. Охир, кет.

АЖАБ – Қизиқ; таажжуб.

АЖАМ – Араб халқлари ва мамлакатларидан бошқаси.

АЖЗ – Кучсизлик, заифлик, ожизлик, бечоралиқ.

АЖЗО – 1. Бир нарсанинг бўлаклари; 2. Муқоваланмаган китоб ёки дафтарнинг бўлаклари ёки жузлари.

АЖР – Мукофот, эваз.

АЗАЛ – Бониланиш, ибтидоси номаллум ўтган замон.

АЗИМ – Улуғ, катта, буюк.

АЗИМУШ – ШОН – Улуғ даражали.

АЗИМАТ – Бирор ишга қасд, ният қилиш, интилиш.

**АЗМ** – Бирор ишга қасд, ният қилиш, интилиш, юриш, жўнаш; Азми само – Осмонга кўтарилиш.

**АЗРАҚ** – Кўк тус, яшил.

**АЙНА** – Қаерда?

**АЙН** – 1. Араб алифбосидаги “айн” ҳарфининг номи; 2. Кўз; 3. Булоқ; 4. Моҳият; 5. Ўхшашлик; 6. Қуёш; 7. Олтин; 8. Нуқул, соз, яши.

**АЙНАЙН** – Икки кўз.

**АЙНИЯТ** – Айни ўзи эканлик, ўзлик.

**АЙН УЛ-ЯҚИН** – Бирор нарсани моҳияти билан аниқлаш ва кўриш; Айнул-яқин аҳли – Ўткир кўзликлар.

**АЙНУЛ-ҲАЁТ** – Ҳаёт булоғи, ҳаёт суви; оби ҳаёт.

**АЙРУ** – Айрим, бошқа, ўзга.

**АЙТОМ** – Етимлар.

**АКБАР** – Энг катта.

**АКМАЛ** – Энг мукаммал, энг етук.

**АКМАҲ** – Туғма кўр.

**АКРАМ** – Энг қарим, энг яхши, ўта ҳикматли.

## 65

**“АЛ-АДЛ”** – Адолат, одиллик.

**АЛАЙҲИС-САЛОМ** – Унга салом (Пайғамбар номига қўлиб айтилади; Муҳаммад алайҳис салом каби).

**АЛАМ** – 1. Аломат, белги, нишона; 2. Байроқ, туғ; 3. Аланга, ёлқин; 4. Дард, алам.

**АЛ-АСМОУ** – Исмлар осмондан инади.

**АЛАСТ** – Мен эмасми?

**АЛИ** – Муҳаммад пайғамбарнинг халифаларидан тўртинчиси ва куёви.

**АЛИМ** – Билувчи, доно.

**АЛО** – 1. Огоҳ бўл, тингла ( ундов); 2.... устига, ....га; Нуран ало нур – нур устига нур .

**АЛОЛО** – Шовқин-сурон; ғавғо, қий-чув.

**АЛТАФ** – Энг латиф, энг нозик, энг мулоғим.

**АЛТОФ** – Лутфлар, марҳаматлар, юмшоқликлар, яхшиликлар.

**АЛФ** – Минг (1000); Алф-алф салом – Минг-минг салом.

**АЛФОЗ** – Лафзлар, сўзлар; Алфози фасих – Гўзал сўз, чиройли нутқ.

АЛҚОБ – Лақаблар, номлар.

АЛҲАҚ – Ҳақиқатан, тўғриси, чиндан.

АМАЛ – 1. Умид, истак, тилак, орзу; 2. Иш, ҳаракат, ижро.

АМВОТ – Ўликлар.

АМДАН, АМДО – Қасдан, билиб, тушуниб, атайин.

АМИН – Сақловчи, омонатга хиёнат қилмайдиган, ишончли; посбон, тўғри.

АМИҚ – Чуқур, терап.

АМЛАҲ – Энг гўзал, энг ширин, энг ёқимли; Амлаҳ ўлмоқ – гўзаллашмоқ.

АМО – Кўрлик.

АМР – 1. Буйруқ 2. Иш, юмуш, ҳаракат, воқеа.

АНА – Мен; Ана афсаҳ – Мен энг фасиҳман, мен ўткир нотикман (ҳадис).

АНАС – Пайғамбар алайҳис салом саҳобаларидан бирининг номи.

АНБАР – Хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй қора модда; хушбўйлик.

АНБАРИ СОРО – 1. Энг тоза, хушбўй анбар; 2. Ёқимли ҳид.

АНБАРАФШОН – Анбар (хуш ҳид) сочилган, анбар сочувчи.

АНБИЁ – Пайғамбарлар; Анбиёи мурсалин – Китоб индирилган (китобли) пайғамбарлар.

АНВАР – Энг нурли, энг равшан .

АНЖУМ – Юлдузлар .

АНИС – 1. Улфат, дўст, яқин, ўртоқ, ҳамдам, ҳамдард; 2. Ёқимли.

АНСОБ – Насл-насаб, насллар.

АНСОР – Ёрдамчилар, ёрдам берганлар.

АНФОС – Нафаслар, дамлар; Масиҳ анфоси – Исо нафаси, дами; ўткир дам.

АНҚО – Қушларнинг подшоҳи бўлиб, Кўҳи Қоф (Қоф ) тоғида яшайдиган қуш.

АРАБ – 1. Араб халқи, араб кишиси; 2. Арабистон.

АРАБИЙ – Арабча; арабга тегишли; Набиий арабий.

АРАСОТ – 1. Бўш майдон маъносидаги арса сўзиини кўплиги; 2. Ғавро, тўполон, қиёмат.

АРАС – Озарбойжонда бир анҳорнинг номи.

АРАФОТ – Арабистоннинг Макка шаҳри атрофида бир тоғ номи.

**АРАҚ** – Тер.  
**АРБАИН** – Қирқ , чилла.  
**АРВОҲ** – Руҳлар; Арвоҳи қудсий – Муқаддас руҳлар (фаришталар).  
**АРСА** – Майдон, саҳн.  
**АРФАЪ** – Энг юқори, энг юксак.  
**АРШ** – Осмоннинг энг юқориси.  
**АРШАД** – Энг ақлли, тўғри йўлда маҳкам турган.  
**АРШИ АЪЗАМ** – Энг улуғ арш.

## 66

**АРШИ АЪЗАМ ЭЛИ** – Фаришталар.  
**АРШИ АЪЛО** – Энг юқори арш.  
**АРШИ МУАЛЛО** – Арши аъло.  
**АРШСО** – Аршга етган, энг юксак.  
**АРШФАРСО** – Энг юксакка етишдан киноя.  
**АСБОБ** – Сабаблар, баҳоналар, асбоб-ағжом.  
**АСО** – Ҳасса.  
**АСРОР** – Сирлар, яширин нарсалар.  
**АСРУ** – Жуда қўп, ортиқ, бениҳоя, талай, ғоят.  
**АСФОР** – Китоблар, саҳифалар; Асфори само, асфори самовий – Кўкдан инган китоблар.  
**АСҲОБ** – Суҳбатдошлар, ҳамсуҳбатлар, дўстлар; Асҳоби рисолат ойна –Пайғамбар алайҳис салом саҳобалари.  
**АТАШ** – Ташналик, чанқоқ; хумор.  
**АТИББО** – Табиблар, ҳақимлар.  
**АТИЯ** – Ҳадя, баҳиши.  
**АТЛАС** – Кўк; осмон; Атласи гардун – Осмон.  
**АТО** – Ота, падар.  
**АТР** – Агр ҳидли, муаттар.  
**АТФОЛ** – Ҳудаклар ёш болалар .  
**АТШОН** – Ташна.  
**АТҚИЁ** – Тақводорлар, ёмон ишлардан сақланувчи кишилар.  
**АФВОЖ** – Тўдалар, гуруҳлар.  
**АФГАН, АФКАН** – Ташловчи, отувчи, йиқитувчи, тушурувчи, солувчи; Зулмат афган – Қоронғулик солувчи.  
**АФГАНДА, АФКАНДА** – Тубан, паст, ташландиқ, йиқилган.  
**АФИФ** – Ифбатли, пок, покиза, тоза.

**АФЛОК** – Фалактар, осмон; Етти афлок – Етти қават осмон.

**АФЛОКРАВ** – Осмон кезар.

**АФСАҲ** – Энг гўзал ( фасиҳ) сўзловчи, сўзга чечан.

**АФСАҲУЛ** – **КАЛОМ** – Энг гўзал, фасиҳ сўз эгаси, сўзга чечан, нотик.

**АФСОНА** – Ҳикоя, нақл, дoston.

**АФТОДА** – Йиқилган, дармонсиз, заиф.

**АҲАС** – Хосроқ, махсусроқ; энг хос, энг махсус; Ахасси асҳоб – Энг яқин ( хос) саҳобалар.

**АҲГАР** – 1.Қизариб ёниб турган олов; 2. Лахча чўғ.

**АҲЗАР** – Кўм-кўк, яшил; Силеҳри аҳзар – Кўм-кўк осмон.

**АҲТАР** – Юлдуз.

**АШБАҲ** – Жуда ўхшаш.

**АШЖОР** – Дарахтлар.

**АШК** – Кўз ёши.

**АШКОЛ** – Шакллар, турлар, суратлар, жинслар, навлар.

**АШКРЕЗ**, **АШКРЕЗОН** – Кўз ёши тўкувчи, йилловчи.

**АШРАФ** – Энг шарофатли, зотли, шарафли; Ашрафи авсоф – Васфларнинг энг яхшиси.

**АШҚИЁ** – Ярамас, ёвуз кишилар.

**АЪЗАМ** – Энг катта, энг буюк.

**АЪЛАМ** – 1. Энг биатагон; катта олим; 2. Шариат қонунлари билимдони.

**АЪРОБ** – Араблар, қўчманчи араблар.

**АҚДАМ** – Энг илгари, энг муқаддам; илгарироқ.

**АҚИДА** – Ўтиқод, ишонч, ихлос.

**АҚЛ**- Ақл; Ақли кулл – буюк ақл, катта ақл, илоҳий ақл.

**АҚРАБО** – Энг яқин кишилар, қариндошлар, қариблар.

**АҚСО** – Энг узоқ қирғоқ; бирор ўлка ёки шаҳарнинг узоқ бурчаги; Масжиди АҚСО – Қуддус шаҳридаги катта масжид.

**АҚТОБ** – Қутблар.

**АҲБОБ** – Дўстлар, ёрлар, севимлилар.

**АҲИББО** – Аҳоблар, дўстлар.

**АҲКОМ** – 1. Ҳуқмлар, қонунлар, фармонлар, буйруқлар, патижалар; 2. Астрономияда – юлдузлар сайри ва ҳолатини талқиқ қилиш.

**АҲЛ** – Эга, соҳиб, тегишли; Аҳли идрок – Ақллилар, идрокли кишилар.

**АҲЛАН** ва **САҲЛАН** – Хуш келибсиз, марҳаб!

**АҲОДИС** – Пайгамбар алайҳис салом ҳадислари.  
**АҲСАН** – Жуда яхши, энг гўзал; Аҳсанул қасас – Қиссаларнинг энг гўзали.

## **Б**

**БАДАЛ** – Эваз, айрибош; бадал айламоқ – айрибошламоқ, тикмоқ, ўринма – ўрин қўймоқ.

**БАДИЪ** – 1. Гўзал, нафис, нодир; 2. Ажойиб; Жамолиъ бадийъ – Гўзал чеҳра.

**БАДР** – Ўн тўрт кечалик тўлин ой.

**БАИД** – Узоқ, йироқ.

**БАЙЗО** – 1. Ўта оқ; 2. Порлоқ, порлаган; ялтироқ; 3. Қуёш, офтоб.

**БАЙТУЛЛОҲ** – Макка шаҳридаги Каъба аталган зиёратгоҳнинг яна бир номи, Аллоҳнинг уйи.

**БАЙТУЛ-МАЪМУР** – Обод уй. Тўртинчи осмонда Каъбага ўхшаш муқаддас масжид.

**БАЙТУЛ-МУҚАДДАС** – Қуддус (Иерусалим) шаҳридаги зиёратгоҳ жой.

**БАЙТУЛ-ҲАРАМ, БАЙТУЛ-ҲАРОМ** – Макка шаҳридаги Каъба деб аталган машҳур зиёратгоҳни шу номлар билан атайдилар.

**БАЙЪ** – Савдо, сотиш.

**БАЛО** – Офат, зарар.

**БАЛОКАШ** – Балога қолган, жафокаш, азоб тортувчи.

**БАЛОҒАТ** – 1.Етилиш, воояга етиш, болиғлик; 2. Сўзни ихчам, гўзал ва мазмундор қилиб ифодалаш, бадий ифода, мақсадни гўзал иборалар билан англатиш.

**БАНД** – 1.Бўғов, кишан; 2.Бўғин; 3. Тутқунлик; 4. Боғлаиш, басталик.

**БАНИ** – Авлод, болалар; Бани Одам – Одам болалари, одам авлоди, инсонлар.

**БАНОТ** – Қизлар, қизлари.

**БАНОТУН-НАЪШ** – Юлдузлар тўплами.

**БАР** – 1. Кўкрак, бағир; бадан, тан; Сийминбар – Қумуш бадан, оқ бадан; 2. Мева, ҳосил, самара; баҳра; 3. Уст, устига; 4. Этак.

**БАРНО** – 1. Ёш, гўзал, чиройли; 2, Ёш йигит, мард йигит.



**БАРР** – Ер юзи, ернинг қуруқлик қисми; Барру баҳр – Ер ва сув, қуруқлик ва денгиз.

**БАРҚ** – Чақмоқ, чақин, яшин.

**БАРҚВОР** – Чақмоқдай, яшиндай, яшинга ўхшаш.

**БАРҚВАШ** – Яшиндай, жуда югурик.

**БАРҚТОМ** – Яшиндай тез юрадиган.

**БАРҚОСО** – Яшиндай, жуда тез.

**БАРҚХЕЗ** – Чақмоқ чақнагучи; чақиндай тез юрувчи; Бу-роқи барқхез – чақмоқдек тез чопар от.

**БАРҲАҚ** – Ҳақ, ҳаққоний, чин, рост, тўғри.

**БАС** – 1.Кифоя, етарли, тамом; 2. Кўп, ғоят, демак.

**БАСЕ** – Кўп, жуда кўп, кўп мартаба, ғоят, шу қадар.

**БАСИР** – Кўрувчи; ўткир кўзли, ўта сезгир.

**БАТИЙ** – Суст, секин, аста.

**БАТҲО** – Макка атрофидаги тоғ ораллиғида бир дара номи; маж Макка.

**БАХШИШ** – Бериш, эҳсон этиш, мурувват.

**БАШАР** – Одам, киши, инсон.

**БАШИР** – Хушхабар келтирувчи.

**БАҒОЯТ** – Ғоятда, ниҳоят, жуда.

**БАҲР** – 1. Дарё, денгиз; 2. Баҳра; 3. Ҳисса, улуш; 4. Учун; Баҳри нубувват – маж Пайғамбарлик.

**БЕБИЙМ** – Кўрқувсиз, беҳавф.

**БЕБОК** – Кўрқмас, ҳайиқмас.

**БЕДИЛ** – 1. Дилсиз, руҳсиз, ҳолсиз; кўрқоқ; 2. Қайғули, ҳасратли, ошиқ.

**БЕЖУРМ** – Гуноҳсиз, айбдор эмас.

**БЕМУҲОБО** – Тортинмасдан, баралла иш қиладиган.

**БЕТАВЖИҲ** – Тавжиҳсиз, яъни юзини бирор томонга бура олмаслик; бирор сўз ёки иборанинг маъносини бошқача баён қила олмаслик, изоҳлай олмаслик.

**БЕХУД** – Ҳушсиз, ўзидан кетган.

**БЕШИКИБ** – Сабрсиз, тоқатсиз; саросима.

**БИДОЯТ** – Бошланиш, ибтидо, аввал.

**БИДЪАТ** – Янги пайдо бўлган одат.

**БИЁБОН** – Чўл, дашт.

**БИЙМ, БИМ** – Кўрқув, кўрқинч, хавф.

**БИЛЛАҲ** – Аллоҳ ҳаққи (қасам).

**БИРЖИС** – Мушгарий (Юпитер) сайёра ( планета)си.

- БИСЁР** – Кўп, мўл.  
**БИСМИЛЛАХ** – Аллоҳ номи билан.  
**БИССАВОБ** – Валлоҳу аълам биссаовоб – Аллоҳ тўғрисида  
 битувчидир.  
**БИҲАМДИЛЛАХ** – Аллоҳга шукр.  
**БИҲИШТ** – Жаннат; Энг гўзал боғ.  
**БОДА** – Май, ичимлик; маж. Ишқ.  
**БОЗИ, БОЗИЙ** – Ўйин; ашдов.  
**БОЗИЛ** – Бағишловчи, эҳсон қилувчи, сахий; Зиҳи бозил –  
 Қандай яхши бағишловчи.  
**БОК** – Қўрқув, хавф, зарар.  
**БОЛИФ** – Балоғатга етган, йигитлик даврига ўтган.  
**БОЛО** – Баланд, юқори.  
**БОНГ** – Қичқирик, ҳайқирик, баланд овоз.  
**БОТ** – Тез, шитоб, тезликда.  
**БОТИН** – Ички томон, ич (кўнгил).  
**БУЖАҲЛ** – Абу Жаҳл. Муҳаммад алайҳис саломга қарши  
 бўлган бир арабнинг номи.  
**БУЗУҒ, БУЗУҚ** – 1. Вайрона, хароба; 2. маж Қайғули, ғам-  
 гин (кўнгил).  
**БУЛ** – АЖАБ – Энг қизик, таажжуб, ажойиб.  
**БУЛАҲАБ** – Абу Лаҳаб. Муҳаммад алайҳис саломга қарши-  
 лик кўрсатган, ислом динини қабул қилмаган, исломда ёмон  
 отлиғ бўлган кимса.  
**БУЛ–БАШАР** – Абулбашар. Кишилар отаси, Одам Ато.  
**БУЛДОН** – Шаҳарлар, мамлакатлар, вилоятлар.  
**БУЛ–ҚОСИМ** – Абул Қосим. Муҳаммад пайғамбарнинг ку-  
 няти (лақаби).  
**БУРОҚ** – Муҳаммад алайҳис салом меърож кечаси кўкка  
 миниб чиққан учар от.  
**БУРҚАЪ** – Юзга тугиладиган парда; ниқоб.  
**БУРҲОН** – Далит, ҳужжат, гувоҳ.  
**БУТ** – 1. Бут, санам; 2. Севгили, маъшуқа.  
**БЎЙЛА** – Бунақа, бу каби, бундай.  
**БЎРЁ** – Бўйра,  
**БЎҒУЗ** – Томоқ, кекирдак; ҳалқум.

## В

- ВАЖҲ** – 1. Юз, бет, чехра; 2. Важ, сабаб, баҳона, йўл.

**ВАЙЛ** – Дўзах.

**ВАЛАД** – Бола, фарзанд, ўғил.

**ВАЛЕ** – Лекин, аммо, бироқ.

**ВАЛИЙ** – 1. Эга, соҳиб; 2. Авлиё, азиз.

**ВАСИЪ** – Кенг, ёйиқ.

**ВАСЛ** – Бириқиш, ёрга стишиш, эришиш.

**ВАСФ** – Таърифлаш, мақташ.

**ВАҲИМ** – Ваҳимага тушган, қўрққан.

**ВАҲИЙ** – Муҳаммад алайҳис саломга Жаброил фаришга  
воситаси билан Аллоҳ томонидан юборилиб турган хабар.

**ВАҲШАТАНГИЗ** – Ҳайбатли, қўрқинчли, қўрқитувчи.

**ВАҲШАТАФЗО, ВАҲШАТФИЗОЙ** – Қўрқувни орттирувчи.

**ВИРД** – Тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифа, дуо.

**ВИСОЛ** – Эришув, етишув.

**ВОВАЙЛО** – Афсус ва қайғуриш, ҳасрат ва надоматни бил-  
дирувчи ундов сўз.

**ВОДИЙ** – Водий.

**ВОЛИД** – Ота, падар.

**ВОСИЛ** – Эришувчи, етишувчи, эришган.

**ВОҚИФ** – Хабардор, билувчи.

**ВОҲАСРАТО** – Қаттиқ қайғуриш, алам тортишда айтила-  
диган ундов сўз.

**ВУЖУД** – 1. Мавжудлик, борлик; 2. Гавда, жисм.

**ВУЗУ** – Юз ювиш, таҳорат.

## Г

**ГАВҲАР, ГУҲАР** – 1. Инжу, дур, ёқут, олмос каби қим-  
матбаҳо тош.

**ГАНЖ** – Олтин, кумуш, жавоҳирот каби қимматбаҳо ашё  
тўплами, хазина, тўпланган бойлик.

**ГАР** – Агар сўзининг қисқарган шакли.

**ГАРД** – 1. Чанг, тўзон, ғубор; 2. Сўз бирикмасида келиб “ай-  
ланувчи, кезувчи” маъносини ифодалайди; Шабгард – Тунда  
кезувчи, тун қоровули; маж. Ой.

**ГАРДАНКАШ** – Бўйли товловчи, итоатсиз, бўйсунмовчи.

**ГАРДУН** – Фалак, осмон, кўк.

**ГАРМРАВ** – Тезюар, тез кетар, суръатлик.

**ГАРМХЕЗ** – Тез юришти, тез ҳаракат.

**ГИСУ** – Ўрилган соч; Икки гисуйи анбарин – анбар сочув-

чи ўрилган икки соч.

ГОМ – Қадам, одим.

ГУВОҲ – Гувоҳ, шоҳид.

ГУДОЗ – 1.Эрувчи, куювчи; 2.Эриш, куйиш.

ГУЛСИТОН – Катта гулзор, гулбоғ.

ГУЛОБ – Атиргул суви, атиргул баргини қайнатиб, буғлатиб олинадиган хушбўй сув.

ГУЛРУХ, ГУЛРУХСОР, ГУЛРЎ – Гулроз, гўзал юзли, чеҳраси иссиқ.

ГУЛШАН – Гулбоғ, чаман.

ГУМ – Йуқ, йўқолган.

ГУНА – Тур, хил; Ҳар гуна – Ҳар хил.

ГУНАҲ – Гуноҳ.

ГУНБАД, ГУНБАЗ – Гумбаз; маж. Осмон, кўк, фалак; Гунбади хазро – гунбаз, осмон.

ГУРИЗ – 1.Қочиш; 2. Илож, чора.

ГҲЙ – 1.Тўпга ўхшаш ҳар бир юмалоқ нарса, тўп, шар;

2. “Чавгон” ўйинида ўртага қўйиб, от устида учи эгри узун таёқ билан ўйналадиган кичкина ёғоч тўп; Гўю чавгон – Тўп ва учи эгри узун таёқ.

ГҲША- Бурчак, хилват, чекка жой.

## Д

ДАВОЖ, ДАВВОЖ – 1.Кўрпа – тўшак, ёпинчиқ; 2. Пахталик тўн.

ДАВРОН – 1.Айланиш, гардиш; 2.Ўтиб турган даврлар, замон.

ДАМ – Нафас, лаҳза, он. Дами Исавий – Исо нафаси.

ДАРГАҲ, ДАРГОҲ – 1.Эшик, остона, бўсаға; 2. Ўрда; улуг мартабали кишиларнинг турар жойи.

ДАРД – 1.Касаллик, хасталик, оғриқ; 2. Қайғу, кулфат; 3.Ишқ, севги.

ДАСТБЎС – Қўл ўпиш, қўлини ўтмоқ.

ДАФ, ДАФАК – Чилдирма, доира.

ДАҲЛ – Бир нарсанинг ичига кириш, муносабатда бўлиш; алоқа, араланиш; Даҳл айламак –киришмоқ, араланишмоқ.

ДАЪБ – Одат, қилиқ, хислат.

ДАЪВО, ДАЪВИЙ – Бирор нарсани бировники эмас, меники деб талаб қилиш; у ҳақли эмас, мен ҳақли деб талашиш,

даъво қилиш.

ДЕБО – Нозик ва нафис нақшлар солиб тўқилган ипак мато.

ДИЛКАШ – Дилни ўзига тортадиган, жозибали ёқимли.

ДИЛПАЗИР – Кўнгилга ёқувчи, ёқимли.

ДИЛРАБО – Дилни тортувчи, жозибали, севгили.

ДИМОҒ – 1.Бурун; 2.Мия; 3.Кайфият, табиат, руҳий ҳолат.

ДИНОР – Дийнор.

ДОЖ – Қоронғу, қоронғулик, жуда қоронғу кеча; Дож ай-  
ламак – Қорайгирмоқ, жуда қоронғу қилмоқ.

ДОМ – Тузоқ.

ДОНА – 1.Дона, уруғ; 2. Алад, бир дона .

ДОСТОНСАРО, ДОСТОНСАРОЙ – Достон айтувчи, дос-  
тон тўқувчи, ҳикоячи.

ДОФИЪ – Даф қилувчи, қайтарувчи, йўқотувчи.

ДОҒ – 1.Куюк, куйган жой; 2.Белги, қоралик; из, асар;  
3.маж. Қайғу, алам, кулфат; Доғи алиф – Зийнат учун киши-  
нинг юзига алиф шаклида солинган ўсма ранг доғ.

ДОҒИ – Тагин, яна, ҳамда.

ДУВОЖ – Давож.

ДУД – Тутун.

ДУРР, ДУР – Инжу, марварид; Дурри шабчароғ – Кечани  
чироқдай ёритадиган дур; Дурри ятим – 1.Бир садаф ичида  
якка ўзи етишган, йирик, донатор дур; 2.маж. Қийматли сўз,  
чуқур маъноли сўз, муҳим сўз.

ДУРАР – Дурлар, марваридлар, инжулар.

ДУРАФШОНЛИҚ – 1. Дур сочувчилик; 2. Гўзал сўз сўзлов-  
чилик.

ДУРЖ – 1.Қийматли тошлар солинадиган қутича; 2.маж.  
Оғиз; кўнгил.

ДУРРОЖ – Каклик жинсидан бўлган парранда, қирғовул.

ДУРУД – Мақтов; дуо, салом, яхшилик тилаш.

ДУТОҲ, ДУТО – 1.Икки букилган, букик, эгилган, эгик;  
2.маж. Ғам тортиб букилган.

ДУЎШ – 1.Орқа кифт; 2. Ўтган кеча.

## Ё

Ё РАСУЛАЛЛОҲ – Эй, Аллоҳнинг элчиси!

ЁЙ – Камон.

## Ж

**ЖАБИН** – Манглай, пешона.

**ЖАБРОИЛ** – Аллоҳ билан пайғамбар ўртасида воситачи, ваҳий келтирувчи фаришта номи.

**ЖАБҲА** – Манглай, пешона.

**ЖАВЛОНГАҲ** – Кезиладиган ер, майдон.

**ЖАВОҲИР** – Қимматбаҳо гавҳарлар, тошлар.

**ЖАВФ** – Бир нарсанинг ичидаги бўшлиқ жойи, қаваги; Фалак жавфи -Кўк (осмон) бўшлиғи.

**ЖАВҲАР** – 1. Қимматбаҳо тош; 2.маж. Ялтироқлик; 3. Асл модда, нарсанинг туб ўзаги, асосий хосса, моҳият.

**ЖАДЙ** – 1.Тоғ эчкиси, кийик; 2. Кўкдаги 12 бурждан бири (кийик шаклида фараз этилган); 3. Шамсия (Қуёш) йил ҳисобида қиш фасли ойларининг биринчиси бўлиб, 22 декабрь – 21 январга тўғри келади.

**ЖАЙБ** – 1.Кийимнинг ёқаси; 2. Чўнтак, кисса, қўйин; 3. маж. Кўпгил, дил, дилдаги муддао.

**ЖАЛО** – Ватанни ташлаб кетиш, кечиб кетиш, Ватандан ажралиш, сурилиш.

**ЖАМИЛ** – Чиройли, кўримли.

**ЖАМОЛ** – 1.Хусн, гўзаллик; 2.маж. Юз, бет.

**ЖАНОБ** – 1.Остона, бўсаға, даргоҳ; 2.Эҳтиром.

**ЖАҲИМ** – Жаҳаннам, дўзах.

**ЖАҲЛ** – Билимсизлик, нодонлик.

**ЖАҲОЛАТ** – Жоҳиллик, нодонлик.

**ЖИЛВАГОҲ** – Житва (пур) жойи, кўришни жойи.

**ЖИЛО** – Равшанлик, порлоқлик, ялтироқлик.

**ЖИСМ** – 1. Гавда, жасад; 2. Модда, материя.

**ЖОВИД, ЖОВИДОН, ЖОВИДОНА** – Абдий, доимий, мангу, мудом, доимо.

**ЖОДА, ЖОДА** – 1. Катта йўл; йўл; 2. Қоида, низом, тартиб; Жоддан шаръ – Шарият йўли, дин йўли.

**ЖОЛА** – 1. Дўл; 2. Шудринг, шабнам; 3. Маж. Ёш, кўз ёши.

**ЖОМИЪ** – Жамловчи, тўпловчи.

**ЖОНАФРУЗ** – Жонга роҳат берувчи, яшнатувчи.

**ЖОНГУДОЗ** – Жонни қийновчи, қийноққа солувчи, азоб берувчи.

**ЖОНИБ** – Тоном, тараф, жиҳат.

**ЖОНФИЗО, ЖОНФИЗОЙ** – Жонни қувватлантирувчи,

жонга роҳат берувчи, оромижон, шодлантирувчи, ёқимли.

ЖОҲ — Мансаб, юқори даражати ўрин, амал, мартаба.

ЖУД — 1. Инъом, эҳсон; 2. Сахийлик, қўли очиқлик.

ЖУЗ — Бошқа, ўзга, бўлак.

ЖУЗВ — 1. Бўлак, қисм, парча; 2. Озгина, андак.

ЖУРМ — Гуноҳ.

### 3

ЗАБУН — 1. Ожиз, нотавон, бечора, кучсиз; 2. Мағлуб, енгилган.

ЗАЛОЛ, ЗАЛОЛАТ — Адашишлик, йўлдан чиқишлик, гумроҳлик.

ЗАМАН — Замонлар.

ЗАМОН — Замон, дам-бадам, ҳар чоғ.

ЗАНАҲ, ЗАНАҲДОН — Бағбақа, сақоқ.

ЗАРАНДУД — Олтин қопланган, зар югуртирилган, олтин каби ялтирайдиган.

ЗАРБАФТ — Зардан тўқилган мато( кийимлик).

ЗАРРА — Энг майда бўлак, зарра озгина, кичкина.

ЗАЪФ — Кучсизлик, ҳолсизлик.

ЗЕБО — 1. Зеб берилган, зийнатланган; 2. Гўзал, чиройли, ҳуснли.

ЗЕВАР — Безак, зитғнат.

ЗИЛ(Л) — 1. Кўланка, соя; 2. Ҳимоя, ҳомийлик; Зилли отифат — Меҳрибонлик, шафқат, лутф-марҳамат; Зилли илоҳ — Аллоҳнинг сояси, подшоҳ.

ЗИЛОЛ, ЗУЛОЛ — Тип-тиниқ ва пирин совуқ сув.

ЗИНДОН — 1. Қоронғу жой, қоронғулик; 2. Айбдорларни қамайдиган ер тагидаги маҳсус жой.

ЗИҲ — Офарин, таҳсин.

ЗИҲИ — Яхши, жойида, гўзал, қандай яхши (ундов сўз).

ЗОЛ — Кампир, қариган; маккор кампир; Золи фалак — маж Осмон, фалак.

ЗОҲИД — Дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши.

ЗОҲИР — Равшан, порлоқ.

ЗУЛМАТ — Қоронғулик.

ЗУЛФ — Аёлларнинг икки чеккасидан тушиб турган кокиллари, умуман аёлларнинг сочи.

**ЗУМРА** — Тўда , жамоат, гуруҳ; Зумраи маҳрам — Маҳрамлар тўдаси.

**ЗУННОР** — Мусулмон мамлакатида яшовчи насронийлар белгига боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилбир.

**ЗУҲРА** — Ҷулпон юлдузи — Венера ( шоирлар “осмон чолгучиси, созандаси” деб тасвирлайдилар).

## И

**ИБЛОҒ** — Хабар кишиш, дарак бериш, етказиш.

**ИБРОМ** — Қисташ, қаттиқ талаб, қистаб туриб олиш.

**ИБТИДО** — Бошлаш.

**ИДРОК** — Онг, тушунча.

**ИЖМОЛ** — Қисқалик, мухтасар, қисқартиш.

**ИЗ, ИЗЗ** — Азизлик, иззат, қадр-қиймат; Иззу ало- Иззат ва олийлик.

**ИЗТИРОБ** — Бетоқатлик, беқарорлик, тинчсизлик.

**ИЗҲОР** — Зоҳир қилиш, кўрсатиш.

**ИЙСО, ИЙСИ** — Исо алайҳис салом.

**ИКРОМ** — Иззат, ҳурмат.

**ИКТИСОБ** — Касб қилиш, ўрганиш, қозониш.

**ИЛГИ, ИЛИГИ** — Кўли.

**ИЛЗОМ** — Мулзамлик; қарши чиқолмаслик; енгитиш.

**ИЛИК** — Кўл.

**ИЛЛАЛЛОҲ** — Бир Аллоҳдан ўзга.

**ИЛЛАТ** — Касалик, дард; сабаб.

**ИЛЛО** — Магар, аммо, бироқ.

**ИЛЛИЙИН** — Энг юқори осмон.

**ИЛМ** — Илм; Илмул-яқин-Ҳар нарсанинг моҳият ва кайфиятини билиш, очиш.

**ИЛОЖ** — Даво, чора.

**ИЛОҲ** — Аллоҳ.

**ИЛОҲИЙ** — Аллоҳга тегишли, диний.

**ИМДОД** — Мадад, кўмак, ёрдам.

**ИМЛО** — 1.Тўлдириш, тўла ифодалаш; 2.Белги, ишора.

**ИНОЯТ** — Меҳрибончилик, марҳамат, ёрдам, илтифот, бағишлан.

**ИРОДАТ** — 1. Қасд, ният, хоҳиш, истак; 2. Муридлик, берилиш.

**ИРСОЛ** — Юбориш, етказиш.



ИСЕН – Бўйин товлаш, итоатсизлик.

ИСМ – Ном, киши номи.

ИСМАТ – Поклик, бегуноҳлик, маъсумлик.

ИСО, ИЙСО – Исо алайҳис салом (шеърда кўпинча ўлик-ни тириштирувчи куч тимсоли сифатида ишлатилади).

ИСРО, АСРО- Кечаси юргизиш, тунда сайр қилдириш.

ИФТИРО – Бўхтон, тўхмат.

ИХРОЖ – Чиқариш, ҳайдаш, сургун, хориж этиш.

ИЧРА – 1. Ичига, орасига; 2. Ичида, орасида.

ИШОРОТ – Ишоралар, белгилар.

ИҚТИРОН – Яқин келиш, йўлиқиш, учрашиш.

## К

КАВКАБ – Юлдуз.

КАВН – Борлик, мавжудлик, дунё.

КАВНАЙН – Икки дунё (у дунёю бу дунё).

КАВСАР – Жаҳнатдаги сероб, сувлари типик ҳовуз.

КАЙВОН – 1.Зухал (Сатурн) юлдузи; 2. маж. Юксак осмон.

КАЛИМ – Сўзловчи, ҳамсуҳбат, ҳамгап. ( Калим – Мусо алайҳис саломнинг сифати, Тур тоғида Аллоҳ билан сўлашгани боис уни Калимуллоҳ деб атайдилар).

КАЛИМ – Сўзлар, калималар; Жавомиул калим – Чуқур маъноли сўзларни ўз ичига олувчи.

КАЛОМ – Сўз, гап, нутқ.

КАЛОМУЛЛОҲ – Аллоҳнинг сўзи, Қуръон.

КАМАНД – Бўғов, сиртмоқ, тузоқ, ов илиштирадиган нарсаси; арқон.

КАМОЛ – Тўлалик, етуклик, етишганлик, мукаммалик, нуқсонсизлик.

КАРАМ – Яхшилик, олийжаноблик, марҳамат, сахийлик.

КАРИМ – Карамли, сахий, олийжаноб.

КАРИМУЛ-АХЛОҚ, КАРИМУЛ-ХУЛҚ – Гўзал ахлоқли, уш хулқ.

КАРИҲ – Хунук, кўнгил айнитгич; жирканч.

КАФ – Қўл кафи; оёқ кафи (ости).

КАЪБА – Макка шаҳридаги зиёратгоҳ, мусулмонлар қибласи.

КАЪБАТАЙН – Икки каъба; Макка ва Қуддусдаги зиёратгоҳ.

КИЛК – Қамиш қалам.

**КИМЁ-КИМИЁ** – Мис, қалай, маъданни (ҳатто тупроқни) олтинга айлантириш тушунчаси; маж. Ажойиб нарса, ноёб, нодир нарса.

**КИРМ** – Қурт, чувалчанг; Кирми шабтоб- Қоронғуда ялтираб кўринадиган қурт.

**КИСВАТ** – Кийим, уст-бош.

**КИТОБАТ** – Ёзиш, кўчириб ёзиш; хат ёзиш; ёзув.

**КОЖ** – Шапалоқ, шапшати; Кож – урмоқ шапалоқламоқ, шапшати урмоқ.

**КОМИЛ** – Етук, тўлиқ, камчиликсиз, мукаммал.

**КОРГАҲ, КОРГОҲ** – 1. Ишхона, корхона; 2. маж. Дунё.

**КУДУРАТ** – Дил ғашлик; Ғусса, хиралик.

**КУЛ, КУЛЛИ** – Ҳамма, бутун, жамъи; ҳар бир.

**КУНТУ** – Кунту набийян. “Мен пайғамбарман” деб бошладиган ҳадисга ишора.

**КУТВОЛ** – Қўрғон соқчиси; қалъа ва шаҳарнинг соқчи бошлиғи.

**КУТУБ** – Китоблар, асарлар.

**КУФР** – Кофирлик, исломни танимаслик.

**КУҲАН** – 1. Эски, қадимги; 2. Титилган, илтираган.

**КҮЙ** – 1. Кўча, йўл; 2. Қишлоқ, маҳалла.

**КҮК** – 1. Осмон; 2. Кўк ранг; 3. Товушлар мослиги, оҳанг, соз, созлаш.

**КҮНГУЛ** – Кўнгил.

**КҮРКАБОЙ** – Жуда чиройли, ҳуснли.

**КҮС** – Катта ноғора, подшоҳ қасрида чалинадиган ноғора.

**КҮТАҲ, КҮТОҲ** – Қисқа, калта.

## Л

**ЛАБТАШНА** – Чанқоқ, сувсираган.

**ЛАГАН** – 1. Шамдон, шам ўтқазиб қўйиладиган ясси идиш; 2. Мис тоғора.

**ЛАДУНИЙ** – Ладуний илм – уринмасдан, Аллоҳ томонидан ато этилган илоҳий илм.

**ЛАЙЛ** – Тун, кеча, оқшом.

**ЛАЙЛАТУЛ-МЕЪРОЖ** – Меърож кечаси, Муҳаммад алайҳис саломнинг кўкка чиқиши.

**ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР** – Қадр кечаси (27-чи Рамазон кечаси бўлиб, бу кеча муборак тун ҳисобланади).

ЛАМЪ – Ёлқин, шуъла, порлоқлик, равшанлик.  
ЛАФЗ – Сўз, оғзаки сўз, ифода.  
ЛАЪЛ – Қизил рангли тош.  
ЛИВО – Байроқ, туғ.  
ЛИЛЛОҲ – Аллоҳ учун.  
ЛИҲОФ – 1. Кийим; 2. Ёпинчик; 3. Кўрпа.  
ЛО – «Йўқ, эмас» деган маънони, инкорни англатади; Ло  
илоҳа илгалоҳ – Бир Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ.  
ЛОМАКОН – Маконсиз, жойсиз, бўшлик.  
ЛУТФ – Мулоимлик, яхши муомала, марҳамат.  
ЛУЪБАТ – 1. Ўйинчоқ, кўғирчоқ; 2. Найранг, ҳийла.

## М

МАБСУТ – 1. Ёйиқ, кенг, ёйилган; 2. Тўшалган, шарҳланган.  
МАБЪУС – Юборилган, вакил этилган; элчи.  
МАВВОЖ – Кучли суратда тўлқинланувчи, мавж урувчи.  
МАВЖ – Тўлқин.  
МАВЛУД – 1. Туғилган, дунёга келган; 2. Туғилиш замони.  
МАВТ – Ўлим, вафот бўлиш.  
МАВЪИЗА – Ваз-насиҳат, ўғит.  
МАВЪУД – Ваъда қилинган, сўз берилган, ваъда.  
МАГАР – 1. Аммо, лекин; 2. Шекилли, микан.  
МАДАД – Кўмак, ёрдам.  
МАДАНИЙ – 1. Шаҳарлик; 2. Мадиналик.  
МАДДОҲ – Мадҳ қилувчи, мақтовчи.  
МАДИНА – Арабистондаги шаҳар номи.  
МАДИҲ – 1. Мақтов, мадҳ этиш; 2. Мақталган.  
МАДМАЪ – маж. Кўз (кўз ёши ўрни, яъни кўз).  
МАДОЙИҲ – Мадҳлар, мақташлар, мақтовлар.  
МАДОР – 1. Айланадиган нарсанинг маркази; ўқи; 2. Суян-  
чиқ; пойдевор; 3. Кувват.  
МАДҲ – Мақташ, мақтов.  
МАЖЗУБ – 1. Тортилган, қизиқтирилган, берилган; 2. Ҳай-  
ратда қолган.  
МАЖИД – Шарафли, шонли, қадрли.  
МАЖОЗ – 1. Ўзининг туб маъносида ишлатилмай, бирор  
муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз;  
2. Ҳақиқий эмас.  
МАЗБУТ – 1. Забт этилган, қўлга олинган; 2. Хотирда сақ-

ланган; 3.Қайд қилинган; 4.Муҳофазаланган, маҳкамланган, мустаҳкам, беркитилган.

**МАЙ** – Бода, шароб; маж. Ишқ.

**МАКОН** – 1. Жой, турар жой; 2. Ҷурин.

**МАКОРИМ** – Яхши, гўзал; Макорими ахлоқ – Гўзал хулқлар.

**МАКТУБОТ** – Мактублар, ёзувлар, хатлар.

**МАЛАК** – 1. Фаришта; 2. маж. Жуда гўзал.

**МАЛИҲ** – 1.Гўзал, чиройли; 2.Ширин, мазали.

**МАЛО** – 1.Тўлалик, тўла; 2.Хало (халилик)нинг тескариси.

**МАЛОИК, МАЛОЙИК** – фаришталар.

**МАЛОҲАТ** -1.Гўзаллик, ҳусн; 2.Ёқимлилик, ширинлик.

**МАЛЪУН** – Лаънатланган, лаънати.

**МАМДУД** – Чўзилган, узайтирилган.

**МАНЗИЛ** – 1. Йўловчилар қўниб ўтадиган ер; бекат; 2. Турар жой; 3. Икки жой орасидаги масофа.

**МАНОЗИЛ** – манзиллар.

**МАНСУБ** – Тегишли, бирор нарсага доир, бир нарсанинг ичига кирадиган.

**МАНСУХ** – Бекор қилинган; истеъмолдан қолдирилган, рад этилган.

**МАРДУД** – Ҳайдалган, қувилган; рад этилган, номақбул.

**МАРДУМ** – 1. Одамлар, кишилар; 2. Қорачиғ.

**МАРИЗ** – Касал, хаста.

**МАРКАБ** – Улов, миниладиган ҳайвон (от, хачир, туя, эшак каби).

**МАРҒУБ** – Ёқимли, севимли, маъқул.

**МАСАЛ** – Мисол, ўхшаш.

**МАСИҲ, МАСИҲО** – Исо алайҳис саломнинг сифати (Исо пайгамбар ўз нафаси билан ўлганларни тириктириш, жон бағишлаш қобилиятига эга бўлган. Адабиёт—шеърятда севгилини ва унинг лабини жонбахшлик юзасидан Масиҳ, Масиҳо (Исо)га ўхшатилади).

**МАСКАН** – Турар жой, ўрин, уй.

**МАСО** – Кечқурун, кеч, оқшом.

**МАСЪУД** – Саодатли, бахтли.

**МАСҚУТ** – 1.Танланган, чиқариб юборилган, соқит қилинган; 2. Чегирилган.

**МАСҲУБ** – Ҳамсуҳбат, бирга юрувчи.

**МАТЛУБ** – Талаб этилган, орзу этилган нарса, исталган нарса.

- МАХЛУТ** – Аралаштирилган, қотишган.  
**МАШЙ** – Юриш, жилиж.  
**МАШОИЛ** – Машғаллар.  
**МАШРИҚ** – Шарқ, кунчиқар.  
**МАШРУТ** – Шартланган, шарт қилинган, бирор шарт билан боғланган.  
**МАШҒАЛ, МАШҒАЛА** – 1. Чироғ, шам; 2. Ёруғлик, равшанлик.  
**МАШҲУД** – Кўзга кўринган, мушоҳада этилган.  
**МАЪБУД** – (Унга) ибодат қилинадиган, топиниладиган-Аллоҳ.  
**МАЪДУД** – Саналган, санокли; Номаъдуд – Саноксиз.  
**МАЪДУМ** – Мавжуд эмас, йўқ, йўқ бўлган.  
**МАЪМУР** – Бирор ишга амр этилган, буюрилган киши.  
**МАЪРИФАТ** – Билиш, таниш, билим.  
**МАЪРИФАТУЛЛОҲ** – Аллоҳни таниш.  
**МАЪСИЯТ** – Гуноҳ.  
**МАЪСУМ** – Гуноҳсиз, пок, тоза.  
**МАЪЮБ** – Айбланган, айби бор, айбдор.  
**МАҚДАМ** – 1. Бирор жойдан қайтиш; қадам қўйиш, қадам отказиш, бир жойдан иккинчи жойга бориш, келиш; 2. Қадам қўйилган жой ва пайт.  
**МАҚОМ** – 1. Жой, ўрин, турар жой; 2. Даража; босқич.  
**МАҚСАД** – Ният, тилак.  
**МАҚСУД** – Мақсад, истак.  
**МАҒФИРАТ** – Кечириш, ярлақаш, гуноҳдан ўтиш.  
**МАҲ, МОҲ** – Ой.  
**МАҲАЛ** – 1. Муҳлат, фурсат; 2. Замон, вақт.  
**МАҲБУБ** – Севимли, ёр, дўст тугилган шахс.  
**МАҲЖУБ** – 1. Пардаланган, ўралган, беркитилган; 2. Уялган, уятли.  
**МАҲЖУР** – Айрилиб қолган, ҳижронда қолган; узоқлашган; маҳрум.  
**МАҲЗУЗ** – 1. Лаззатланган, баҳра олган, баҳраманд; 2. Шодланган, завқланган.  
**МАҲЗУН** – Ғамли, қайғули, хафа.  
**МАҲМУД** – Мақталган, яхши.  
**МАҲРАМ** – 1. Бир-бирига энг яқин қариндош; 2. Ҳамдам, сирдош; 3. Яқин хизматчи.

**МАҲРУМ** — Бир нарсадан бенасиб қолган, бебаҳра, қуруқ қолган, ҳақсизланган.

**МАҲСУБ** — Ҳисобга олинган, текширилган, ҳисобланган.

**МАҲШАР** — 1. Тўпланадиган майдон; 2. Қиёматда инсонлар тўпланадиган жой.

**МЕЪМОР, МИЪМОР** — Бинокор, иморат қурувчи уста.

**МЕЪРОЖ** — 1. Шоти, нарвон; 2. Юқорита кўкка кўтарилиш; 3. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Қуддусга бориши ва Қуддуслан кўкка чиқиши.

**МЕҲР** — Қуёш, офтоб.

**МЕҲРОБ** — 1. Тоқча, таҳмон тепаси, ярим доира қилиб ишланган жойи; 2. Масжидда имом сажда қиладиган қайрилма, масжид пешкаси.

**МИЖАРА** — Сиёҳдон.

**МИЗБОН** — Меҳмон кутувчи, уй эгаси.

**МИЗОЖ** — Кишининг табиати.

**МИЙНО** — 1. Шиша; 2. Кўкимтир, ҳаво ранг; 3. Сир. нақш.

**МИЛАЛ** — Динлар, мазҳаблар, миллатлар.

**МИЛЛАТ** — Дин, мазҳаб.

**МИМ** — Ҳарфнинг номи.

**МИНБАР** — Масжид ва жомеъларда чиқиб хутба ўқиш ва ваъз айтиш учун уч-тўрт зинали қилиб тошдан ёки тахта - ёғочдан ясалган супача, минбар.

**МИНО** — Мийно.

**МИНҲОЖ** — Ёруғ ва равшан йўл.

**МИРЪОТ** — 1. Ойна, кўзгу; 2. маж. Равшанлик, софлик, тиниқлик.

**МОАРАФНОК** — Сени керагича билмаганмиз.

**МОДИҲ** — Мадр қилувчи, мақтовчи.

**МОЖАРО** — 1. Икки ўртада воқеъ бўлган аҳвол, жанжал, воқеа; 2. Жараён этган.

**МОЗОФ** — Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўзи ва ўзини мадр этган оятнинг бошланиши.

**МОНАНД** — Ўхшаш.

**МОНИБ** — Ман этувчи, тўсиқ бўлувчи, тўсиқ, гов.

**МОТАМЗАДА** — Мотамли, қайғули, азадор.

**МОФИҲ** — Ундаги, унинг ичидаги.

**МОҲАЛАҚАЛЛОҲ** — Аллоҳ яратган нарсалар.

**МОЯ** — 1. Моҳият, бир нарсанинг асл моддаси; 2. Дасмая,

дастлабки маблағ.

МУАЙЯН – Аниқ, аниқланган.

МУАЛЛО – Юксак, баланд, аъло.

МУАРРО – 1. Бўш, холи; 2. Очиқ.

МУБИН – Очиқ, равшан.

МУБОҲОТ – Фахрланиш; қувониш; мақтаниш.

МУВОСО – Яхшилиқ; келишиш, муроса қилиш; мадад, ёрдам.

МУДДАО – 1. Даъво қилинган нарса, талаб; 2. Мурод, мақсад, тилак.

МУДОВО – Даволаш.

МУДОМ – Доимо, ҳар чоқ.

МУЖДА – Хушxabар, суюнчи, хабар.

МУЖРИМ – Гуноҳкор, айбдор.

МУЖТАБО – Сараланган, сайлаб, танлаб олинган.

МУЗД – Иш ҳақи, хизмат ҳақи; тўлов.

МУЗЛИМ – Қоронғу, қоронғулик.

МУЛК – 1. Мамлакат, Ватан; 2. Давлат; 3. Молу мулк, бойлик; 4. Дунё, олам.

МУЛОЗИМ – Подшоҳ ёки бирор амалдорнинг ёнида доим хизмат қилувчи, бирга юрувчи, хизматкор.

МУНИР – Нур берувчи, ёритувчи, порлоқ.

МУНТАБИҚ – Бир- бирига мувофиқ, уйғун, мос.

МУНТАҲО – Бирор нарсанинг охири, чеки, сўнг, ниҳоя, охир.

МУНҲАРИФ – 1. Ўзгарган, эгилган, қийшайган; 2. Носоғ, касал.

МУРИД – Талаб этувчи, истовчи, эргашувчи.

МУРОД – Тилак, истак, мақсад.

МУРСАЛ – Элчи қилиб юборилган, элчи, пайгамбар.

МУРСАЛИН – Мурсал пайгамбарлар.

МУРТАД – Айниган, қайтган, диндан қайтган.

МУРТАЗО – Танланган, сайланган.

МУРУВВАТ – 1. Мардлик; 2. Одамгарчилик, сахийлик.

МУСАЛЛО – 1. Жойнамоз; 2. Катта масжид, намозгоҳ.

МУСЛИМ – Мусулмон, ислом динидаги киши.

МУСО – Мусо алайҳис салом, яҳудийлар пайгамбари.

МУСТАФО – 1. Танланган, сайлаб олинган; 2. Муҳаммад алайҳис саломнинг сифати.

**МУСТАҚИМ** – 1. Тўғри, рост; тузук; ҳалол; 2. Бир жойда турувчи.

**МУСТАҲИК** – Муносиб, лойиқ, ҳақли.

**МУСҲАФ** – Китоб; Куръон.

**МУТАЖАЛЛИЙ** – Жилоланиб турувчи.

**МУТАЛОЛО** – Равшан, ёруғ, нурли, порлоқ.

**МУТАРРО** – Тоза, янги; безалган, таралган; тиниқ, яттироқ.

**МУТИЪ** – Итоат этувчи, бўйсунувчи.

**МУТРИБ** – 1. Чолғувчи, созанда, ашулачи; 2. маж. Зуҳра (Венера) планетаси.

**МУШАРРАФ** – 1. Шарафланган, шараф ва иззат топган; 2. Бирор яхшиликсиз эришган.

**МУШКБИЗ** – Мушк ҳиди сочувчи, ёқимли ҳид сочувчи.

**МУШКРЕЗ** – Мушк сочувчи.

**МУШКФОМ** – Мушк каби қора тусли.

**МУШОҲАДА** – Кўз билан кўриш, кўздан кечириш, кўриш.

**МУЪЖИЗ** – 1. Ожизлаштирувчи, ҳайратга солувчи; 2. Фасоҳат ва балоғатда энг юксак даражадаги сўз; мўъжиза.

**МУЪЖИЗА** – 1. Пайғамбарлар томонидан Аллоҳ хоҳишига кўра содир бўладиган, кишини ҳайратга қолдирадиган воқеа ва ҳодисалар; 2. маж. Энг юксак фасоҳатли сўз.

**МУЪЖИЗАНГИЗ** – Мўъжизали, мўъжиза кўрсатувчи, чуқур маъноли.

**МУЪЖИЗНАМОЙ** – Мўъжизангиз.

**МУЪЖИЗОТ** – Мўъжизалар.

**МУЪМИН** – Имоили, ишонувчи, ишонувчи, тил билан иҳрор ва қалбдан тасдиқловчи киши.

**МУҚАДДАМ** – Биринчи ўринга қўйилган, илгариди бўлган, илгариги; илгари.

**МУҚИМ** – Бир ерда истиқомат қилувчи, доимий турувчи.

**МУҚТАДО** – Бўйсунилган, эргашилган киши.

**МУҲАНДИС** – Ҳандаса( геометрия) ни яхши билувчи.

**МУҲИБ** – Севувчи, дўст тугувчи.

**МУҲЛИК** – Ҳалок қилувчи, ўлдирувчи, йўқ қилувчи.

**МУҲОБО** – Парво, парво этиш, диққат қаратиш.

**МУҲОКО** – Бир-бири билан сўзлашиш, гап-сўз.

**МУҲРИ НУБУВВАТ** – Пайғамбарлик муҳри.

**МУҲТОЖ** – Эҳтиёж тушган нарса.



## Н

**НАБИЙ** – Пайғамбар, Аллоҳнинг элчиси; Набийи арабий-Арабдан чиққан пайғамбар; Набийи мурсал – Юборилган пайғамбар; Набий шаръи – Пайғамбар шариати, йўл-йўриғи.

**НАВАРД** – Сўз бирикмасида келиб, ўтувчи, юрувчи, кезувчи маъноларини билдиради.

**НАВБАТ** – 1. Гал, сира; 2. Қоровуллик; 3. Ноғора.

**НАВМИД** – Ноумид, умидсиз.

**НАВО** – 1. Овоз, садо; 2. Куй, оҳанг, мунгли ун; 3. Бойлик; 4. Насаб, баҳра; 5. Ҳаво номли маҳсус бир куй.

**НАВЪ** – Тур, жинс.

**НАДИМ** – Яқин хизматкор, маҳрам; ҳамсуҳбат, ўртоқ.

**НАЗИҲ** – Пок, тоза; соф.

**НАЗОҲАТ** – Тозалик, софлик.

**НАИМ** – Насъматлар, фаровон ва роҳат.

**НАРГИС** – Гулнинг бир тури.

**НАС(С)** – 1. Ҳуқм; 2. Аниқ далил.

**НАСИМ** – Шабада, майин (ёқимли шамол); тонг шамоли.

**НАСР** – 1. Ёрдам, кўмак; 2. Зафар, ғалаба.

**НАСРИВОҚИЪ** – Қаргас шаклидаги ёруғ юлдуз.

**НАСРИН** – Оқ очиладиган бир хил гул.

**НАССОЖ** – Тўқувчи.

**НАУЗУ БИЛЛОҲ** – Аллоҳ сақласин демак.

**НАФИР** – Нафратланувчи.

**НАЪЛ** – 1. Кавуш; 2. Тақа; 3. Этик ва кавушнинг товониға қоқиладиган металдан ясалган бўлак; 4. Тақа шаклидаги тамға.

**НАЪЛАЙН** – Бир жуфт кавуш.

**НАЪТ** – Пайғамбар алайҳис саломни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақташ.

**НАЪШ** – Мурда солинган тобут.

**НАҚД** – 1. Сайланган, танланган, сараланган; холис, соф; 2. Қимматбаҳо нарсалар; 3. Тайёр; дарҳол.

**НАҚШБАНД** – 1. Нақш( гул) солувчи; 2. Хожа Баҳоуддиннинг лақаби.

**НАҚШБАНДИЯ** – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд томонидан мукаммаллаштирилган сўфийлик йўли, тариқат.

**НЕ ТОНГ** – Ажаб эмас, таажжуб эмас, қизик эмас.

**НИГАҲ** – Нигоҳ.

**НИГИН** – 1. Узук; 2. Муҳр.

- НИГОҲ – Боқиш, қараш.  
НИЙРОН – 1. Ўтлар, оловлар; 2. маж. Дўзах.  
НИЛГУН – Нил ранг, кўкимтир; Нилгун торам – 1. Кўк рангли гумбаз; 2. маж. Осмон.  
НИСЁН – Эсдан чиқариш, унутиш.  
НИСО – Хотин, аёл.  
НИСОР – Сочиш.  
НИШОН – 1. Белги, аломат; 2. Тамға; 3. Дарак; 4. Байроқ; 5. Фармон; 6. Хат, мактуб.  
НИҲОН – Яширин, беркитилган.  
НОГОҲ – Тўсатдан.  
НОЗИЛ – Тушган, инган.  
НОЛ – Қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қитгирик.  
НОМА – Хат, мактуб; рисола; Номаи аъмол – Амаллар (тирикликда қилинган, яхши, ёмон-гуноҳ, савоб ишлар) ёзуви.  
НОМАЪДУД – Ҳисобсиз, сон-саноқсиз.  
НОР – 1. Ўт, олов; 2. маж. Дўзах.  
НОСИҲ – Насиҳатгўй, ўғит берувчи.  
НОТАВОН – 1. Кучсиз, бўш; заиф, эпсиз; 2. Тоқатсиз; касал, бетоб.  
НОТИҚ – Сўзловчи, нутқ сўзловчи.  
НОШИКИБО – Бешикиб.  
НОҚУС – Катта кўнғироқ.  
НОҲИД – Ёруғ юлдуз, Зухра (Венера) планетаси.  
НУБУВВАТ – Пайгамбарлик, элчилик.  
НУЖУМ – Юлдузлар.  
НУЗҲАТГАҲ – Кўнгил очинг жойи.  
НУКТА – Нозик маъноли сўз, қизик, маъноси чуқур ва маъноли сўз.  
НУРУЛ-АЙН – 1. Кўз нури, кўзнинг гавҳари; 2. маж. Суюкли, азиз, фарзанд.  
НУТҚ – Нутқ, сўз.  
НЎТ, НАВГ – Бирор нарсанинг (қалам тиғи ва игнанинг) учи.

## О

ОБИ ҲАЁТ, ОБИ ҲАЙВОН, ОБИ ЗИНДАГОНИЙ – Адабётда, ичган кимса ўлмай абадий яшайди, деб тасаввур қилинадиган тириклик суви, ҳаёт суви. Бу чақма сувига Хизр алайҳис салом муяссар бўлган дейилиб, Хизр суғи деб ҳам юрити-

лади. Ҳақиқатда, абадий тирикликка Хизр алайҳи салом Аллоҳнинг зикри билан эришган.

**ОБНУС** – 1. Қора тусли қаттиқ ва хушбўй дарахт; 2. маж. Қора тус, қора.

**ОДАМ** – Одами хокий – Тупроқдан бунёдга келган инсон.

**ОЖ** – 1. Фил тиши; фил суюги; 2. маж. Оқ, равшан, ёруғ.

**ОЙИН** – 1. Расм, одат, қилиқ, равиш; тарз, тартиб, усул; маросим; 2. Ўхшаш, монанд.

**ОЛ** – Оила, хонадон, қариндош-уруғ; Оли або-Оли набий ва Оли расул – Пайғамбар оиласи; Муҳаммад алайҳис салом, Фотима розияллоху анҳо, Ҳазрати Али, Имом Ҳасан ва Имом Хусайн розияллоху анҳум.

**ОЛАМ** – Олам, дунё.

**ОЛАМОРО** – Оламни безовчи, дунё безаги.

**ОЛАМОРОЙ** – Оламоро.

**ОЛИМ** – Юқори илмий савия эгаси, билагон, илмни яхши биладиган.

**ОМИН** – “Дуомизни қабул қил” мазмунидаги дуо ибораси.

**ОРАЗ** – Юз, бет, чехра.

**ОРИФ** – Билувчи, танувчи, маърифатли, доно.

**ОРОМ** – 1. Тиниш, сукун топиш, қарор; 2. Роҳат, истироҳат, хузур; 3. Бир жойда туриб истиқомат этиб қолиш.

**ОРОМГОҲ** – Тинчланидиган, роҳатланидиган жой.

**ОСМОН** – Осмоний кутуб – Кўкдан инган китоблар; Осмоний тўрт дафтар – Кўкдан инган тўрт китоб (Таврот, Забур, Инжил ва Қуръон).

**ОСО** – Сўзга қўпилиб: каби, ўхшаш, сингари маъноларни ифодалайди; Сипехр осо – Сипехр каби.

**ОСРУ** – Асру.

**ОСТОН** – 1. Остона, бўсага; 2. Сарой; 3. Бирор кишининг хузури; Остонбўс – Остона ўпиш, хизматкорлик.

**ОТАШ** – Ўт, олов.

**ОТИФАТ** – Меҳрибонлик, шафқат, мурувват.

**ОФИЯТ** – Соғлиқ, соғайиш, тинчлик.

**ОФОҚ** – Уфқлар, дунё; Арсаи офоқ – Ер юзи, дунё юзаси.

**ОШНО** – Дўст.

**ОЯТ** – 1. Нишон, белги; 2. Қуръон жумласи.

## II

**ПАЁМ** – Хабар, дарак.

**ПАЁПАЙ** – Кетма-кет, устма-уст, туташ.

**ПАЙВАНД** – Сўз бирикмасида: 1) уланиш; 2) маж. Бола маъноларида келади.

**ПАЙК** – Хабарчи, элчи; Хирад пайки – Пайғамбарлар.

**ПАЙКАР** – 1. Ҳайкал, жусса, гавда; 2. Сурат.

**ПАЙҒАМБАР** – Аллюҳдан бадаларга хабар келтирувчи зот; Расул, набий, элчи.

**ПАЙҒОМ** – Хабар, дарак.

**ПАНЖ** – Беш; “Панж ганж” – Беш хазина, “Хамса”.

**ПАНЖА** – Панжаи хуршид. маж. Куёшнинг сочилган нурлари.

**ПРАНД** – 1. Ипакдан тўқилган юпқа кийимлик.

**ПРАСТ** – Сўз бирикмасида: топинувчи, дилдан берилувчи маъноларида келади.

**ПАРВОНА** – 1. Чироқ ва шам атрофида айланадиган қапа-лак; 2. маж. Севгилга берилган, мафтун бўлган.

**ПАРДАДОР** – Парда тутувчи, дарбон, эшик посбони.

**ПАРКАНД** – Парча, бўлак.

**ПАРТАВ** – Ёруелик асари, нур, шуъла, порлоқлик.

**ПАРЧАМ** – Байроқ учига боғланадиган қора ипак мато бўла-ги ёки мол думи; туғ.

**ПИР** – 1. Қари, кекса; 2. маж. Сўфийлар бошлиғи, шайх.

**ПИРАҲАН, ПИРОҲАН** – Кўйлак.

**ПОБАРЖО** – Бир жойда турувчи, қимирламай турувчи, мустаҳкам, оёк босиб турувчи, саботли.

**ПОЗАНД, ПОЖАНД** – 1. Ўт ўчиралитган, ўтни тортиб оли-надиган асбоб; 2. Ўтпарастларнинг Жанд томонидан ёзилган диний китобининг номи.

**ПОЙ** – 1. Оёқ; 2. Таг, ост, асос.

**ПОЙБАНД** – Оёғи боғланган, бандга тушган.

**ПОКБОЗ** – 1. Истараси иссиқ, ёқимли; 2. Садоқатли ошиқ, чин ошиқ.

**ПОРСО** – Сақланувчи, ёмон ишлардан сақланувчи, художўй.

**ПОС** – 1. Кечанинг бир қисми, кечанинг саккиздан бири; 2. Риоя, элтибор; 3. Қўриқлаш, сақлаш.

**ПУД** – Арқоқ; Тору пуд – 1) Ўриш, арқоқ; 2) Яқин, маҳ-кам муносабат.

**ПҮЯ** – Йўртиш, ўртача тезликда юриш.

ПЎЯГАР – Юрувчи, югурувчи.  
ПЎЯСИЗ – Ҳаракатсиз, юришсиз.

## Р

РАБИЪ – Кўктам, баҳор; Фасли рабиъ – Баҳор мавсуми.

РАВАНДА – Юрувчи, ксзувчи.

РАВЗА – 1. Боғ, гул боғ; 2. Жаннат; 3. маж. Муқаддас қабр, пайгамбар алайҳис салом қабри.

РАВИШ – 1. Қоида, йўл, йўсин; 2. Юриш.

РАВОН – 1. Юрувчи, кетувчи, ўтувчи; 2. Оқувчи; 3. Жон, рух, ҳаёт.

РАЙБ – Шак, шубҳа, гумон.

РАМИДА – Хурккан, чўчиган, кўрққан, хуркиб қочган.

РАММОЛ – Нуқта ва чизиклар чизиб фол очувчи; фолбин, фолчи.

РАНЖ – Машаққат, қийналиш, оғриқ, касаллик.

РАС – Сўз бирикмасида: қилувчи, етувчи, етишувчи каби маъноларда келади.

РАСТА – 1. Қутулган, халос қилинган; 2. Қатор; сотувчининг қатор тизилган моллари, дўконлари.

РАСУЛ – Элчи, пайгамбар.

РАСУЛУЛЛОҲ – Аллоҳнинг элчиси, пайгамбар; Муҳаммад алайҳис салом.

РАСУЛОНА – Элчиларга хос.

РАЪФАТ – Меҳрибонлик, ғамхўрлик, хайрихоҳ, харйрихоҳлик.

РАФИЪ – Юксак, баланд.

РАҲШ – Жуда юғурик от; ола чипор, чиройли от.

РАЪША – Титрак; Раъша қилмоқ- Титратмоқ.

РАШИД – 1. Тўғри йўл топган, ўз йўлини топган; ақлан етук; 2. Мард, ботир.

РАШҲА – Томчи, сизиб чиққан суюқлик.

РАҲ – Роҳ.

РАҲБАР – Йўл кўрсатувчи.

РАҲРАВ-РОҲРАВ – Йўловчи, саёҳатчи.

РЕЗ-РЕЗ, РЕЗА-РЕЗА – Майда-майда.

РИВОЯТ – Ҳикоя айтиши, нақл қилиши.

РИЁ – Риё аҳли, риёкорлар икки юзламачи кишилар.

РИЁЗ – Боғлар.

**РИЁИЙ** – Риёкор, икки юзламачи.  
**РИЖОЛ** – Эрлар, эркаклар.  
**РИЗВОН** – 1. Розилик, мамнуният; 2. маж. Жаннат.  
**РИКОБ** – Узанги.  
**РИОЯТ** – Риоя, эътиборга олиш.  
**РИСОЛАТ** – Элчилик, пайғамбарлик.  
**РИФЪАТ** – Юксаклик, баланд мартабалик.  
**РИФҚ** – Мулойимлик, юмшоқлик, ёқимлилик.  
**РИШТА** – Ин, танош.  
**РОВИЙ** – Ривоят қилувчи.  
**РОЖИЪ** – 1. Қайтувчи; 2. Тегишли.  
**РОЖИХ** – Ортиқ, устун, мақбул, мувофиқ.  
**РОЗ** – Сир, яширин, махфий.  
**РОКИЪ** – Рукуъ қилувчи, бошини эгувчи, икки букитувчи.  
**РОСИХ** – Мустақкам, тебранма, барқарор, доимий.  
**РОФИЪ** – Юқори кўтарувчи, юксалтирувчи.  
**РОҒИБ** – Рағбатланган, яқин, хоҳишли, мойил.  
**РОҲ** – 1. Шодлик; 2. маж. Май; 3. Йўл; 4. Маслак, усул.  
**РОҲИБ** – Насроний динидаги зоҳид.  
**РОҲРАВ, РАҲРАВ** – Йўловчи, саёхатчи.  
**РУД-РЎЎД** – Ариқ, анҳор, дарё, жилға..  
**РУМУЗ** – Рамузлар, имо – ишоралар.  
**РУСТАХЕЗ** – Ғавво солмоқ, тўполон қилмоқ.  
**РУСТОХЕЗ** – 1. Ғавво, тўполон; 2. Қиймат, маҳшар.  
**РУТБА** – Мартаба, даража.  
**РУХ** – 1. Юз, бет; 2. Афсонавий йирик бир қ уш.  
**РУХАС** – Рухсатлар, ижозатлар.  
**РУХСОРА, РУХСОР** – Юз, чеҳра.  
**РУШД** – 1. Тўғри йўл топиш; тўғри йўлга тушиш; 2. Ети-  
лиш, етуклик.  
**РУҚБА** – Мактуб, парча қоғоздаги ёзув.  
**РУҲОНИЙ** – Рухга мансуб, жисмоний бўлмаган.  
**РУҲПАРВАР** – Рухлантирувчи, парваришловчи; ёқимли.  
**РУҲУЛЛОҲ** – Исо алайҳис саломнинг сифати.  
**РЎЗГОР** – 1. Турмуш, тирикчилик, кун кечириш; 2. Давр,  
замон.

## С

**САБЗА** – Майса; яшилтик; яшил ранг.

**САБЗАГУН** – Яшил ранг .

**САБИХ** – Гүзал, хусли, оқ юз; лагиф, ширин.

**САБОТ** – Барқарорлик, маҳкам туришлик; турғунлик.

**САБОҲ** – Эрталаб, тонг отар пайт.

**САБОҲАТ** – Гүзаллик, хусн.

**САБУҲ** – 1. Тош пайтидаги ичкилик; 2. Эрталаб.

**САВБ** – Томон, тараф.

**САВДО** – Истак, ҳавас, орзу.

**САВЛАЖОН** – Чавгон.

**САВМАА** – Насронийлар ибодатхонаси, монастыр, насроний дарвешларнинг халқдан чекиниш жойи.

**САВОБ** – Яхши иш бадалига олинадиган мукофот.

**САВОД** – 1. Қоралик, қора тус; 2. Қоронғу, қоронғулик; 3. Хат- савод, ёзув; 4. Шаҳар, ўлка, теварак; 5. Узоқдан кўринган қора, шишон.

**САВОМИЙ** – Савмаа.

**САВР** – 1. Ҳўкиз; 2. Астрономия тушунчасича – осмондаги ўн икки буржнинг иккинчиси (доирасида тўпланган юлдузлар ҳўкиз шаклида бўлганлиги учун шу ном берилган), апрел ойига тўғри келади.

**САЪД** – Бахт, толеъ; яхшилик.

**САЪДИ АКБАР** – Юпитер (мушгарий) планетаси.

**САЪДИ КАВКАБ, КАВКАБИ САЪД** – Қутлуғ юлдуз.

**САЖДА** – Намозда бир бор эгилиш.

**САЖЖОДА** – Жойнамоз.

**САЙД** – Ов, шикор, ов қилиш; Сайд ўлмоқ- Овланмоқ, илинмоқ.

**САЙЁР** – Сайр қилувчи, кезувчи, кезиб юрувчи.

**САЛИБ** – Насроний динидагилар бўйнига осиб юрадиган шакл, бут, крест.

**САЛО** – Чақириқ, умумий чақириқ, мурожаат.

**САЛОТ** – Намоз, ибодат; Салоти хамса- Беш вақт намоз.

**САЛСАБИЛ** – 1. Тоза, тиниқ ва лазиз оқар сув; 2. Жапнатда бир булоқнинг номи.

**САМЪ** – 1. Эшитиш, тинглаш, кулоқ осиш; 2. Эшитиш кучи; эшитиш сезгиси; 3. Кулоқ.

**САМАНД** – Тезюар ва чиройли от, саман от.

**САМАНДАР** – Каламушга ўхшаш жонивор (ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшайди).

**САМИЪ** – Эшитувчи, тингловчи, хабардор.

**САМИН** – Қўлматбаҳо; Дурри самин- Қўлматбаҳо дур.

**САМО** – Осмон.

**САМОЪ** – 1.Эшитиш, тинглаш; 2.Ашула, мусиқа, рақс; 3.Дарвешларнинг қўшиқ, мусиқа ва рақс билан зикр тушиши.

**САМОВИЙ** – Осмонга тегишли; ҳаворап.

**САМОВОТ** – Самолар, осмонлар.

**САФҲАИ ҲУСН** – Ҳусн саҳифаси; бет, чеҳра.

**САҚАР** – Дўзах, тамуг, жаҳаннам.

**САҚО** – Сув берувчи; сув сепувчи; сув ташувчи, меҳкоб.

**САҲБО** – Қизил май.

**САҲВ** – 1.Хато, янглиш; 2. Унутиш.

**САҲИҲ** – Соғлом, тўғри, хатосиз, дуруст.

**САҲОБ** – Булут.

**СИДДИҚ** – Ростгўй, чин сўзчи, тўғри сўзловчи.

**СИДРА** – Еттинчи осмондаги дарахт номи.

**СИДРАНИШИН** – Еттинчи осмонда турувчи.

**СИДҚ** – 1.Чин, ростлик, тўғрилиқ; ҳақиқат; 2. Холислиқ.

**СИЁСАТ** – 1.Жазога лойиқ кишиларнинг жазосини беришда шиддат кўрсатиш, дўқ, пўписа қилиш; 2. Ҳукмронлик кўрсатиш.

**СИЁХ, СИЯҲ** – 1.Қора; 2. Хат ёзиладиган сиёҳ.

**СИЙМГУН** – Кумуш ранг , оқ.

**СИЙРАТ** – Хулқ – аъвоқ, хислат, равиш, одат, ҳолат.

**СИЛСИЛА** – Занжир; тизма; тартиб.

**СИМУРҒ** – Қоф тоғида яшовчи деб фараз қилинган катта бир қуш, анқо (Қоф ва симурғ мавҳумий нарсалар ҳисобланганликдан, бу сўзларни йўқлик ва етишиш мумкин бўлмаган нарсаларга нисбатан киноя тариқасида қўлланилади).

**САНДАЛ** – Ёғоч қора- сариқ рангли, хуш исли дарахт.

**САОДАТ** – Бахтиёрлик, бахтлилик; толса, иқбол, яхши аҳвол.

**САОДАТМАНД** – Бахтли, хуштолса, масъуд, яхши ҳолатли.

**САРАФРОЗ** – 1.Юксак, юксалган, ҳаммадан устун; улғувор; 2.Хурсанд, қувноқ.

**САРБАСАР** – Бутунлай, бошдан-оёқ.



**САРВ** – 1.Тўғри, тик ўсадиган қишин – ёзин кўм-кўк тура-  
диган, хушқомат бир дарахт; 2.маж. Гўзал севгилининг қадди-  
қомати.

**САРВАР** – Йўлбошчи, етакчи, бошлиқ.

**САРГАШТА** – Боши айланган, саргардон, ҳайрон.

**САРИМЎ** – Қилча, бир қилча.

**САРИЪ** – Тез, суръатли.

**САРИҲ** – Очiq, аниқ, равшан, ойдin.

**САРОСАР** – Бошдан-бошга, бошдан-оёқ.

**САРРОЖ** – Эгарчи, эгар-жабдуқ (от анжомлари) ясовчи  
уста.

**САРХАЙЛ** – Бошлиқ, етакчи, йўлбошчи.

**САРЧАШМА** – Булоқ боши, чашма бўйи.

**САФАР** – Йўлга чиқиш; жўнаш.

**САФИҲ** – Ақлсиз, тентак; нодон.

**СОНИЪ** – Яратувчи, пайдо қилувчи.

**СОРИ, САРИ** – Томон, тараф.

**СОФИЙ** – 1.Софлик, тозалик, тиниқлик, равшанлик;  
2.Соф, тоза.

**СОҲАТ** – Майдон, кенг жой.

**СОҲИБЖАМОЛ** – Гўзал, хусни.

**СОҲИБКАМОЛ** – Етук киши, олим.

**СУБҲ** – Тонг пайғи.

**СУБҲИ СОДИҚ** – Чинакам тонг, тонг отиш пайғи.

**СУД** – Фойда, баҳра, наф.

**СУДОЪ** – Бош оғриғи.

**СУКУН** – 1.Тинчиш, осойиш, ҳаракатсизлик, бирор жой-  
да туриш, тўхташ; 2.Ёпиқ бўғин охиридаги ундош ҳарф устига  
қўйилиб, бўғинларни айириб кўрсатувчи белги.

**СУЛУК** – 1.Йўл тутиш, яхши йўлга юриш; равиш; 2.Сўфий-  
ларда Аллоҳга яқинлашиш йўли, дарवेशлик ҳаёти.

**СУМАН** – Саман.

**СУМАНСО** – Суман (ёсмин) га ўхшаган, гўзал.

**СУМАНСОЙ** – Хушбўй ҳид тарқатувчи.

**СУНЪ** – 1.Ясаш, яратиш; қудрат; 2.Иш; ҳунар.

**СУННАТ** – 1.Тутилган йўл, равиш, одат; қоида; 2.Муҳам-  
мад алайҳис салом ва саҳобалар тутган йўл ва пайгамбарнинг  
буйруқлари.

**СУРА** – Қуръоннинг айрим боб, бўлими.

- СУРАЙЁ** – Ҳулқар ( бир тўп юлдуз).  
**СУРАТ** – 1.Шакл, расм; 2. Ҳол, кайфият, ташқи кўриниш.  
**СУРЪАТ** – Тезлик, чаққонлик.  
**СУРМА** – Сурмаги чарх – Сурма ранг осмон.  
**СИПАҲ** – Сипоҳ.  
**СИПЕҲР** – Осмон, осмон гумбази; фалак.  
**СИПОҲ** – 1.Аскар, қўшин; 2.Амалдор.  
**СИРОЖ** – 1.Чироқ; 2.Ёруғлик, пур.  
**СИРОТ** – 1.Кўприк; 2.Йўл; 3.Дўзахнинг устидан жаннатга ўтиладиган ингичка кўприк; Сироти мустақим – Тўғри йўл, ҳақиқат йўли.  
**СИТЕЗ** – 1.Кек, хусумат, душманлик; 2. Зулм; 3. Уруш; жанжал.  
**СИТТА** – Олти; Ситтаи зарурий – Зарурий олти томон; юқори, қуйи, ўнг, сўл, олд, орқа.  
**СИФОТ** – Сифатлар, хусусиятлар.  
**СИЯР** – Хислатлар, хулқ – атворлар; кишилар аҳволини баён қилиш, таржимаи ҳол.  
**СО** – осо нинг қисқаргани; Сўз бирикмасида: ўхшаш, монанд каби маъноларда келади; Анбарсо – Анбарга ўхшаш.  
**СОБИТ** – 1. Бир жойда қимирламай турувчи, барқарор, тебранмас; 2.Исботланган, ҳужжатланган; 3.Бир жойда қимирламай турувчи юлдуз.  
**СОБИТОТ** – Турғун (сайр қилмайдиган) юлдузлар.  
**СОДИҚ** – Рост, тўғри; садоқатли, вафодор.  
**СОИЛ, СОЙИЛ** – 1.Савол қилувчи, сўровчи, истовчи; 2. Тиланчи.  
**СОИР, СОЙИР** – Сайр этувчи, кезувчи.  
**СОЛ** – Йил.  
**СОЛИК** – Бирор сўфийлик маслагига мансуб, сулук( сўфийлик йўлини тутувчи).  
**СОМИЪ** – Эшитувчи, тингловчи.  
**СЎ, СЎЙ** – Томон, тараф.  
**СЎТ** – Мотам, аза, ўлим қайғуси, мусибат.  
**СЎФИЙ** – Тасавуф йўлини тутган киши.  
**СЎҚМОҚ** – Тор, кирди – чикди йўл, сўқмоқ йўл.  
**Т**  
**ТААҚҚУЛ** – Ақлга келгириш, ақл юргизиш.  
**ТАБЪ** – Табиат, характер.

**ТАВЪАМОН** – Эгизак.

**ТАВАҲҲУМ** – Ваҳимага тушиш, кўрқиш.

**ТАВРОТ** – Яхудийларнинг диний китоби, Мусо алайҳис саломга нозил бўлган.

**ТАВСАН** – Шўх от, ўйноқи от, тўпичоқ.

**ТАВФ** – Айланиш, юзни суртиш, зиёрат.

**ТАЗАЛЗУЛ** – 1.Қимирлаш, титраш; 2.Ер қимирлаш; 3.Аҳвол ўзгариш; ҳовлиқиш.

**ТАЙЛАСОН** – Бошга, бўйинга солиб, орқага ташлаб юриладиган чодирдек нарса, ридо.

**ТАКАЛЛУМ** – Сўзлаш, гапириш, сўзлашиш.

**ТАЛОЛО** – 1.Ашула, оҳанг, куй; 2. Ҳайқириқ.

**ТАМАННО** – Тилак, истак, орзу.

**ТАМКИН** – Оғирлик, чидам, оғир табиатлик; савлат; ҳайбат.

**ТАМЛИК** – Мулклилиқ; мулк қилиб бериш.

**ТАМУҒ,ТОМУҒ** – Дўзах.

**ТАНАЗЗУЛ** – 1.Тубанлианиш, пастга тушиш; 2.Ўзини паст тутиш, кибрсизлик.

**ТАНЗИҲ** – Ёмонлик ва ярамасликлардан пок қилиш ва тозалаш.

**ТАРДОМАНЛИҚ (ТАРДОМАНЛИК)** – маж. Ифлослик, бузуқлик, ахлоқсизлик.

**ТАРЖИҲ** – Бир нарсани иккинчи бир нарсадан ортиқ кўриш; Таржиҳ айламак - Устун кўрмоқ.

**ТАРИЙҚ** – 1.Йўл, из; 2.Усул, йўсин, қоида, расм; 3.Маслак; 4. Восита, сабаб.

**ТАРИҚАТ** – Сўфийлик йўли.

**ТАРОЗИЙ** – Бир – биридан рози бўлиш, шод бўлиш.

**ТАРОНА** – 1.Ашула, оҳанг, мақом; 2. Аруз илмида рубоий вазнининг номи.

**ТАРСИЪ** – 1.Бирор нарсага зийнат учун қимматбаҳо тошлар ўрнатиш, безаш; 2.Шеърда биринчи мисра сўзлари билан иккинчи мисра сўзларини бир – бирига оҳангдош, вазидош ва қофиядош қилиб келтириш.

**ТАРСО** – Насроний динидаги киши.

**ТАСАВВУР** – Бир нарсанинг ёки ҳодисанинг суратини ўйлаб, уни зеҳнда гавдалантириш, хаёлга келтириш, фикрлаш.

**ТАСАВВУФ** – Сўфийлик йўли.

**ТАСРИҲ** – Очиқ ва аниқ ифодалаш.

**ТАФСИЛ** – Бирор нарсани атрофлича очиқ ва аниқ баён қилиш, кенгайтириб сўзлаш.

**ТАФСИР** – 1.Шарҳ, изоҳ, бирор матннинг маъносини ечиш; 2.Куръон оятларини изоҳлаш ва шу тўғрида ёзилган китоб.

**ТАХТ** – Подшоҳнинг маросимларда ўтирадиган махсус ўриндиги.

**ТАШБИҲ** – Ўхшатиш.

**ТАЪН** – 1.Отиш, ирғитиш (тош ва ўқни); 2.Таъна қилиш, кишининг нуқсон ва камчилигини юзига солиш.

**ТАҚАДДУМ** – Илгарилаш, илгарида бўлиш, муқаддам бўлиш.

**ТАҚВО** – Диндорлик, парҳезкорлик.

**ТАҚРИБ** – Яқинлаштириш, яқинлик; тахмин.

**ТАҒОФУЛ** – Билиб-билмасликка солиш.

**ТАҲ** – Таг, ост, кават.

**ТАҲ-БАТАҲ** – Қатма-қат.

**ТАҲТАС-САРО** – Ер ости.

**ТАҲҚИҚ** – Бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш.

**ТЕГРА** – Айлана, атроф.

**ТЕГРУ** – ...гача, ...га, қадар.

**ТЕЛБА** – Девона.

**ТЕЛБАРАМАК** – Телбаланмоқ, девоналанмоқ.

**ТЕНГИЗ** – Денгиз.

**ТИЙРА** – Қоронғу; қора; ғам-ғуссали.

**ТИР, ТИЙР** – 1.Ўқ, камон ўқи, ёй ўқи; 2. Аторуд( Меркурий) планетаси; 3.Узун тик ёғоч.

**ТИФЛ** – Гўдак, ёш бола; чақалоқ бола.

**ТИФ** – 1.Қилич, ханжар, пичоқ каби кесадиган асбоб; 2.Чўққи; 3. Бирор нарсанинг дами.

**ТОАБАД** – Абдий, мангу.

**ТОБ** – Тоқат, куч, қувват, қудрат, чидам.

**ТОБИЪ** – Кимсага эргашувчи, бўйсунувчи.

**ТОВУС** – Товус пайкар – Товус шаклли гўзал кўринишли.

**ТОЛИБ** – Талаб қилувчи, излапувчи, майл этувчи, хоҳловчи, ахтарувчи.

**ТОНГЛА** – Эртанги кун.

**ТОРАМ** – 1.Усти гумбазли баланд уй, гумбаз; кубба; 2. маж Кўк, осмон.

**ТОШ** – 1.Тош, санг; 2.Саккиз чақирим узоқтиқдаги масофа; 3.Ташқари, ташқи.

**ТОҚ** – Эшик ва биноларнинг устидаги баланд қилиб ярим доира шаклида ишланган жой; гумбаз; меҳроб ва тоқчаларнинг тепасидаги қайрилма қисми.

**ТУЗ** – Тўғри, рост, келишпан.

**ТУЛ** – 1.Узун, буй, узунлик; 2.Узун муддат.

**ТУЛУЪ** – Чиқиш, кўриниш, балқиш( кўёш, ой).

**ТУМАН** – 1.Ўн минг; 2.Туман.

**ТУРК** – 1.Турк; 2. маж. Шўх гўзал, ўйноқи севгили; Турки фалак- маж.Миррих (Марс) планетаси.

**ТУРФА** – Янги; янгилик; қизиқ, кишини ажаблантирадиган, ажойиб, кам учрайдиган.

**ТУФАЙЛ** – Сабаб, баҳона, восита.

**ТУҒЁН** – Тониш; ҳаддан ошиш, қулоқ солмаслик, қўзғалиш.

**ТУҲФА** – Совға, тортиқ; Туҳфа чекмак-Совға қилмоқ.

**ТУБИЙ, ТУБО** – Жаннат дарахти; гўзал дарахт.

**ТҮТИЁ** – Мис зангидан пайдо бўлган кристалл (Кўз оғриғига қарши ва кўзни равшан қилиш учун ишлатилган).

## У

**УЗОР** – Юз , бет.

**УЗР** – 1.Кечирим; 2.Баҳона, сабаб; 3.Камчилик.

**УЛУВ** – Олий, юқори, баланд; юқорилик, баландлик; буюклик.

**УЛУЛ-АЗМ** – Сабот, матонат ва ҳайрат эгалари.

**УЛУМ** – Илмлар.

**УЛУС** – Эл, халқ.

**УЛЧА** – Қадар, шунча, борича.

**УММАТ** – Бир пайғамбарга тобеъ кишилар.

**УММИЙ** – Ўқиш-ёзишни билмаган, саводсиз.

**УРУЖ** – Юксалиш, юқори кўтарилиш, кўкка кўтарилиш; Уруж тунн – Меърож кечаси.

**УСТХОН** – Сўнтак, суяк.

**УШШОҚ** – Ошиқлар, севувчилар.

## Ф

**ФАВҚ** – Уст, юқори; Фавқас – сурайё – Ҳулқардан юқори, энг юксак.

**ФАЙЗ** – 1. Барака, мўллик; 2. Лутф – карам, инъом – эҳсон;  
3. Қувонч, дил равшанлиги; баҳра .

**ФАЛАК** – Осмон, кўк.

**ФАН** – Билим, илм; Фан.

**ФАНО** – 1. Йўқ бўлиш, тугалиш; бақосизлик; 2. Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиятга сингиш (тасаввуфда).

**ФАРОМУШ** – Унутилиш.

**ФАРОФ**, **ФАРОФАТ** – 1. Тинчлик, хотиржамлик; 2. Роҳат, истироҳат; 3. Бўлаш; озодлик.

**ФАРСО**, **ФАРСОЙ** – Сўз бирикмасида: бузувчи, битирувчи, футурдан кетказувчи, тирновчи, ҳолсизлантирувчи, чарчатувчи, кўзгатувчи маъноларида келади ; Фалак фарсо.

**ФАРХУНДА** – Қутлуғ, саодатли , бахтли, қувончли; Фархунда зот- Бахтли киши.

**ФАРШ** – 1. Тўшаш, ётқизиш; 2. Тўшама, тўшалган, ётқизилган парса.

**ФАСС** – 1. Узук қошига ўтқазилган қимматбаҳо тош; Узук.

**ФАСИҲ** – 1. Очиқ, равшан, равон; ёқимли ; 2. Фасоҳат билан сўзловчи.

**ФАСОҲАТ** – Сўзнинг очиқ, равшан, равон, ёқимли, қоидага мувофиқ бўлиши, услубнинг чиройлилиги.

**ФАТВО** – Диний қонун юзасидан бирор масала ёки даъвонинг тўғри ёки нотўғрилиги, ҳалол-ҳаромлиги берилган ёзма ё оғзаки фикр.

**ФАХР** – Қувонч, гурур.

**ФАҚИҲ** – Фикҳ илмининг олими, диний ҳуқуқ билимдони.

**ФЕЪЛ** – Иш , ҳаракат, қилиқ, одат.

**ФИДО** – Қурбон, бағишлаш; Фидока- Сенга қурбон бўлсин.

**ФИРДАВС** – Боғ, жаннат боғи; олий жаннат.

**ФИРОҚ** – Айрилиқ, айрилиш.

**ФИРЪАВН** – Қадимги замон Миср подшоҳларининг унвони; 2. маж. Ўта мутакаббир, золим.

**ФИРЪАВНЛИК** – Ҳокими мутлақлик, зўравонлик.

**ФИРҚА** – Мазҳаб; жамоат, тўда.

**ФИҚҲ** – Диннинг йўл-йўриқлари тўғрисидаги ҳуқуқ илми.

**ФОНИЙ** – 1. Йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи.

**ФОНУС** – маж. Осмон

**ФОШ** – Очиқ, ошкор.

**ФУЗУЛ** – 1.Ортиқ ва кераксиз (иш, сўз); 2. Ҳар нарсага аралашувчи, ўз ҳаддидан ошувчи; 3. Телба; ўзбошимча, саркаш, кибрли.

**ФУРУҒ** – Ялтираш, ёруғлик, равшанлик, шуъла, нур.

**ФУРҚАТ** – Айрилиқ, ажралиш, жудолик.

**ФУРҚОН** – Қуръон.

**ФУСАҲО** – Фасиҳлар.

**ФУСУН** – Афсул.

**ФУТУВВАТ** – 1.Йигитлик, мардлик, олийжаноблик; 2. Карам, саховат, жўмардлик.

**ФУТУҲ** – Очилиш, кушойиш.

## Х

**ХАВОС** – 1.Хосиятлар, хоссалар; 2. Подшоҳ яқинлари, улуг зотлар, хос кишилар.

**ХАЗРО, ХУЗРО** – Яшил, кўкимтир, сабз.

**ХАЙЛ** – 1.Гуруҳ, тўда, тўп; 2. От-улов тўдаси; Хайли нужум - Юлдузлар тўдаси.

**ХАЙРУЛ-БАШАР** – Инсоннинг яхшиси.

**ХАЛАЛ** – Нуқсон, камчилик, зарар.

**ХАЛЛОҚ** – Яратувчи, Аллоҳ.

**ХАЛО** – Холи жой, бўш жой, ҳеч ким йўқ жой, бўшлиқ.

**ХАЛҚ** – 1.Яратиш; 2. Борлик, 3.Одамлар, халқ.

**ХАМ** – Эгилган, букилган.

**ХАМИДА** – Эгилган, букик, букчайган.

**ХАМС, ХАМСА** – 1. Беш, бешлик; 2.Беш дostonни ўз ичига олган тўплам.

**ХАРЖ** – 1.Чиқим, сарф.

**ХАРОБОТ** – 1.Вайрона жой; 2.маж. Майхона, майкада.

**ХАТ** – Мактуб, ёзув, хат.

**ХАТМ** – 1.Тугатиш, тамомлаш,охирга етказиш; 2. Муҳр бо-  
сиш; 3.Хос, махсус; 4.Қуръонни бошидан охиригача ўқиб та-  
момлаш.

**ХЕШ** – Қариндош, таниш, яқин киши.

**ХИЖИЛ** – 1.Хижолатли, уятли; шармгин; 2.Шарманда.

**ХИЗР** – “Оби ҳайвон” (тириклик суви) ни излаб топган ва  
ундан ичиб, доимий тирик юрган бир пайғамбарнинг номи.  
Кишиларга йўлдошлик қилиши билан машҳур.

**ХИЛВАТ** – Холи, кимсасиз жой;

- ХИЛОФАТ** – Халифалик, ўринбосарлик.  
**ХИЛҚАТ** – Яратилиш.  
**ХИРАД** – Ақл, фикр; зеҳн; ҳуш.  
**ХИРОЖ** – Халқдан ундирилдиган солиқ.  
**ХИРОМ** – Чиройли юриш.  
**ХОЖА** – Бошлиқ; соҳиб, эга; оила бошлиғи.  
**ХОК** – 1.Тупроқ; 2. Ер юзи.  
**ХОКИЙ** – Тупроқдан бўлган тупроққа мансуб.  
**ХОКСОР** – Тубан, паст, хор, кучсиз, камтар.  
**ХОЛИҚ** – Халқ қилувчи, яратувчи (Аллоҳнинг сифати) .  
**ХОН** – 1.Дастурхон, ясатилган дастурхон; 2. Емак, таом.  
**ХОНАҚАҲ-ХОНАҚОҲ** – Шайхлар, дарвешлар, зуқру са-  
 моъ қиладиган катта жой, масжид.  
**ХОР** – Тикан.  
**ХОРИЖ** – Ташқари.  
**ХОРО, ХОРА** – Қаттиқ тош, гранит.  
**ХОРО** – Товланиб турадиган, қимматбаҳо ипакли тўқима.  
**ХОС** – 1.Махсус, алоҳида; 2.Мумтоз, энг яқин; 3. Юқори  
 табақа.  
**ХОСТ** – 1.Хоҳиш, истак, тилак; 2. Сўров; талаб.  
**ХОТАМ** – 1.Муҳр, имзо ўрнига мактуб охирига босиладиган  
 ва мактуб эгасининг номи ўйилган тамга ( бу тамга кўпин-  
 ча узукнинг кўзига ўрнатилган ва қўлга тақиб юрилган); 2. Узук-  
 нинг кўзи; 3.Сўнги, охири.  
**ХОТАМИ НУБУВВАТ** – Пайғамбарлик муҳри.  
**ХОТАМ УЛ-АНБИЁ** – Пайғамбарларнинг охиригиси, яъни  
 Муҳаммад алайҳис саломга берилган унвон.  
**ХОШОК** – Хашак, чўп, хас.  
**ХУЖАСТА** – 1. Қутлуғ, муборак; 2. Бахтли, бахтиёр.  
**ХУЛД** – 1.Абадийлик, доимийлик; 2.Жаннат.  
**ХУЛҚ** – Кишининг табиати, характери, феъл-атвори.  
**ХУРДАДОН** – Майда ва нозик нарсаларни билувчи, нозик  
 фаҳм.  
**ХУРРАМ** – 1.Шод, хурсанд, қувончли; 2.Гуллаган, яшнаган.  
**ХУРШИД** – Қуёш, офтоб.  
**ХУРШИДСОЙ** – Юксак, баланд.  
**ХУТУТ** – Хатлар.  
**ХУФФОШ** – Кўршапалак.  
**ХУШҲОЛ** – Шод, мамнун, рози.



## Ч

**ЧАВГОН** – “Гүй” - чавгон ўйинида от устида туриб гүй (тўп) ни тутиб, тўхтатиб олинадиган, учи эгри узун таёқ.

**ЧАЛИПО** – Плюс аломатиға ўхшаган бир белги; бут.

**ЧАНОҚ** – 1.От – мол сув ичсин учун сув кўйиб кўйиладиган идиш; 2. Тегирмон чаноғи; 3. Ғўза чаноғи.

**ЧАРКАС** – 1.Черкас халқи; 2. Камон ўқининг учи, тигнинг дами.

**ЧАРО** – Ўтлаш; ўтлоқ.

**ЧАРОҒ** – 1.Чироқ; 2. маж. Бахт, толей; 3. маж. Бола, фарзанд.

**ЧАРХ** – 1.Ғилдирак; 2. Айланиш; 3. маж. Осмон; кўк, фалак; 4. маж.Тақдир, толей.

**ЧАРХИ АТЛАС** – Осмон, кўк.

**ЧАРХОСО** – Чархга ўхшаган.

**ЧАТР** – Чодир; маж. Бахт, толей.

**ЧЕҲР, ЧЕҲРА** – Бет, юз, башара, афт.

**ЧОБУК** – 1.Чаққон, тез, илдам; чавандоз; 2.Ўйноқи, шўх.

**ЧОК** – 1.Йиртиқ, ёриқ; тилинган; 2.Яра.

**ЧОРА** –Тадбир.

**ЧОҚИН** – Чақмоқ, яшин.

**ЧОҲ, ЧАҲ** – 1.Чуқур; кудуқ; 2. Зиндон.

**ЧУ, ЧУН** – Каби, ўхшаш, масалан; чунки, модомики, вақти, қачонки; чунончи.

## Ш

**ШАБ** – Кеча, тун.

**ШАБГАРД** – 1.Тунда айланувчи, тунги қоровул; 2. маж. Ой, қамар.

**ШАБГУН** – Қоп-қора.

**ШАБИСТОН** – 1.Кечки ётоқхона; ички ҳарам доираси; 2. Қоп-қоронғи кеча; қоронғулк.

**ШАБИҲ** – Ўхшаш, монанд, назир.

**ШАБПАРАК** – Қўршапалак.

**ШАБТОБ** – Кирми шабтоб – Ялтироқ қурт ( кечаси ялтираб турадиган қурт).

**ШАБЧИРОҒ** – Кечаси чироқ каби равшанлик берувчи.

**ШАВҚ** – 1.Ўткир орзу; зўр ҳавас; қаттиқ интилиш, истак; 2.Ўртаниш.

**ШАЙТОН** – Шайтонлар.

**ШАЖАР** – Дарахт.

**ШАМ** – 1. Ҳид; 2. Ҳидлаш.

**ШАМЪ** – Шамъи ховарий - Куёш; Шамъи шабистон- Уйни ёритувчи шам.

**ШАМИМ** – Хуш ис, яхши ҳид.

**ШАМОЙИЛ** – 1.Туғма феъл – атвор; хулқ, ахлоқ; 2. Шакл, сурат, кўришиш, тузилиш.

**ШАМС** – Куёш, офтоб.

**ШАРАФ** – Улуғлик, юксаклик, мартаба, қадр – қиймат, фахр.

**ШАРБАТ** – 1.Қуруқ мева ёки шакардан қайнатилган ичимлик; 2. Касалга бериладиган суюқ дори.

**ШАРИК** – Шерик.

**ШАРЪАН** – Шариат юзасидан, ислом қонуни бўйича.

**ШАРЪИЙ** – Шариатга (диний қоидага) тегишли.

**ШАРҲ** – Изоҳ, кенгроқ тушунтириш.

**ШАФИЪ** – Воситачи, ҳимоячи.

**ШАФИЪ УЛ-МУЗНИБИН** – Муҳаммад алайҳис саломга берилган сифат (гуноҳкорларнинг ҳимоячиси).

**ШАФИҚ** – Шафқатли, марҳаматли.

**ШАФОАТ** – Ўртада туриб восита бўлиш.

**ШАҚ** – 1.Ёриш; ёрилиш; синдириш; 2. Иккига ажралган бўлакнинг бири.

**ШАҲ** – Шоҳ, подшоҳ.

**ШАҲД** – Асад; бол.

**ШАҲСУВОР** – От минган маҳоратли, отга ярашган.

**ШЕВА** – 1.Одат, равиш, тарз, услуб, йўсин; 2.Ноз, ишва, адо.

**ШЕР** – 1. Арслон; 2. Астрономияда – осмоннинг ўн икки буржидан бешинчиси(Асад ҳам дейилади) ; Шери гардун – Осмон шери (Асад буржи).

**ШИРИНКАЛОМ** – Ширинсўз, ёқимли гаплар гапирувчи.

**ШИТОБ** – Ошиқиш, шошилиш, суръат.

**ШИШ** – Сих, сихча.

**ШИҲОБ** – 1.Ўт, олов, ёлқин; 2.Ҳавода ялт этиб ўтадиган нуғъа; 3. Учар юлдуз.

**ШОДУРВОН** – Соябон; чодир.

**ШОМ** – 1.Кечкурун; 2.маж. Қоронғулик.

ШОҲИД – Гувоҳ.

ШОҲИД – Гўзал, дилбар, маҳбуба.

ШУТУРМУРҒ – Туяқуш.

ШУҚҚА – 1. Байроқнинг бошига боғланадиган парча мато;

2. Қоғоз парчаси.

ШУҲУД – Гувоҳлар.

ШУҲУД – 1. Кўз билан кўриш, мушоҳада; 2. Кўз билан кўра олиш даражада мавжуд ва мужассамлик.

ШҲҲРА – ШҲҲр ер; захоб ер.

## Э

ЭВРУЛМАК – Уйрулмак.

ЭЗИД – Алтоҳ.

ЭРН, ИРИН – Лаб.

ЭРУР – 1. Дир (Тасдиқ маъносини ифодаловчи кўмакчи феъл); 2. Бўлур.

ЭТАК – 1. Кийим этаги; 2. Охир, кет; 3. Тонинг этаги.

ЭҲҲ, ИҲҲ – Иҳә.

## Ю

ЮЗ – 1. Келмоқ; 2. Кирмоқ; 3. Бормоқ; 4. Юзланмоқ; пайдо бўлмоқ; келиб кирмоқ; киришмоқ; бошламоқ.

## Я

ЯД – 1. Қўл; Яди байзо- Ошпоқ қўл; 2. маж. Зўр куч, қудрат.

ЯСРИБ – Мадина шаҳрининг қадимий номи.

ЯТИМ- 1. Отаси ёки онаси ўлган киши, етим; Дурри ятим- Дур.

ЯҒМО – Талон-тарож, бузғунлик.

## Ў

ЎТ – Олов, нор; иссиқлик.

## Қ

ҚАБО – Эркакларнинг узун уст кийими ( жубба остидан кийилади).

ҚАВЛ – Сўз, гап.

ҚАВМ – Кишилар тўдаси, гуруҳи.

ҚАВС – 1. Ёй, камон , камалак; 2. Осмоннинг ўн икки буржидан тўққизинчиси- ноябрга тўғри келади.

**ҚАВСАЙН** – Қавслар, ёйлар.

**ҚАДАМ** – Қадам қўймоқ, йўл босмоқ.

**ҚАДАР** – 1. Миқдор, даража, эътибор; 2. Куч -қудрат; 3. Тақдир, ёзмиш.

**ҚАЗО** – 1. Бирор нарсанинг юзага келиши; 2. Тасодиф; 3. Ўз вақтида ўталмай қолган бирор амални сўнгра адо этиш; 4. Қозилик.

**ҚАМАР** – Ой.

**ҚАЛБ** – 1. Юрак, дил; 2. Бирор жойнинг, нарсанинг ўртаси, маркази.

**ҚАРОФ** – Кўз қорачиги.

**ҚАТЛ** – Ўлдириш.

**ҚАТЛА** – Марта, карра, дафъа.

**ҚАТРАРЕЗ** – Қатра тўқувчи, томчилловчи.

**ҚИБЛАГОҲ** – 1. Йўналиш жой; мурожаатгоҳ; 2. маж. ҳомий; ота.

**ҚИБЛАНАМО** – Компас (қибла томони топишда ишлатилгани учун шундай аталади).

**ҚИЁМАТ** – 1. Инсонларнинг қайта тирилиш кунини, қиёмат; 2. маж. Қўзғолон, ғавғо, тўполон, даҳшат.

**ҚИЙЛ** – Қийлу қол – Гап- сўз.

**ҚИЙР, ҚИР** – маж. Тим қора, ўта қоронғулик, даҳшатли қоронғуликдан киноя.

**ҚИЙРГУН** – Қора тусли, қоп – қоронғу.

**ҚИССА** – Ҳикоя, қисса, саргузашт.

**ҚОЗҒОНМОҚ** – Қозонмоқ, қўлга киритмоқ, ҳосил қилмоқ.

**ҚОФ** – Бутун ер юзини ўраб олган деб фараз қилинган тоғ номи (Анқо қушини ҳам шу тоғда дейилади).

**ҚУБУР** – Қабрлар.

**ҚУДС** – Поклик, тозалик, муқаддас.

**ҚУДСИЙ** – Покликка мансуб.

**ҚУРБ** – Яқинлик, яқин бўлиш.

**ҚУРРАТ УЛ-АЙН** – 1. Кўз равшанлиги, кўз қорачиги; 2. маж. Фарзанд.

**ҚУРС** – 1. Тўтарак нарса, кулча ва нон шаклидаги нарса; 2. Кулча нон.

**ҚУТБ** – 1. Ҳар бир нарсанинг ўртасидан ўтган ўқнинг икки учи; 2. Ўрта, марказ; 3. Кўчма. Ҳар бир жамоа ва гуруҳнинг молдий ва ё маънавий бошлиғи; пешвоси; ягона ҳисобланган авлиё,

валиполлох; Кутби собит- Кутб юлдузи.

## Ғ

ҒАБРО – Ер, ер юзаси.

ҒАБҒАБ – Ияк, бақбақа, соқоқ.

ҒАЙБАТ – Ғойиблик, ғойиб бўлиш, кўзга кўринмаслик.

ҒАЙР – Ўзга, бошқа, бегона, ёд.

ҒАЛАТ – Саҳв, хато, яшгилиш; чалғитиш.

ҒАМНОК – Ғамли, ғам чеккан.

ҒАНИ – 1. Бой, бадавлат; 2. Эҳтиёжсиз; ҳеч нарсадан камчилиги йўқ.

ҒИРЕВ – Шовқин-сурон, қийқирик.

ҒОФИЛ – Ғафлатда қолган, билмай қолган, беҳабар.

ҒОШИЯ – Эгар устидан ёпиладиган ёпиқ.

ҒУБОР – Ғард, чанг, тўзон.

ҒУЛҒУЛ – Шовқин, сувнинг шарқираши.

ҒУССА – Ғам, қайғу.

## Ҳ

ҲАБАШИЙ – Ҳабашистонлик, ҳабаш; қора тусли киши.

ҲАБИБ – Севиқли, дўст; Ҳабибуллох- Муҳаммад алайҳис саломга берилган сифат.

ҲАБО – 1. Чанг, тўзон; 2. Бехуда, бекорга кетказиш, йўқ қилиш.

ҲАВО – 1. Орзу, майл, истак, ҳавас; 2. Ишқ, муҳаббат; 3. Учиш, парвоз.

ҲАВОЙИ – Беқарор, ўйинқароқ.

ҲАД – 1. Даража, мартаба; 2. Чек, чегара; 3. Ҳақ, ҳуқуқ, ихтиёр; 4. Томон.

ҲАДИС – 1. Сўз; 2. Пайғамбар алайҳис салом сўзлари, айтганлари.

ҲАЖАРУЛ-АСВАД – Қора тош (Каббада ҳожилар тавоф қиладиган, табаррук саналган қора тош).

ҲАЖР – Айрилик, жудолик, етиша олмаслик.

ҲАЗАР – Эҳтиёткорлик, сақланиш, ўзини тортиш.

ҲАЗИН – Қайғули, мунгли, ғамгин, ҳасратли.

ҲАЙ – Тирик, жонли.

ҲАЙВОН – 1. Тирик нарса; ҳар бир жонли нарса; 2. Тириклик, ҳаёт.

- ҲАЙЖО** – Уруш, кураш, жанг.  
**ҲАМД** – 1.Мақтов, мадҳ; 2. Шукур, ташаккур.  
**ҲАМДАМ** – Улфат, бирга юрувчи; ўртоқ, дўст.  
**ҲАМОН** – Тенг, баравар, худди ўзи, бирдан,ҳам.  
**ҲАМРОҲ** – Ҳамроҳ, йўлдош.  
**ҲАМУЛ** – Худди ўша, ҳамда.  
**ҲАРАМ** – 1.Хос жой; ичкари ҳовли; 2. Катба.  
**ҲАРБ** – Уруш, жанг.  
**ҲАРИМ** – Ҳарам.  
**ҲАРОМ** – Фойдаланиши, истеъмол этилиши шаръан ман этилган нарса.  
**ҲАСРАТ** – 1.Афсус, надомат, ғам – ғусса; 2.Зориклиқ, соғиниш; 3.Рашк; 4.Иштиёқ.  
**ҲАШАР** – Тўда, гуруҳ.  
**ҲАШР** – Тўлганиш, йиғилиш, катта йиғин; Қиёмат куни ўлганларнинг тирилиш чоғи.  
**ҲАҚ** – Тўғри, рост(сўз ҳақида); 2.Адл, адолат; 3.Лаёқат; 4. маж. Аллоҳ; Ҳақ таолло-Аллоҳ таолло; 5. Баҳо.  
**ҲИЖОБ** – 1.Парда, оралиқни тўсиб турадиган нарса, тўсиқ; 2. Уят, уялиш.  
**ҲИЖОЗ** – 1.Арабистоннинг ғарбий-шимолий қисми - Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган худуд.  
**ҲИКМАТ** – 1. Билимдонлик, донишмандлик; 2. Фалсафа; 3.Сир, махфий сир; 4. Ақл ва ҳақиқатга тўғри келадиган нозик маъноли қисқа сўз, масал; 5.Тадбир; 6. Сабаб.  
**ҲИЛОЛ** – Янги кўринган ой.  
**ҲИНДУ** – Ҳинди, ҳиндлик; маж. Қора тусли.  
**ҲИРС** – Бирор нарсага қаттиқ берилиш; таъма, оч кўзлик.  
**ҲИСОБ** –Ҳисоб вақти – Санаш, натижа чиқариш вақти.  
**ҲИЯЛ** – Ҳийлалар, адовлар, фириблар.  
**ҲОДИС** – Янги пайдо бўлган, кейин юзага чиққан, юз берган.  
**ҲОЖАТМАНД** – Муҳтож, эҳтиёжлик.  
**ҲОЖИБ** – 1.Дарвозабон, эшик қоровули, пардадор; 2.Қош.  
**ҲОЛИЁ-ҲОЛО** – Ҳозирда, шу пайтда.  
**ҲОМИЛ** – 1.Бирор нарсани кўтарувчи, кўтариб юрувчи; 2. Тасарруф этувчи; 3.Элтувчи.  
**ҲОШИМ** – Муҳаммад алайҳис саломнинг катта бобоси.  
**ҲОШИМИЙ** – Ҳошим авлудидан, Ҳошимга мансуб.

**ХУББ**- Севиш, яхши кўриш; Хуббул ватан – Ватан муҳаб-  
бати, Ватанни севиш.

**ХУДХУД** – Сассиқпопишак.

**ХУЖЖОЖ** – Ҳожилар, Каъбани зиёрат қилувчилар.

**ХУЛЛА** – Безакли, нозик ва нафис кийим; ипакли нафис  
мато.

**ХУЛЯ** – Безак, зийнат, зеб.

**ХУРУФ** – Ҳарфлар; Ҳуруфи иллат- Араб граматикасида  
“вов”, “алиф”, “ёо” ҳарфларини ҳуруфи иллат ёки ҳарфи ил-  
лат дейилади.

**ХУСН** – Гўзаллик, чирой, кўрк.

**ХУШМАНД** – Ҳушёр, эсли, ақли.

**ХУҚҚА** – Қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича.

*Адабий-бадний нашр*

**Алишер НАВОИЙ**

# **“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ДАГИ НАЪТ ФАЗАЛЛАР**

**Муҳаррир**  
Алишер НАЗАР

**Нашриёт муҳаррири**  
Бекқул ЭГАМҚУЛОВ

**Техник муҳаррир**  
Шерзод САЙДАЛИЕВ,

**Саҳифаловчи**  
Зебинисо РАҲМОНОВА

**Мусаҳҳиҳ**  
Ўғиллой ДОЛИЕВА

**“Noshirlik yog’dusi” нашриёти**  
100128, Тошкент, Кох-Ота, 75.

Босмахонага берилди: 04.09.2010 й. Босишга рухсат этилди 14.09.2010 й.  
Бичими 60x84<sup>1/16</sup> Офсет қоғозда офсет усулида чоп этилди.  
Шартли босма табоғи 7,0. Навр табоғи 7,6. TimesUz гарнитураси.  
Адади 1000 дон. Буюртма №87. Баҳоси шартнома асосида.

**«NILOI MEDIA» МЧЖ** матбаа бўлимида чоп этилди.  
**Корхона манзили:** Тошкент, Учтепа тумани, 21-мавзе,  
Фарҳод кўчаси 1 “а”-уй.